

*Анвар Суюн*

# **Вбдинтоғ ҳикоялари**

Тошкент  
«Академнашр»  
2015

УЎК: 821.512.133-3  
КБК: 84(5Ў)6  
С 98

С 98

Суюн, Анвар

Ўбдинтоғ ҳикоялари: ҳикоялар / А.Суюн. – Тошкент:  
Akademnashr, 2015. – 128 б.

ISBN 978-9943-995-21-5

УЎК: 821.512.133-3  
КБК: 84(5Ў)6

*Ушбу китобдан ёш умидли ёзувчи Анвар Суюннинг сўнги йилларда матбуот саҳифаларида чоп этилиб, устоз адиблар назарига тушган ҳикоялари ҳамда ўзига хос услубда ёзилган бошқа асарлари ўрин олган. Муаллиф изтиробли ўйларининг инъикоси ўлароқ юзага келган битиклар сизни бефарқ қолдирмаслигига ишонамиз.*

ISBN 978-9943-995-21-5

© Анвар Суюн  
«Ўбдинтоғ ҳикоялари»  
© «Akademnashr», 2015

## СУКУНАТ МАНЗАРАЛАРИ

Кўрган-кечирганларимизни ҳикоя қилиш – ҳаммамизга сут билан кирган эҳтиёж. Таассуротларимизни сўзлаш иштиёқи – шууримизга ўрнашиб олган оғир бир юк. Биз ундан фақат бировларга тўкиб-солибгина қутулишимиз мумкин. Ҳикоя башариятга хос мана шундай руҳий-маънавий, ижтимоий-тарихий ҳолатлар маҳсулидир. Аслида, адабиёт ҳам тарих. Фақат тарих фани инсоният кечмишини бироз субъективроқ, юзакироқ, зоҳирийроқ баён қилса, бадиий адабиёт ўтмишнинг, аниқроғи, ўтмишда яшаган инсонларнинг ботиний тарихини ҳаққоний акс эттиради. Худди шу тарихий манбавийлик жиҳатдан қаралганда, инсониятга оид ботин тарихи дастлаб диний, кейинроқ мифологик, адабий, фалсафий, ҳатто географик манбалар воситасида бизгача етиб келган. Адабиёт тарихида турли шакл ва мазмундаги бадиий асар намуналари бўлиб қайта тирилган. «Сайёр сюжет» ўлароқ эпик турлар билан бирга бошқа адабий турлар таркибидан жой олган. Ҳикояга асос берадиган яна бир жиҳат ҳикоябоп воқеаларни туғдирувчи макон-замондир. Айнан шунга кўра ҳикоя қаҳрамонлари, унга хос шакл ва мазмун, сюжет, услуб хусусиятлари ажратилади. Ягона жанр ичида турли янги шакллар майдонга келади.

Биз сўз юритмоқчи бўлаётган ёш ёзувчи Анвар Суюн ҳикоялари учун санаб ўтилган омилларнинг бирортаси ҳам бегона эмас. Уларда диний, адабий, тарихий, фалсафий анъаналар муаллиф қиёфасидаги миллий маънавиятнинг бир улуши сифатида умумлашган. Аммо бу ҳикоялардаги индивидуаллик хусусиятини кўпроқ унга хос макон-замон ўлчамларида кўриш мумкин. Негаки жаҳон ҳикоячилиги тарихида «Ғўбдинтоғ» деган бадиий хронотоп йўқ. Бунинг ўхшаши ҳатто ўзбек адабиётида ҳам учрамайди.

Эҳтимол, Ғўбдинтоғ ҳикояларини «Севастопол ҳикоялари», «Макондо ҳикоялари», «Дон ҳикоялари», «Галатепа ҳикоялари» билан бир чизиққа қўйиб таҳлил этиб бўлмас. Айни жараён босқичма-босқич, адабиётнинг муайян қонуниятларига кўра қаердан бошланиб, қаерда тугашини белгилаш ҳам маҳолдир. Аммо бу ўринда гап бадиий ўқув ва маҳоратни солиштириш ҳақидамас, балки Ғўбдинтоғ деган миллий макон бадиий хомашё сифатида жаҳон ҳикоячилигида машҳур бошқа маконлардан заррача кам эмаслигида. Юқорида саналган ва саналмаган бадиий хронотоплардаги барча улкан ва кичик қисмлар Ғўбдинтоғ хронотопида ҳам мавжудлиги ва рисоладагидек ҳаракатланишида. Қолгани шахс, истеъдод ва маҳоратнинг иши.

Анвар Суюн ҳикоялари Ғўбдинтоғда кечган воқеаларни мукаммал ҳикоя қилишга даъвогар бўлмаса-да, янгилигу ўзига хосликни айнан шу макон кенгликларидан олади. Улардаги сюжет, образлар, табиат тасвири, ҳикоя қилиш ва мулоқот шакллари айнан шу сабаб ўзига хос. Энг муҳими, Ғўбдинтоғда кечмиш ва кечажак воқеаларни қаламга олишга жаҳд этган ягона даъвогар ҳозирча Анвар Суюн. Бошқача айтганда, адабиёт ва ўқувчи Ғўбдинтоғ ҳикояларидан фақат Анвар Суюн туфайли, унинг бадиий имкониятлари доирасидагина воқиф бўлиши мумкин. Бу эса ёш ёзувчи учун катта масъулият, оғир юк.

Хўш, бу китобчага киритилаётган Ғўбдинтоғ ҳикоялари кимлар ва нималар ҳақида?

Ҳикоялар сюжети, юқорида урғу берганимиз Самарқанд чегарасида жойлашган Ғўбдинтоғ этакларида кечади. Бу манзилда гавжум шаҳардагига ўхшаб одам дегани қайнаб ётмайди. Дала-қирлари, қияликлари, кўчалари ҳам сакинат ва улуғворлик оғушида мудраб ётади: «Уни илк бор Ғўбдинтоғ этагида учратдим...» («Оқтирноқ»); «Қишлоқ оралаб ўтган – даштга элтадиган чанг йўл қайрағочзорни иккига айириб кесиб ўтган. Тупроғи ковушни кўмгудай бу кўчанинг бир-икки ўткинчи билан чўпон-чўлиқдан бошқа йўловчиси ҳам йўқ...» («Ота ва

ўғил»); «Пастқам қирлар орасидаги дўшидай қишлоқни кесиб ўтган заранг кўча бирчиликдай қуйи ангарларга эниб кетган...» («Қўшбурун»); «Эгри-бугри сайхонлик этагидан чиқиб келаётган отлиқ шу томонга ўрлади...» («Йўқчи») дея тасвирлайди бу манзараларни ёзувчи. Бадий маконнинг бундай тасвирларида «тоғ», «қир», «дашт», «ангар», «заранг кўча», «сайхонлик» сингари сўзлар ундаги хусусийликни таъкидлайди. Ўқувчи руҳиятини сокин манзаралар билан уйғунлаштиради. Муҳими, бу маконлар тизими ўқувчини Ғўбдинтоғ ҳикояларида иштирок этадиган қаҳрамонлар томон ортиқча ташвишларсиз олиб боради.

Асар қаҳрамонлари ҳам асосан Ғўбдинтоғ хронотопи доирасида ҳаракатланади. Бунда ўз ташвишлари билан овора чўпон-чўлиқлар, деҳқонлар, чавандозлар, оналар, қизлар, ўсмир болаларни учратамиз: «Устара пиёзнинг пўстидек арчиган тақир бошларидан саратоннинг аччиқ иссиғи ўтиб, ҳилдиратиб ташлайдики, кўкка боқишдан чарчамайди. Айримлари пастлаган учоқларни олдига солиб қувлайди. Қуваверади, қуваверади...»

Би-ир маҳал овдан қуруқ қайтган тозидай ичини уриб келади...» («Рўзанинг биринчи куни»); «Болакай бами-соли ерга ёпишиб – ер бағирлаб, қулоч отиб-қулоч отиб хаскаш тортади. Хаскаш орасидан тирналган тупроқнинг гарди кўтарилиб, туриб қолади. Боланинг пешонасидан реза-реза тер қуйилади. Тер қуримасдан чанг ўтириб, айғиз-айғиз – тарам-тарам, кирланган изи қолади...» («Ота ва ўғил») Бу Ғўбдинтоғ этакларида ғам-ташвишсиз яшаётган болалар тасвири. Уларнинг оталари табиати ҳам кўпда мураккаб келмайди. Ташвиш-таҳликалари тирикчилик – болаларни ўқитиш, кийинтириш, йилқию қўйларнинг қишлови ва ҳоказо. Оналар эса ота ва ўғил ўртасида воситачи. Дардини отага айтолмаган ўсмир бола онасига ёрилади. Она боласини тушунади. Унинг арзини хонадон соҳибига етказди.

Бундаги муллатўрғайлар ҳийлакор, гўл кучукларни алдайди, ўзини яраланганга солиб жўжалари ҳаётини

сақлаб қолади. Ота ўз ўғлига буни тушунтиради: «Кўрдингми, ўғлим, қушлар ҳам анча муғомбир. Анов муллатўрғай Бўбигингни алдади... Хў-ўв маскавакнинг тагида жўжалари борийди. Кучугинг ҳар куни уларни безопта қип ўтади. Сен эътибор қимайсан...» («Ота ва ўғил») Гўё Гўбдинтоғ итлари бегуноҳ қушларга озор беришдан қўрқиб атай ўзини овсарликка солади. Муллатўрғай ҳийласига ишонгандек меровланади. Ҳолбуки, бундаги одамлар сингари итлар ҳам улуғвор ва серфикр. «Дадам иккимиз, – дея ҳикоя қилинади ҳикоянавис бола тилидан, – Каллалисойга судраб кетаётганимизда Қўтирқоянинг устида нимадир чўнқайиб ўтирарди. Белдан ошаётганимизда бир-бир қадам ташлаб пастга энди. Оқтирноқни кўмиб, устидан тупроқ тортуганимизча қияда ўтирди...» («Оқтирноқ») Бу ерда сўз боласини тупроққа топшираётган она ит ҳақида кетади. У юрагининг бир парчасини мана шундай улуғвор бир сукунат билан сўнгги манзилга кузатади.

Гўбдинтоғ ҳикояларининг тили ҳам ўзига хос. Ундаги ҳикоячи-муаллиф ҳам, қаҳрамонлар ҳам ўз сўзларини қоғозга ўрамайдилар, бўяб-бежамайдилар. Туғилганларида қандай тил чиқарган бўлсалар, ўша оҳангда гапираверадилар. Баъзан шу даражада ўз шеваларида сўзлашиб кетадиларки, ўқувчи уларни англай олмай қолади. Шундай жойларда ўқиган, шаҳар кўрган ҳикоя муаллифининг сатр ортидаги изоҳлари келади. Ҳикоялар матни остида берилган «чиркай», «гидик», «бирагай», «чўбот», «бел» каби сўзлар изоҳи ҳикоянавис болага эмас, айнан шаҳар кўрган муаллифга тегишли.

Анвар Суюн асарлари ичида «Энг қисқа ҳикоялар» туркуми остида берилган тажриба ҳикоялар ҳам бор. Масалан, «Тарсаки» номли ҳикоячасида муаллиф бор-йўғи 131 та сўз ишлатган. Лекин унга қўйилган юк, мўъжаз сюжетнинг таъсир кучи ҳеч қандай улкан ҳикоядан қолишмайди. «Тарсаки»да воқеа ҳам, тасвир ҳам, образ ва характер ҳам бор. Энг муҳими, унда оталар дунёсини англаган боланинг эътирофи мужассам.

Ғўбдинтоғ ҳикоялари муаллифи гавжум шаҳар чойхоналари, идоралари, кўчаларига ҳам бирров бош суқишга уриниб кўрган. Шаҳар ҳаётига хос чигал воқеалар тасвирига қурилган бир-икки ҳикоя ёзган. Аммо, бизнингча, бу ҳикоялар на сюжет, на образ, на тасвир, на тил жиҳатидан Ғўбдинтоғ ҳикояларидаги самимиятга яқин кела олган. Ғўбдинтоғ кенгликлари, улугвор одамлари, улкан жониворлари, паррандаю даррандалари олдида бундаги қаҳрамонлар кичрайиб, бачканаллашиб қолганга ўхшайди.

Алқисса, Анвар Суюн тор дунёнинг пучмоқлари аро ўзлигини излаётган ёш ёзувчиларимиздан. Биз унинг ўз йўли, ўз оҳангини топиши, самимий қаҳрамонларини, айниқса, ўз Ғўбдинтоғини сира ҳам йўқотмаслигига тилакдошмиз.

**Узоқ ЖўРАҚУЛОВ,**  
*филология фанлари номзоди*

## ОТА ВА ЎФИЛ

### I

Бийдай далада саратоннинг зилдай ҳовури кезади.

Қуёшнинг аччиқ нурлари қияламаларда тиккайиб турган шувоқларни ғичирлатиб, билқиллаган тупроққа сингиб кетади.

Қиялик этагида ўн беш-йигирма уйли қишлоқ жойлашган. Унинг бир томони какраю каррак, маскавагу туюқоринлар тўшалиб ётган лалми тўқайга туташиб кетади. Аслида, бу тўқай эмас, бир-икки ёввойи бодомини ҳисобга олмаганда, қайрағочзор. Бу ердаги дов-дарахтлар дашт чакалакзори тусини олган. Айни кезде уларнинг наинки шохини, баргини қимирлатишга қурби етадиган – қилт ётган шабада топилмайди.

Қишлоқ оралаб ўтган – даштга элтадиган чанг йўл қайрағочзорни иккига айириб кесиб ўтган. Тупроғи ковушни кўмгудай бу кўчанинг бир-икки ўткинчи билан чўпон-чўлиқдан бошқа йўловчиси ҳам йўқ. Йўлнинг икки ёнидаги дарахтлар остида саратоннинг дим нафаси қотиб қолган гўё.

Дарахтзор бошланадиган қирдан эниб келаётган қора кучук ана шу димиқ ҳароратнинг забтини менсимагандай дам искаланиб, дам тилини осилтириб бир маромда лўкиллаб боради. Унинг ортидан қир томонда қўнғир эшакка мингашиб олган икки кишининг қораси кўринди. Эшак илдам йўрғалагани сайин йўловчиларнинг жуссаси аниқлашиб боради: эгарда соч-соқолига оқ оралаган ўрта ёшли киши. Орқасида оёқларини ликиллатиб келаётган, қовурчини қотган болакай. У эгарнинг қолмоқисига қўлларини тираб, оёқлари билан эшакни нуқиб қўяди.

... Йўл лабига яқин ўсган маскавакнинг қуюқ буталари орасидаги муллатўрғай полапонлари сариқ тумшуқчала-



ри орасидан бигиздай тилини чиқариб узоқ-узоқ ютинади. Она муллатўрғай сал илгарироқда, какра тагида бағрини тупроққа бериб ётади. Кучук муллатўрғай уяси ёнидан ўтаётиб ноходдан полапонларга яқинлашиб бораверди.

Соялаб ётган она қуш ўқдай учиб кучук олдига яранган каби шалп этиб тушди. Қора кучук унга отилди. Қуш бир зарб билан сал илгарироққа калта учди. Кучук ликанглаб ортидан тушди.

Бу ҳол яна, яна ва яна такрорланди...

Лаққи кучук муллатўрғай инидан олислаб кетди.

Муғомбир қуш пирр этиб дарахт шохига чиқиб олди.

Кўрпадай билқиллаб ётган йўлнинг танобини тортиб бораётган оқсоч киши ортига қараб:

– Кўрдингми, ўғлим, қушлар ҳам анча муғомбир келади. Анов мўллатўрғай Бўбигингни алдади! – деди.

– Йўғ-э, қайтиб алдайди?! – бола эгар карсонига суяниб отасининг юзи томон чўзилди. – Қаерда кўрдингиз?

Ота индамади...

Узангига оёғини маҳкамроқ тираб, чапга сал энишиб, чўнтагидан носкадисини олди, тиззасига тўқ-тўқ этиб урди:

– Хў-ўв маскавакнинг тагида жўжалари борийди. Кучугинг ҳар қуни уларни безопта қип ўтади. Сен эътибор қимайсан...

Ота-бола яна нималарнидир чуғурлашиб, сўқмоқ ўрлаган тепалик ортига ўтиб, аввал эшаги, кейин гавдалари, бошлари кичрайиб кўринмай кетишди.

## II

– Энди, ўғлим, сен жонқаларни ғарамлаб тур, мен қўчқорчаларга чирмовуқ билан бўтакўз ўриб келай.

– Дада, анов махсарнинг ораси сийрак, шу ерда чирмовуқ мўл.

Ота ўроғини қўлтиқлаб сариқ-пушти гуллаган махсарпоя оралаб, махсар тиконлари ичида бир-бир қадам ташлаб пайкалга кириб кетди.

Болакай бамисоли ерга ёпишиб – ер бағирлаб, қулоч отиб-қулоч отиб хаскаш тортади. Хаскаш орасидан тир-

налган тупроқнинг гарди кўтарилиб, туриб қолади. Боланинг пешонасидан реза-реза тер қуйилади. Тер қуримасидан чанг ўтириб, айғиз-айғиз – тарам-тарам, кирланган изи қолади.

Ота ва ўғил бепоён дашт ўртасида, толтушда, қуёш жамики мавжудотга раҳм қилмай, аччиқ ва зилдай нурларининг исканжасига олган пайтда сомон йиғаётир. Қайдадир – пичан орасидан жазловиқнинг чўзиб-чўзиб визвизлагани дашт саратонининг ўлик сукунатига эш бўлиб учади. Эшак эгарининг қошига илиғлик, устига чопон энги қопланган ва сиртидаги нами сирқиб кетган баклажкадаги сув ҳам эшак ҳар қимирлаганида чайқалиб-чайқалиб қўяди. Ота махсарзор орасидан бир қучоқ кўкпичан кўтариб чиқади. Хуржуннинг икки кўзига пешма-пеш тутамлаб-тутамлаб тиқади. Пешонасидаги шўр босган белбоғини олиб, бўйни ва кўкрагидаги йилтираб турган сув-терни артади. Эгар қошидаги идишни олиб ҳўплайди. Афтини бужмайтириб, оғзини чайиб: «Э-э, Худованди карим, чўғсиз-оловсиз қайнаб кетибди-ку!» – дейди ўзига ўзи.

– Ҳей Баҳодир, бери ке, бу ёқнинг хашаги тўшалиб ётибди, – деб ўғлини чақиради. – Қанча бўлди, бир қанор чиқадими?..

Ўғли хаскашни судраганча иссиқдан эриниб, ишдан бели совиб келади. Гап-сўзсиз хуржуннинг устига чўккалайди.

Ота ўғлининг хатти-ҳаракатларига бепарво хаскашни олиб, секин-секин, бир маромда ер тирмалайди. Хаскаш ҳар бориб келганида қовжираган ўт-ўлан ширқ-ширриқ деган шовир чиқаради. Тирналган тупроқда турли-туман ҳашаротлар, лўканглаган туяқумурсқалар югургилаб қолади. Иссиқнинг зўридан сарғайиб, мўртлашиб қолган мунчоқгулларга темиртишлар тегиши билан омонат турган донлари тўкилиб, пояси ғарамлар орасига қўшилиб кетади. Синиб, кўрпа бўлиб ётган қўнғирбошлар арпа поясининг ичида йўқолади. Ота бирпасда анча-мунча жойни тозалаб ташлайди. Онда-сонда қўлларини тупуклаб

хаскаш дастасини қайта тутаётганида ўғлига зимдан қараб қўяди. У шу зайлда бир ош пиширим вақти тўхтамай ишлади. Сўнг беллари увушиб, бўйни қотиб қолганиданми, кўкрагини озод очиб, қулоч отиб керишди. Қоқири-ниб, бир кафт нос отди-да, ўғлига:

– Ҳа, болон, жин чалдими дейман, белинг сувуб қолди! – деди хаскашга суяниб. – Ислагинг жўқ.

– Зерикдим, – деди бола бепарво. – Ҳар куни эшак билан сомон ташиймиз. Одамларга ўхшаб уч кун тирнаб трактирда опкетсак камайиб қолармидик?

Ота бирпас ўйланиб турди.

Яна ишлашда давом этди. Энди сал тепароққа, ангарнинг беткайлигига, кўтарилди.

– Бу ёққа ке, хас-хашаги мўл экан, – деб болага юзланди.

Бола отасининг ёнида беҳафсала сомон тирнай бошлади. Жизирлаган иссиқ унинг увадаси чиққан шапкасидан ўтиб бошини қиздирар, димиқ ҳарорат шижоатини сўндирар эди. Ота бирпас кузатиб турди-да, қаддини ростлаб – увушган суякларига роҳат бериб, белбоғи билан юзларини арта туриб гап бошлади:

– Сен, ўғли-и-им, ишлашдан эринма. Ўн беш қанор оборсанг, бир телажка бўлади. Бу ўн беш минг сўм дега-ни. Шу ўн беш мингни трактрисга бермайман, сенга бе-раман. Иковимиз ўн беш минг фойда қиламиз, тўғрими?

– Сиз барибир менга бермайсиз-ку, – деди ўғил.

– Нимага бермайман, ўн беш қанор қилсанг, аниқ бе-раман.

– Э-э-э, қўйинг-э! Ўтган йили ёзи билан қўйларни боқ-санг, валасанид обераман девдингиз, ҳозир ҳам оберга-низ йўқ.

– Энди-и, ўғлим, валасанид қочиб кетмайди, – деди ота тик турган хаскаш дастасига тирсак тираб. – Ўтган йил бўлмаса, келаси йил оласан.

– Сиз шунақасиз-да, ҳар доим бирор нима обераман деб нуқул алдайсиз, – деди ўғил отасининг юзига қарай олмай. – Майдан бери Ботирни ола сигирни семиртир-санг кастим-шим оласан деб алдаб келасиз.

Ота мунғайди.

Бироз вақт олис-олисларга ангар қуймичидаги ёввойи ўрикзорга тикилди.

Ўғлига тескари бурилиб, юз-кўзларини белбоғи билан артди. Кўз олдидан ола сигирини сўйган куни қассобхонадан қайтганидан сўнг кенжасининг йилтироқ костюм-шим оламан деб хархаша қилгани ўтди. Ўшанда ўғлини: «Акангнинг ўқиш пулини тўлаб келай, ортганига Баҳодир икковингга иккитадан кастим-шим обераман», – деб юпатганди.

Афсуски, ола сигирнинг пули урвоқ ҳам бўлмаган, камига иккита совлиқ сотган эди.

Унинг негадир хўрлиги келди. Кўнгли бузилиб, эниш жарлик лабида арқонлоғлиқ турган эшакнинг ортига ўтиб қизиб турган харсангга чўкди. Қўлларини иягига тираганча хотирасида йилдан-йилга хира тортиб бораётган ёшлигини эслади.

... Болалигида бу ерларга тенг-тўшлари билан жуда кўп келарди. Ҳар сафар мана шу жарларда «Уруш-уруш» ўйнарди. У ҳаммадан чаққон ва кучли эди. Жарлар аро яшириниб олган бирорта рақибини тутиб олса, таслим қилгунча қўлларини қайириб қийнарди, оёғини кулклаб, таёқ солиб бурарди. Шунда ҳар қандай ўжар бола ҳам тобе бўлар, шу тўда вакилига айланарди...

Ўйин қоидаси шунақа эди.

Ўша кезлари унинг ёши тиззасидан баланд кирза этик кийиб, саратоннинг солдай кунида дастаси билакдай келадиган хаскаш кўтариб сомон йиғаётган муштдай ўғлидан анча катта, салкам армияга кетадиган кезлари эди; кап-катта, давангирдай йигит эди.

«Нега? – деди ўзига ўзи синиқ товушда. – Нега булар ўйин ўйнамайди? Нега шаҳарларга бориб соя-салқин жойларда дам олиб келмайди? Нега бешиқдан туша солиб оғир меҳнатнинг азобини тортади? Болаларда нима айб? Йўқ, Раҳмон, ўзинг ношудсан, улар жабр кўрмаслиги керак...»

Оҳиста жойидан турди.

Ўн беш қадам нарида чанг бурқситиб ер тирмалаётган ўғли томонга юрди. Ҳайрон қолди.

Салкам ер бағирлаб хаскаш тортаётган боланинг терга ботган, териси куйиб, арчилиб кетган яланғоч елкасида қуёшнинг акси ўйнар, бола эса нималардандир аламзада кўринарди. У ҳар хаскаш тортганида сомоннинг майда қипиғи аралаш гард кўпириб, бир қанча вақт учган жойида селгиб, хира тортиб йўқоларди. Қияламада майда ғарамлар потирлаб кетган: сон-саноғи кўринмасди. У катта уюмларни чамалаб кўрди. Кейин эшакнинг ёнига бориб лаш-лушларини йиғиштирди. Қўнғир ҳангини қайта эгарлади. Сўнг қанорни олиб, ғарамларни сола кетди. Бора-бора қанор судралиб, оғирлашиб, тортишга кучи етмай қолди.

– Баҳодирбой, кел энди, мановга ёрдамлаш, – деди ўғлига.

Ота-бола сўзсиз ишлади...

Улар бир-бирига қарай олмади...

Ўғил ортиб қолган учта ғарамни сиғдириш учун қанорни тикка қилиб устида жон-жаҳди билан чўпчилади. Ерга ётқизиб, оғзидаги мағизликдан тортиб, зикларига оёғини тиқиб яна иккита уюмни жойлади.

– Қўй, ўғлим, биттаси ортса ортар, шу билан бойиб қолармидик, – деди ота эшакни етаклаб келиб.

Ота-бола терга пишиб қолди. Иккаласининг ҳам қора-қизил юзидан сув томчилай бошлади. Қақраган лабларига арпасомоннинг гарди ўтириб, бурмаларида лойшанг тарамлар ҳосил қилди.

Ўғил эшакнинг нўхтасидан ушлаб қопга ўнғайлаб турди.

Ота: «Ё бисмилло...» – деб қанорни эгардан оширди.

Ўғлининг болдиридан суяб қоп устига чиқарди.

Ўзи эшакнинг нўхтасидан машиналар ўтадиган текис йўлга чиққунича тутиб борди.

Қўнғир ҳанги олдинга ўтиб, анча олисларга йўрғалаб кетди.

Ота қўлларини орқасига қайиштириб, қуёшнинг ўткир тиғида танглайи қақраб, носини тупура олмай тебраниб бораверди.

Улар олдинма-кетин қуёш тушдан оғганида мулла-тўрғай уяси ёнидан ўтиб кетишди.

Бу сафар қора Бўбик қайларгадир санғиб кетган эди.

### III

Уйига етиб келганида ўғли қанорни тушириб, хуржунни елкасига олиб молхона томонга кетаётганди.

... Бўш юрган эшакни сояга тортиб бойлади. Эгарини ечиб том бўғотидаги қозиққа осди. Эски новга етаклаб бориб эшакни суғорди. Ёнидан ўтиб кетаётган ўғлига:

– Овқатингни еб, дамингни ол! – деди.

Ўзи ошхонага бориб, муздай қудуқ сувига қотилган ча-лобдан икки коса симирди. Дастурхон ёнига ўтиб яқинда сузилган шўрвани нон бўктириб ея бошлади. Ўчоқ бошида куймаланиб юрган хотини ишларини саранжомлаб қайтиб:

– Бозордан келув бўйида сомонга кетиб қолибсизми? – деди шўрва шопириб. – Бўрдоқилар қанчага турди?

– Гўрам пул бўлган йўқ, катта сандиқнинг тагида белбоғда турипти, – деди хотинига ўқрайиб. – Шундан ўттиз мингини ол-да, эртага бозорга чиқиб Ботир билан Баҳодирга кастим-шим оббер. Шаҳар айлантир.

Хотини анграйиб қолди... Ҳеч сўз демади. Эрининг авзойини ўйлади. Зимдан назар солди. Бироқ жўяли тахмин топа олмади. Унинг «ёрилиши»ни кутди. Аммо аёл интиқ бўлган гап чиқмади.

Эри овқатланиб бўлгач пичирлаб дуо ўқиди-да, юзига фотиҳа тортиб, деразасига оқ сурп қопланган салқин меҳмонхонага кириб кетди.

Тепароқда ётган ўғлининг ёнига тўшанчи ташлади. Қўйлагини ечиб секин чўзилди. Бирпас жим ётди-да, болакайни кузатди. Ўғли кўзларини юмиб уйқу аралаш мудраб ётарди...

«Сенлар шопирнинг боласисилар, мен раиснинг ўғли эдим!» – деди ўзига ўзи беихтиёр эшитарли овозда. Яна анча вақт калласидаги тум-тарақай – алғов-далғов фикларини ғудраниб гапириб ётди.

Сўнг ерга юзтубан ўгирилиб олиб, минг бир хаёлнинг халтакўчасига кириб кетди... Шу зайлда ўй суриб ухлаб қолди.

Бу пайтда ўғли унинг ўксикларга тўла ғудранишларини эшитиб ётарди.

Ташқарида эса саратоннинг аччиқ иссиғи тобора авжига чиқар эди.

## ИККИ ТОНГ ОРАСИ



### I

Ғира-шира тонг қоронғиси.

Осмонга тош отса, пайқаш қийин.

Овлоқ кўчада лоп-лоп этиб ўтиб қоладиган машина  
чироқлари йўл гирдида йўрғалаётган байтал ва икки



кишининг кўзини қамаштиради. Беткайликда ўн чоғли қўйнинг ҳайигиб кетаётгани, илгарироқда мол етаклаган одамларнинг шарпаси ҳаракатланади. Тун сукунатини бузиб кимнингдир қисқа-қисқа ҳуштак чалганию «Чаҳ-чаҳ, торт, эчки торт!» – деган хитоби эшитилади.

Йўловчилар бир-бирини қора олиб йўл босади.

Йилқи бепарво қадам ташлайди. Арава сандиғидаги қўйларнинг кўзлари аҳён-аҳёндаги кучли ёғдудан яшил тусда товланади. Миқти болакай от биқинига нуқийди. Филдираклар ғадир тошлар аро лўкиллаб кетади.

– Кўп тез ҳайдайверма, – элик ёшлардаги киши беихтиёр гапиринади. – Ичимни эзиб юбординг.

– Эртароқ боришимиз керак-да, азонда бозор яхши бўлади, дада!

## II

– Ҳей, бу қўйлар кимдан? – шопмўйлов, қориндор олиб-сотар эгар устидаги болакайга юзланади. – Ё сен билан савдо қиламизми?

– Дадам ҳозир келади.

Мўйловини бураб, қўйларнинг биқинига қўл ботирди. Қўлтиғига олиб силкиди. Новча ҳамроҳига лаб учида пичирлади. Жандага ўранган сотармонлар туя, от, ҳўкиз, сигир... етаклаб ўта бошлади. Мол бозори гавжумлашди.

– Олдинга ўтиб торт, мен ҳайдайман, – деди отаси арава атрофида каловланиб юрган болага.

– Бой бова, бу қўйларга пул санаймизми? – қориндор даллол қўй эгаси эгнига қўл ташлади.

– Билмасам, бозорни кўрайлик-чи...

– Келишгирсангиз, шу ер ҳам бозор-да!

– Оғзим тўла пул-да, биродар.

Даллол сотармоннинг эгнидан қўлини олди. Ҳамроҳи билан алланималарни шивирлашди. Новчароғи келиб:

– Қани, қўлни беринг! – дея илик узатди. – Еттовини кўтарасига бичайми ёки...

– Фарқи йўқ, пулнинг чиқиши ҳисоб.

– Унда бундай: етгови бир жойда беш юз минг, – даллол қўл силтай бошлади. – Қўнглингизга ботмасин деб мўлжалингизга яқин олдим.

Қўй эгаси чурқ этмади.

– Нега индамайсиз ё паст сўрадимми?

– Пачакиламанг!

– Унда йигирма беш ўтаман.

– Бўлмайти.

– Беш юз элликка бердингизми?

– Йўқ.

– Беш юз олтмиш!

– Қўйларни кўрдингизми, ўзи?

– Кўрди-кўрмади, бори етгов шалпангқулоқ-да, ака!

– Унда яхшилаб қараб, барака сўранг!

– Ҳе-ей, аччиқланманг ака, бозор-да бу! Ичида ширриқ-мирриғи бўлса, мен қуяман.

– Булар даштнинг моли, суяги бутун.

– Бирон улов олмоқчимисиз?..

– Қиз чиқаряпман.

– Э-э, тўйнинг харажати денг! – юзига табассум югурди. – Савоб ишнинг харжи экан, айтганимга ўн қўшдим.

Сотармон бош чайқади.

– Ҳо-ов ака, садо чиқадими?

– Сўрайверинг...

Даллол писанда билан қўйларни айлана бошлади. Четдаги қўчқорни хомчўт қилди. Қўлчироқ олиб қўзили совлиқнинг тишини санади. Бошқаларининг елкасини фикимлади.

– Эти яхшимас-ку! – баланддан келди. – Ўттиз қўшдим, топ-тоза олти юз бўлди. Қани, бир гулдиранг!

– Бўлмайти.

– Қўшадиган ҳеч нарсаси қолмади. Қийигача пулламоқчимисиз?

– ...

– Жамига саксони кам етти юз. Сизга ён босдим, ана!

– Тўғри келмайти.

– Олти юз элликка барака борми?  
– ...  
– Чорак кам етти юз. Ҳо-ов, барака денг!  
– Келиштиринг.  
– Келишадиган жойи қолмади. Ҳай, сизнингам айтганингизмас, меникиям – тоза етти юз. Чек пули, даллолга ширинкома бермайсиз.

Қўй ағаси ўйланди...

Осмон тозариб, юлдузларнинг туси ўча бошлади. Милтироқ тонг юлдузи ва хира тортиб бораётган ой ўроғини айтмаса, фалак бўм-бўш. Уфқ қизариб қуёшнинг қонта-лаш ҳалқаси кўринади. Этни жимирлатар ёз тонготарида кўчма емакхоналардан дастлабки тутун таралади. Қўрадаги кабобнинг «жиз-жиз» ҳиди болакайнинг димоғини қитиқлайди. Бора-бора уловлар тирбандлашади. Отлиғу пиёда, олармону сотармон шашт билан ичкарига уради ўзини. Бозор гўнғиллайди:

– Ҳей, айтганингдан озроқ туш!

– Тилинг танглайингга ёпишиб қолганми, гулдира-санг-чи!

– Ўни кам тўқсонга барака де!

Бақироқ даллоллар нарх талашади, олақўз буқалар ўкиради, ер депсинган бедовлар баланд ва давомли киш-найди, баджаҳл чекчилар зарда қилади.

– Арзон бердик, дада, – болакай қўй чилвирларини йиғиштираётиб гўлдиради. – Оёқ тираганингизда яна қў-шарди.

– Майли, Худонинг буюргани-да, болам.

Ота-бола кийим-кечак расталарини оралаб кетди.

### III

Қорақул комбайнчининг ёлғиз қизини сўрашди-ю, ташвиши бошланди: бир оёғи уйда бўлса, бир оёғи бозорда. «Ўғиллиникида бир кун тўй, қизлиникида ўн кун тўй» деганларидек, ҳовлисидан келиб-кетарларнинг қадами узилмайди. Аёллар кунора бичиш-тикишнинг муҳока-масини қилади. Қуда томонга элчи жўнатишади. Вакил

баҳонада қуданинг феъл-атворию қудоайининг матопа-растлигиниям билиб қайтади. Қорақул комбайнчининг оғили бўшаб, қўтонидаги туёқ сони сийраклашган. Аммо сарпони бировдан кам қилмоқчи эмас. Шу боис хотинлар маслаҳатини тўғри деб ўйлади.

– Ҳозир қиз томон мебель қиляпти, – деди хотини.

– Ойчечакдан ташқари куёвга ҳам қишлик-ёзлик кийим қилишингиз керак, – қўшилди қўшни аёл.

– «Қизлар базми» билан «Куёв чақирди»ни бир кунда ўтказганларингиз маъқул, – фикр билдирди яна бири.

Бозорма-бозор кезиб англадики, замон қаричи ўзгарган.

«Қиз сепи»га чинни олишда роса овора бўлди. Аввалига идишларни хотин-халаж кўримсизга чиқарди. Бир-икки сўм қўшиб алмаштириб келди. Кейинги сафар ранги, шакли, ҳажми мос тушмади дейишди. Яна бозор сари йўртди... Хуллас, бир ой деганда кўрпа-тўшак, идиш-товоқ, кийим-кечак, пардаю дастурхоннинг кам-кўстини битирди. «Ҳаммаям шундай чиқим қиладимикан-а? – ўйланди ўзича. – Ё мен даҳмазани катта қиляпманми? Йўқ... Ҳай, билмадим, ё нарх-наво ошган, ё замон ўзгарган, ё мен – дунёбеҳабар!»

У асли механик эди. Замон ўзгарганида катта бир бочканинг остига мотор ўрнатиб, қўлбола комбайн ясади. Эл-юртнинг арпа-буғдойини янчишни касб қилди.

Комбайнчи лақаби шундан.

#### IV

Кун тушликка яқинлашаверганида жазирама зўрайди. Оёқ товуши тиниб, борлиқ сукунатга чулғанди. Бигиздай тилини ўйнатиб ҳансираётган қушлар қишлоқ оралаган аравани кузатади. Бия кўзи атрофида ўралашган чиркайлардан<sup>1</sup> зада, бош силкиб йўрғалайди. Яйдоқ адирларга тикилган бургут чилланинг ҳаракатсиз лаҳзаларида емак қидиради. Ўткир кўзлари чекка ҳовлига

<sup>1</sup> Чиркай – чивинга ўхшаш жуда майда ҳашарот, кўпроқ ҳайвонларда учрайди.

ўрлаётган қўнғир тулкини нишонга олди. Сезгир жонивор ўзини бурчакдаги бостирмага урди. Сал наридаги ғов очилиб, терчилаган биянинг ҳорғин гавдаси кўринди.

– Маржонбулоқдаги опамнинг ўғли келувди – жиянингиз, поччамни конда тош босиб қолибди, – деди ғов илгачини илдираётган хотини.

Ғужум остида айронга нон ботириб еди-ю, бозордан ортганини белига туғиб отланди. Этакдаги ангарни кесиб катта йўлда эски автобусга илинди. Улов кучдан қолган қирчанғидай имиллаб, дуч келган жойда кимки кўринса ортмоқлаб авжи пешинда шаҳарга кириб келди.

Кўрдик, ётганлар яримжон: бирининг оёғи синган – бўксасигача гипслаб, тош ҳам осиб қўйибди. Бировининг белигача оқ мато ўралган. Тўрдагисининг кўзи билан бурни очиқ, аъзои бадани тошқотган дока ўрамида...

Сўраб-суриштириб катта дўхтирнинг хонасини тақиллатди.

– Кириг!

Дўхтирнинг қаршисида эгни қисилиб ўтирган опасини кўрди. «Олдириб қўйибди ўзини, – ўйлади ичида курсига чўкаётиб. – Нотинчлик қурсин, булутдай эди-я...»

Аёл ўксаси қуриб: «Хаҳ, фалак! Пешонамда бу кунлар ҳам бормиди? – деди, илло, ҳасратларини ўзидан бўлак ҳеч ким эшитмади. – Кўрсатганларинг каммиди?...» Котиба қиз пиёлада сув келтирди. Муздай сувдан ҳўплар экан, ҳовури биров босилди.

– Аканинг етти жойи синган. Унчалик хавфли эмас, хавотир олманг, – дўхтир чуваланди. – Энди-и, очиғини айтишим керак, биз хўжалик ҳисобидамиз. Бу унча-мунча харажати... бор дегани. Ҳозир кўп жойларда аҳвол шунақа.

– Ука, дангал айтаверинг, – комбайнчи дўлворлигига борди. – Очиқчасига бўлгани маъқул, шунга қараб саз қилардим.

– Манглайим қора бўмаса, бу кунлар ҳам бормиди!? – опаси ичиқди. – Бечора ёртибош эди, кунимизга сен бор экансан...

Қош қорайганида қишлоққа қайтди.

Осмоңда гуж-гуж юлдузлар жимирлаб ётади. Сомон йўли бўйлаб учган бирининг тарам-тарам нурлари бир неча сония йўналишини ёритиб ўтади-да, хира тортиб йўқолади. Олис-олислардан итнинг ғингшиниб акиллагани эшитилади. Тошларга сингган офтоб тафти кўтарилиб теваракни дим ва илиқ ҳароратга тўлдиради. Борлиқ осуда лаҳзалар қўйнида мудраб ётади. Ғужум остида ётган эр-хотиннинг кўзига уйқу инмайди. Учи-қуйруғи йўқ хаёллар гирдобида. «Комбайнимни сотаман, – ўйлади эри. – Пулга боради. Бултур Умар қассоб сўратувди, – шу кез этакдан отнинг пишқириғи эшитилди. – Ё бияни бозорга солсаммикан...» Хотини эрига кишибилмас қараб қўяди. Минг бир режани хомчўт қилаётганини англайди. Ўқловдек ингичка, боз яна ажин босган бўйнига кўзи тушиб ич-ичидан ачинади: «Жағига пичоқ қайрайдиган бўлибди бечоранинг. Қандай йигит эди, тоғни урса талқон қиладиган. Ёлғизликнинг шуниси ёмон, ака-укалари бўлганида суяшиб турармиди... Ит бўл, қуш бўл – кўп бўл дегани бор гап экан-да».

Қўшни чол бомдодга азон айтганида Қорақул комбайнчининг хаёлидан «Умар қассобниқига борсаммикан ё Ҳамза раисдан қарз кўтарсаммикан...» деган яккам-дуккам мулоҳазалар ўтди. Қайсики давлатмандни билса, улар билан орасини чамалайди. Масалан, Тайпоқсойга кўчган партадоши Бойсайфи билан жўрачилиги, анчайин қўли очиқлигини хотирлади. «Қарз сўраганнинг бир бети қора, бера олмаганнинг икки бети, – дейди кимнингдир олдида мистар бўлишини ўйлаб. – Ҳай, бир гап бўлар. Ўладиган ҳўкиз болтадан қайтмас». Офтоб дашту далаларни оташдек қуйдираётган бир паллада эшик-ма-эшик, уйма-уй кезган комбайнчининг тер қуйилиб келаётган пешонасида шамшир ўйнатади гўё. Шамширки, жон олмас – ажал эмас. Фақатгина устомон қассобдай терисининг бир қаватини жизиллатиб шилиб ташлайди. Қизариб, ҳилдираб бораётган қиёфасида етим болалиги ва йилларнинг ғам-андуҳлари қотиб қолган. Қотиб қол-

ган эмас, ажи-бужи чизиқларда акс этиб туради. Бужмайган қовоқлари орасидаги ботиқ кўзлари ана шу ажи-бужи чизиқларни ҳарфма-ҳарф, жумлама-жумла фош этади...

Бозордан бол топиб, сўнг қўйнига солиб, яна йўл-йўлаккай «Замон-замон, бизнинг замон...»ни хиргойи қилиб келаетган ва хотинига икки зувала кулча солишни буюриб турган от даллоли Бойсайфи дўстининг илинжини уқди. Уқдики, ...қийматини сўради.

Ўтгиз-қирқ йил бурунги дали-ғулилигига борди, «Топаройида берасан!» – деди.

## V

Тийрамоҳнинг намхуш шамоллари уйғонганида Қорақул комбайнчининг шаҳардан оёғи узилди. Суяк деганлари кун санар экан, Бердимурод поччаси қарийб олтмиш кун ётди дўхтирхонада. Бу орада комбайнчи анча-мунча дорининг фарқию давосининг фаҳмига етди. Гоҳида оқ рангли иморатнинг ўткир ва қўланса ҳидидан безди ҳам. Баъзан шапалоқдек қоғозга битилган дорилар рўйхатини қўлтиқлаб шаҳарнинг дуч келган тешигига бош суқди. Қудалари билан келишиб тўйни ҳам орқага сурди.

Одам одамга эл бўлади, пул ёки мартаба эллик қилмайди деб ўйлаган қуда томон даладан ҳосил кўтарилгунича Қорақул комбайнчининг созини кутишди.

## VI

Кечаси билан шаррос қуйган ёмғир эрта билан тиниб, тонгги рутубат одамларга хуш ёқди. Об-ҳавонинг юмшаганидан мамнун тўй эгалари издиҳомнинг тадоригида. Ёш-яланг ўчоқ қазиш, самовар тайёрлаш билан банд. Бир-иккита ўрта ёшлилар ҳовлининг этагида, кўздан панароқда, қўчқор бўғизлаб, терисини шилиш билан овора. Чойнак-пиёла, коса-товоқ ташиётган хотин-халаж оёқ учида учиб юради гўё. Холироқ томга йиғилган қизлар келин бўлмишнинг пардоз-андозига зўр беришади. Ай-

вондаги кексалар ўтган замонлардан гап суришади. Кай-вонилар келин сепини қайта кўриқдан ўтказадилар. Кун чошгоҳдан ўтиб шоҳнинг кўчига безатилгандай турли хил попукларга ўранган кувёвжўраларнинг уловлари келади. Остонагача пишқириб келган машинадан қориндор карнайчи ва миқти доирачи тушиб, «ғийқ-ғийқ, тапир-тупур»ини бошлайди. Қиз-жувонлар четроққа йиғилишиб йигитларни кузатишади. Шўхроқлари қочирим қилишга ҳам улгуради. Ҳазил-мутойиба бошланади. Даврани ипак саллалари Имомхон эшон кесиб ўтади-ю, кулги тинчийди. Янгалар кувёв болани бошлаб кетади...

– Қиз отасини чақиринг, – эшон никоҳ суви келтирган кишига юзланди.

Ҳаял ўтмасдан дўписини қийшиқ бостирган комбайнчи кўринди.

– Сиз тоғаси бўласизми?

– Йўқ, отаси.

– Унда тоғасини чақиринг, никоҳда тоғалар вакил ота бўлади!

Қорақул комбайнчи ташқарилади. Бўсағада хотинига имлаб деди:

– Ҳамқишлоқларингдан биронтасини айт.

Даҳлизда ўтирган Бердимурод поччаси қўлтиқтаёғига суяниб:

– Заркумуш, пошма, – деди оқсоқланиб келаркан. – Менам акаман! Икковимизам Тўрғайлининг одами бўл-сак.

Қиз хайрлашаётиб ҳўнграб юборди. Янгалар лаб учида шивирлади, билагидан тортиб четга олди.

Базм қизигандан-қизиди...

Комбайнчининг елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди. У ширакайф ошналарининг сершовқин қаҳқаҳасини эшитмайди гўё...

## VII

Тонг туннинг пардасини тортиб, шарпани илғайдиган паллада Ғўбдинтоғнинг қуймичидаги адирларда бир от



ўйноқлаб боради. Бойловдан чиққан йилқи тизгинни узгудек силтаниб, гоҳида олд оёқларини қўшшасига ўйнатиб пишқиради. Оғзидаги сувлуқ ғижирлайди.

– Маҳкамроқ ўтир, ташлаб кетмасин, – отаси эгар ортига қараб олди. – Бозоргача бир амаллаб етиб олсак...

Бола оёқларини қисиб эгар карсонига ёпишиб олади.

Улар биянинг нархини хомчўт қилиб, бепоён кенгликлар ичида тонгги ғира-ширага сингиб боради...

## Йўқчи

### I

Ёмғирдан сўнг тоғу тошга тиг урган қуёш нурлари илиқ ва бўшанг тупроқни кўпчита бошлади. Тизза бўйи ўтлоқлар устида тебранаётган буғ парлана-парлана кўм-кўк баҳор осмонига сингади. Пичанзорлар орасида бир маромда сайраётган муллатўрғайнинг чуғур-чуғури адирлар бўйлаб кезади. Ғўбдинтоғ этагидаги ёйилмаларда пода боқиб юрган болакайларнинг қий-чуви муллатўрғай чуғур-чуғурига эш бўлиб олис-олисларга учади. Қибладан эсаётган намхуш шабада ёмғир аралаш тупроқ ҳидини узоқ-узоқларга олиб кетади.

Сел йўлида ҳосил бўлган ўнғирда бир қўнғир тулки шабада эсаётган томонга тумшуқ чўзиб, кўксини елга тоблаб турди. У шамол йўналиши бўйлаб ҳид олди. Кейин сарак-сарак қадам ташлаб илгарироққа юрди. Соё бошида эса нам тортган шох-шаббанинг бурқсийётган тутуни кўтарилди. Олов эгаси тутун тагидаги қўрадан иккита куйган картошкани халачўп билан думалатиб олди. Картошкалар анчагина куйган, ҳатто ёрилган эди. Ўша ёриқлар орасидан куюнки аралаш димоғёра ҳид таралди. Қўнғир тулкини шу таъм безовта қилган эди. У қўнғирбошлар оралаб йўл солди. Бироқ осмонда қандайдир ўлаксахўр қушни кўрди-ю, яна қўзиқулоқлар орасига уриб кетди.

Эгри-бугри сайҳонлик этагидан чиқиб келаётган отлиқ шу томонга ўрлади. Гоҳ пасайиб, гоҳ тезлашиб турган ел бир маромда тебраниб келаётган жийроннинг думи ва ёлини чилтор қилларидек ўйнайди. Офтоб унинг хурмо тусига оловранг жило беради. От бошини селкиллата-селкиллата сувлуғини ғижирлатиб қадам ташлайди; оғзидан чайналган ўт тутамлари тушади. У яна илқис энгашиб

коврак ёки барра шувоқнинг бўлиқ жойидан узиб олади. Отлиқ юганни силтаб тортади:

– Чуҳ, касофати мол!

Товоннинг кети билан тушган тепкидан йилқи тўрт-беш қадамга сергак тортиб йўртиб кетди. Тулки қари бир жинғил остида уларни кузатиб туради.

– Ҳорманг, биродар, ош бўлсин, – деди отлиқ куймаланиб картошка тозалаётган кишига. – Қўйлар қовзандими?

– Саломалайкум, келинг қани, – деди у отлиққа қўл чўзиб. – Туз тотинг.

– Майли, раҳмат. Яқин орада эллик чоғли сурувга кўзингиз тушмадими?

– Йўқчимисиз?

– Шундай. Ҳафта бўлди, бир оқшом қўйлар ҳайигиб кетибди.

Икков анча вақтгача нималарнидир гаплашди. Қиб-ла шамоли кучайиб ёмғирнинг муздай тафтини уфура бошлади. Отлиқ чопонига ўраниброқ жиловни чўққининг ўсма тошлар оқиб тушган томонига бурди. От ўрловга кўтарила бошлади; мушакдор сонлари таранглашиб, илдам оёқ олиши чўпоннинг ҳавасини келтирди: «Отми-сан-от! Тиллога алмаштирсанг ютқазмайсан, – деди ўзига ўзи. – Ҳее, манов залли-замонда йўқчи билан касалга қийин...»

– Ҳой, ёдингиздан чиқмасин-а, орасида бешта олабел совлиғи бор!

Дафъатан айтилган хитобдан чўпон ўзига келди. Йўқчи чўққи бошида суюнчисини айтаётган эди. У отлиққа маъқул маъносида бош ирғади: телпагини қўлига олиб кўксига урди. Отлиқ ҳам шундай қила-қила чўққи ортига эниб кетди.

## II

Мол юракнинг мойидан деган гап тўғри экан. Оққиялик Берди чавандоз қўйларини йўқотдию ўзгарди-қолди. Бир қарасанг, жиззаки; арзимаган нарсага учиб-қўнади-

ган, бир қарасанг, паришонхотир; дунёга бефарқ телбадай. Баъзан яқинларининг арзимас гапига ҳам ниш отиб, кейин узоқ вақт ўзини ўзи койийди.

Шундай кунларнинг бирида акаси Сайфи махсум эшик қоқди.

– Саломалайкум, келинг, ака, – махсумнинг истиқболлига чиқди.

Акаси ҳеч сўз демади. Олдинма-кетин меҳмонхонага кирдилар. Полвоннинг хотини хонтахта устига дастурхон ёзиб, бир-икки ҳовуч қанд-қурс қўйди.

– Яхшимисан, келин, ишларинг дурустми? – деди махсум гап оҳангини чўзиброқ.

– Раҳмат, бир нави. Чечамлар ҳам яхшими? – келин қисқагина жавоб қилди.

– А, бу, бизнинг ука қўй йўқотган десам, ўзиниям йўқотиб қўйибди-ку, – махсум укасига қия қаради. – Мол топилади, жон топилмайди, жон!

Келини индамади. Овқат баҳонасида ташқарилади. Ака-ука ёлғиз қолиб ундан-бундан гап суришди: бировнинг машина олгани, кимнингдир тўй қилгани, яна кимнингдир ўғли чет элга кетиб жарақ-жарақ пул жўнатаётганию отаси янги иморат қўтараётгани муҳокама бўлди.

– Энди-и, ука, мен ҳам бир омади гапни айтгани келувдим, – меҳмон дастурхон попугини ўйнаб давом этди. – Отамнинг «Волга»сини сотсак. Пулини учга бўлардик; тенг ярими сеники, қолганини Самандар икковимиз бўлишамиз. Мана, боланг ўқишга ўтиб, калланг қотиб турибди, мушқулинг осонлашарди.

Берди полвон ўйланди. Меҳмонхона деразасига шох ташлаб турган ғужумнинг баргларига боқиб отасини эслади. Ота-бола «Волга»ни олиб келган куни шу азамат ғужум кўчатини ўтқазганди. Яна хотирасидан армиядаги акасига хат жўнатганлари ҳам ўтди.

– Билмасам, отамнинг ёдгорлиги. Қараб миниб юрсак, душманкўзи бўлармиди...

– Қанақа душманкўзи? Ким бизга душман кўзи билан қарарди, ука? – Сайфи махсум ликопчадаги парварда-

нинг майдароғини оғзига солди. – Қизиқ гапирасан-эй, сен ҳам минганим эшак бўлсаям, узангим тиллодан дегичлардансан.

– Шу юриб турса, ҳар кимга тўю таъзияга обориб кел деб ялинмайсиз-да, – полвон акасига кўз ташлади. – Рўзғоримизнинг ободчилиги.

– Ҳей, сени жин чалганми дейман. Даққиюнусдан қолган арава қанақа ободчилик бўлади? Бунинг янғиси, зўри бўлса экан, ачинсанг. Чўнтагингда пулинг бўлса, кўча тўла машина!

– Замони келса, кўчадагилар сизни мирламайди.

– Ҳоов Берди, бери кел-чи, иситма-писитманг йўқми? – Сайфи махсумнинг жаҳли чиқди. Атай укасининг жиғига тегиш учун пешонасига қўл чўзди. – Азалдан исминг чала эди, энди миянг ҳам катилибди. Ўзингни муллага кўрсатиб ол.

– Ҳали мулла кўрадиган бўлганим йўқ! – полвон базўр ўзини босиб давом этди. – Мабодо шундай бўлса, ўзингиз ўқиб қўясиз. Ҳар қолда, махсум деган номингиз бор.

Энди ака-ука ўртасидаги товуш тобора баландлашиб бораверди. Гоҳида аччиқ билан кўтарилган қўлнинг зарда билан хонтахтага тушгандаги шовқини эшитиларди. Улар бири олиб, бири қўйиб ўзиникини маъқуллатишга уринарди. Мен акаман! Айтганимни қил деса, яна бири акадан жўяли маслаҳат чиқса, қиламан-да дерди. Дераза устидаги ғужум шохига уя қурган мусичалар потирлаб тепага кўтарилишди. Бир қанча вақт муаллақ учиб туришди. Сўнг ҳовли этагидаги бодом шохига қўнишди. Уясида икки полапоннинг боши гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушиб турарди.

– Сотасан! Гап шу, – деди махсум лаби учиб. – Керак бўлса, отниям бўлишамиз, уям отамдан қолган.

– Билганингизни қилинг, – Берди полвоннинг гап оҳанги тушди. – Хоҳласангиз икковиниям олиб кетинг, ҳеч қандай улуш керакмас менга.

Ака-ука бир қанча вақт сўзсиз ўтиришди. Берди полвон дераза пардаси устидаги қизил гардишли рамкага тер-

милиб қолди. Унга уруш йилларида туширилган сарғиш сурат жойлаштирилган эди... Бурчакдаги тахмонга тикилиб ўтирган махсумнинг кўзи укасига тушди. Кейин дастурхонни кўздан кечирган бўлди. Ўтира олмади...

Улар ҳовли этагидаги дарвозагача сўзсиз бордилар.

– Чечамларга салом денг, – полвон синиқ оҳангда хайрлашди.

Сайфи махсум гап-сўзсиз этакдаги буримга қараб лўкиллаб кетаверди.

### III

Кимдир қайсидир маъракада Нақрачда эллик чоғли беэга қўй юрганмиш деган даракни тарқатди-ю, Берди чавандознинг ичига бурга тушди. Хабарни эшитибоқ эртаси куни саҳарда от эгарлади. Эгар устига қайсидир кўп-каридан айирган гилам хуржунни ташлади. Унга иккита нон, бир-икки ҳовуч қанд-қурс ва салафан халтага ўралган жойнамоз солди. Очиғи, бу хабар ростми-ёлғонми, билмайди. Унга қўшниси Абдурасул чилангар етказди. Чилангарга ким айтганидан хабари йўқ. Чилангар ҳам бу гап кимнинг оғзидан тушганини эслолмайди. Чунки у ўшанда қозонбошида бир-икки «қултум» олган эди. Аслида, йўқчи халқи шундай: арзимас дарақдан умид кутади, элма-эл оғиз пойлайди, маъракама-маърака хабар тарқатади, йўқотган молининг ўлик-тиригини билишни истайди. Илло, идорама-идора югуриб мелисаю посбонни безовта қилмайди. Сабаби, уларга ишонмайди...

Ғира-шира тонг қоронғисида Ғўбдинтоғнинг пастқам адирларида бир отлиқ кетиб боради. Йилқи қулоқларини диккайтириб олган. Чигиртканинг шитирига ҳам сергак қараб қўяди. Ангарлар шахмат тахтасидек майда бўлақларга бўлинган, оралиғи саккиз қаторлик қайрағоч тизмаси билан ихоталанган. От ана шу дарахтларга қулоқ диккайтириб, тикилиб-тикилиб боради. У ўша тарафларда хатар борлигини сизди. Бирпас ўтиб от сезими рўёбини кўрсатди. Дарахтлар орасида санғиб юрган чўпон итлари доврўф кўтариб келаверди. Отлиқ эгарга мустаҳкамроқ

ўтирди. Узанги арқонини бир-икки марта эшиб, оёқларини зинчлаб жойлади. Юганни тортаётиб итлар қуршови йилқининг асабига тега бошлади. У гоҳ йўртиб, гоҳ тисланиб йўлида давом этаверди. Улар шу кетишда дарахтзор ортидаги сурув устидан чиқишди. «Маҳ-маҳ, Оқгирноқ, маҳ!» – чақириқ келди сурувнинг у бошидан. Қўйлар «дурр» этиб ҳуркиди, кейин тинчиди. От чўпоннинг ёнига етди.

– Ҳорманг! – деди отлиқ эгарқошни маҳжамроқ сиқиб. – Кучукларингиз жуда қопқир экан. Сал бўлмаса, эгардан ағдараёзди.

– Э-э, сизмисиз, полвон ака!

Улар эски танишлардек сўрашишди. Чўпон ўшандан буён бегона қўй кўрмаганлигини айтиб ҳамдардлик билдирди. Суҳбат охирида Нақрач йўлини тушунтирди. От йўлида давом этди.

– Ҳой полвон ака, тўхтанг, – сурув эгаси ҳаллослаб келди. – Манови таёқни олинг, йўлда қопқир ити бор сурувлар кўп.

– Таёқни бировга бермаслик керак, унда барака бўлади, – деди полвон унамайроқ.

Чўпон қистаб туриб олди. Отлиқ тоғ қуймичидаги қишлоққа бурилди.

Бирпас ўтиб шарпаси кўринмай кетди.

#### IV

Кун чошгоҳдан ўтганида Берди чавандоз Нақрачга етди. Аввал қишлоқ бошидаги жилғада отини сувлатди. Хуржундан нон билан қанд-қурс олиб, сув лабига белбоғ ташлади. Бир туюр нонни қумушдек товланаётган сувга ботирган эдики, орқадан кимнингдир томоқ қиргани эшитилди. Беихтиёр товуш келган томонга бурилди. Нишабликдан етмиш ёшлардаги оқсоқол киши эниб келарди.

– Ассалому алайкум, – чавандоз ростланиб олди.

– Ваалайкум, – эҳтиёткорлик билан қияликдан тушиб кела-кела қўл узатди. – Бу дейман, меҳмонга ўхшайсиз. Қаерлардан сўраймиз?

Чол белбоғ-дастурхон бошида оёқ узатди. Полвонни илгаридан танийдигандек қалин сўрашди. Аввалига ийманиброқ турган Берди чавандоз сал ўнғайсизликдан сўнг очилиброқ гап бошлади:

– Аслимиз Ғўбдинтоғдан, отим Берди, бова. Олти ойлар бурун кўкламнинг бошида бир қўтон қўй йўқотиб қўйганман. Мол аччиғи жон аччиғи экан, ҳеч тинчлик бермайди: кўча-кўйда, тўй-маъракада дараклаб юраман. Биров ундай, биров бундай хабар етказди, аммо излови келмади, шекилли. Кеча бир қўшнимиз маъракадан Нақрачда эллик чоғли беэга қўй юрганмиш деган гапни топиб келувди, эрта билан шу томонга от солдим. Энди эса сиздан қандай янгилик эшитаман экан дея илҳақ ўтирибман.

– Йўқчиман денг! – чол бир ушатим ҳолва солди оғзига, кейин бир муддат уни эритиш учун шимиб турди. – Қўйларингиз ичида бешта олабел совлиғи бормиди?

Полвон гангиб қолди, гап эгасига ҳайратланиб қаради. Қаршисида ҳазрати Хизрни кўргандек бўлди. «Ҳа-ҳа, Хизр бобо шунақа бўлса керак!» – деди ичида. Кейин оқ иштон-қўйлаги, пешонасидаги белбоғию серсоқол юзига қайта разм солди.

– Қанақа қўчқорлари борийди?

Чавандоз сўровдан сўнг ўзига келди.

– Қўчқори учов эди, – деди каловланиб. – Каттаси кўк, иккови симоби, бировининг орқа туёқлари оқ.

Полвон шундагина олдида ҳазрати Хизр эмас, етмиш ёшли чол ўтирганию қўйлари тўғрисида қандайдир янгилик борлигига фаҳми етди.

– Молингиз пешона тери экан, – салмоқлаб гап бошлади мўсафид. – Тўрт ойлардан ўтдиёв, қишлоғимизга беэга сурув келиб ҳали унинг, ҳали бунинг экинига тушавериб безовта қилди. Ҳамқишлоқлардан бир-иккиси гум қилишнинг пайига ҳам тушган. Махсарпоямизга оралагач, невараларим ҳайдаб келди. Бир бечоранинг ризқи қийилмасин, хабари келса, ўзим етказиб бераман дея эга чиқдим. Ўшандан буён қўйларингиз бизникида. Ҳа, айтганча, чорвангизнинг узун сони нечта эди?



– Бир кам олтмишта, – беихтиёр жавоб қилди чавандоз.  
– Демак, қўйлар сизники, – чол пухталигини яширмади. – Ҳа-я, ҳозир сурувингиз бир кам олтмишта эмас, олтмиш учта – бу ерга келиб тўрттаси қўзилади.

Берди чавандоз лол қотди, нима деярини билмади.

– Ҳай, турдик энди, – отахон тиззасига суяниб қўзғалди. – Сизни уйга бошласам. Ҳали-замон неваралар сурувни сувлатгани туширади.

Берди полвон: «Бир тиш туз тотинг», – деб қистади. Чол нон ушатди. Улар полвоннинг отини етаклаб кунгайликдаги дов-даскаси келишган ҳовлига боравердилар.

– Шунча пайт гап олиб ўзимни танитмабман-ку, – деди чол кенг саҳнли айвоннинг эшигини торта туриб. – Қарилик қурсин. Мени бу ерда Раҳмонали тегирмончи дейишади, мулла Бердибой. Олти ўғил, уч қиз, ўттиз икки неварам бор. Қани, ичкарига кирайлик, сурув келгунча бафуржа гурунг қиламиз.

Улар беҳашам меҳмонхонага кирдилар.

Хонанинг ҳовли тарафида кўзлари йирик-йирик, устига оқ бўздан парда тортилган дераза жойлашган. Ўнг томондаги бурчакка иккита ойнабезакли сандиқ қўйилиб, устига қўрпа-тўшак тахланган. Чапда катталиги бир қучоқ, бўйи ярим бел келадиган тумба бўлиб, устида туваги пақирча келадиган йирик гул ўтқазилган. Унинг иккита очилиб турган пиёладай-пиёладай қирмизи фунчаси кишининг ақлини олади. Ҳамроҳлар чамаси бир ош пиширим вақти гурунглашиб ўтиришди. Бу орада дастурхон тузалиб, аввал қайнатма, орқасидан димланган қўзи эти тортилди. Овқатга фотиҳа қилинган, чой симираётган тегирмончи аввалроқ бошлаган гапини давом эттирди:

– Отадан учов етим қолдик. Онамизни эслолмайман. Лекин иккисиниям умри қисқа экан. Тақдирни қаранг, укам қовурчини қотмай кетди. Акам уйланиб, бир болали бўлганида риҳлат қилди, – чолнинг кўзларида йиллар ҳасратидан қолган кўз ёшлар билинар-билинемас қалқ-

ди. – Манови ёнимиздаги уй акамнинг ўғлиники. Ўзи шаҳарда, институтда дарс беради. Аввал уни ўқитдим, орқасидан ўзимнинг болаларимни. Барига тегирмончилик қилиб, қўй-мол сотиб шаҳардан уй олиб бердим. Кейин ҳар бирига атаб қишлоғимдан иморат кўтардим. Барибир, қайтадиган жойи шу ер-да! – тегирмончининг мунг чўмган кўзларида аллақандай масрурлик зоҳир бўла бошлади. – Кўзим очиқлигида ўринли қилай дейман-да. Ўзлари кулиб юришади шаҳарда уйимиз бор-ку деб. Ўтган машаққатларга ачинмайман. Биз – ўзбекларники шу – болаларининг ҳузурини кўриш! Мол-дунё топилади; мана, сиз ҳам олти ой бурун йўқотиб, бугун топиб турибсиз. Одамгарчилик ва иймонга келганда йўқчи бўлмаслик керак-да...

Шундай эмасми?

Бобо ўтган ва ҳозирги кунларини ҳикоя қилишда давом этди. Бу орада келиними ёки қизларидан бирими қўйлар сувлагани келганлигини хабар қилди.

Олдинма-кетин жилға охиридаги кўлмакка йўл олишди. Ҳайҳайлаб полвоннинг қўйларини сурувдан айирдилар.

– Энди-и, Раҳмон ака, шунинг ичидан хоҳлаган ўновини айиринг, – деди полвон отга мина туриб. – Суюнчисига бештасини атаган эдим. Ўнтасини бераман деб ният қилдим дастурхоннинг устида.

Тегирмончи унамади. Ҳарчанд қистаса ҳам, олмайман деб қатъий турди.

– Менга атаганларингизни болаларни ўқитишга харж қилинг, – деди хайрлашаётганда. – Ўқимишли бўлганида эслаб юрасиз.

Берди чавандоз кутилмаган бир севинч ва аллақандай масрур туйғулар гирдобида жилға бошидаги қирдан ошди.

## V

Сумбула кириб, сув тиниган кезларда полвон акаси Сайфи махсум ва укаси Самандарни уйига чақиртирди.

Қўчқор бўғизлатиб, худойи ўтказди. Меҳмонлар полвонни молу жонинг омон бўлсин деб дуо қилдилар. Узоқ қишлоқдан келган Зикрхон эшон Қуръон тиловат қилди. Издиҳом охирида бир чақмоқ эт ва сарпо олиб жўнади. Вақт хуфтондан ўтиб йиғилганлар ҳам тарқалишди.

– Сизлар қолингизлар, – деди полвон акаси билан укасига.

Учов холи меҳмонхонага кирдилар. Полвон тахмондаги бўғчадан иккита белбоғ олиб хонтахта устига қўйди.

– От билан машинани нархлатдим, – чавандоз уларга назар солди. – Икковининг қийматидан ҳар бирингизга ўнта совлиқнинг пулини атадим.

Самандар ҳайрон, нима гап дегандай Сайфи махсумга нигоҳ ташлади. Махсум эътибор қилмасдан полвонга қарата деди:

– Ўзинг розимисан? Ҳар ҳолда, отадан олтов бўлсанг ҳам ватанингда ёлғизсан деган эскилар.

Гап нимадалигини тушунган Самандар қизишди, овозини баландлатиб суяктешар гаплар қилди. Бироқ...

– Ол, ука, отауйида ҳамма фарзанднинг ҳақи бўлади, – полвон мунғайган укасининг елкасига қоқди. – Рўзгорингнинг бирор тешигини ямайсан.

Махсум белбоғни қўлтиқлаб қўзғалди. Ака-ука ортидан эргашди. Дарвозада суюққина хайрлашишди. Полвон қанчалик қистамасин, менга унақа мерос керак эмас дея Самандар ҳам машинасига ўтириб жўнади.

Берди чавандоз негадир енгил тортди. Кузнинг этни жимирлатар ҳавосидан симириб-симириб нафас олди. Тоғ бошига қўниб турган милтироқ юлдузларга боқиб кўнгли алланечук бўлиб кетди. Қалбида баҳорнинг қизғалдоқлари каби дилбар туйғулар бўй кўрсатди. Дарвозадан айвон томонга кела-кела Раҳмонали тегирмончини эслади. Шу кез унинг юзидаги табассумга мойил ифодани ой ёруғида бемалол кўрса бўлар эди. Яна укасининг қилиқларидан масрурлик туйди. «Келаси йил Самандар болаларини суннат қилади, той қўшаман», – деди ўзига ўзи.

Ошхонани тамбалаб келаётган хотинига:

– Ўғлингга айт, ўқишига бораверсин, – деди. Орқасидан: – Кечикмабдими пулини тўлашга? – дея қўшиб қўйди.

Ташқарида, ғужум тагида, ётган тўнғичи Бекбола ич-ичидан суюнди. Лекин кўрпадан бош чиқаргиси келмади. Тўшак орасидан уй томонга қия қаради. Сўнг ҳовли бурчагидаги қўтонга кўзи тушди. Кучур-кучур қилиб кавш қайтараётган қўйлар негадир яхши кўриниб кетди. Кейин ўқиш ҳақида ўй суриб ухлаб қолди.

Ҳовли бўйлаб уйқудаги оламнинг сукунати кеза бошлади.

## БОЛАЛИКНИНГ СЎНГГИ КУНИ

### I

Оқсоч Бахмалнинг ўрмонзор қоялари аро тонг ёришди.

Чўққиларнинг кумушранг қорларидан эн олган жилға устида субҳидам рутубати ўйнайди. Ойнадай тиниқ сувда қайроқ тошлар марвариддай жимир-жимир қилади. Қулундай ўйноқлаб бораётган жилға этакдаги қишлоқларнинг пастқам уйларини оралаб кетади.

Кунчиқардан кўтарилаётган офтобнинг аввалига қон-талаш пушти пардаси – шафақ бўй кўрсатди. У улкан елкан янглиғ тобора баландлайди. Сўнгра тоғ биқинидаги овуллар тепасида муаллақ туриб қолгандай бўлади.

Бироз ўтиб энишга – Музбел устига қараб юрди.

Туятортар каналининг лойқа ҳавзаларида, серқамиш ботқоқларда, бепоен майсазорлардаги йилтиллаган шудринглар юзида тонгнинг акси кўринади. Қибладан эсаётган заиф шабада бўйдор қамишзорлар, қўзи териси янглиғ ялтироқ далалар, қўшқулоқ ялпизлар ҳидини омихта қилиб Қоровултепа томонга учади. Кунботардаги зовурлар устида буғ кўтарилиб, лойшанг тупроқ ва сизот сувнинг ёқимсиз ҳиди таралади.

Энг четдаги ҳовлида аввал чироқ ёнди, бирпас ўтиб тандирхона мўриси муккасидан кетган кашандадай тун пуфлай бошлади.

– Эгнингга қалинроқ нарса ташлаб ол, – тўрдаги тахта супада ётган ўрта бўйли киши хотинига юзланди. – Ёзда ёпинчиғингни ташлама, қишда ўзинг биласан деган.

Печга ўтин қалаб, супра ёзиб хамир ийлаётган хотини қия бурилди.

– Қачон уйғониб улгурдингиз, ташқарилайсизми? – деб аёл хира чироқнинг милтироқ нурлари остида супа томонга тикилди. – Чўчимадингизми?

Эркак индамади. Оғир хўрсинди, ортидан хўрсиниғи-ни пардалаш учун томоқ қирди.

Аёли хамир қорди. Талқонга ҳафсала билан шакар аралаштирди. Сариеғни жизиллатиб куйдириб, банкага лим қилиб тўлдирди. Қўшни хонадан бир нималар кўтариб келди: лаш-лушлар орасида ярим сават тухум, бир белбоғ қурт бор эди. Иккита елим идишга қултқултлатиб сут қуйди. Кадидаги қатиқдан бидонга солди. Ёнғоқ-май-изни тугунча қилди.

Кенжа ўғли онасининг оғзидан чиққан ҳар қандай буйруқни сўзсиз дўндирар, яна имога илҳақ қараб турар эди. Унинг бундан биргина илинжи, тўғрироғи, мақсади бор эди: шаҳарга борса, акасини кўриб, ўқишхоналарини томоша қилса. Киноларда кўргани – трамвай, троллейбусда сершовқин кўчаларда сайр этса. Шинам магазинларни, турли-туман егуликлар сотаётган тамаддихонларни айланса. Ойиси билан ўша серҳашам ошхоналардан бирида ҳў-ў бирда отаси билан мол бозорида егани «жиз-жиз» кабобдан икки сихни паққос туширса. Кейин... онаси эркалатиб бирор сайрбоғда улкан арғамчига миндирса. Арғамчи уни бутун шаҳар осмони бўйлаб гижинглаган қулундай олиб қочса-ю, яна ерга – ойисининг олдига тушириб кетса. Сўнг бир неча кун кўрганларини гапириб юрса...

Айниқса, Эшбой қизилнинг ўғли Ашир гушпига қўшиб-чатиб, сўлагини оқизиб айтиб беришини ўйлаб қувонди.

Тандирхонада доғланаётган ёғнинг ачимсиқ ҳиди дераза тирқишларидан уйга ҳам кирди. Аёл илкис туриб, ўғлига: «Синглингни уйғотворма!» – деди-да, эшик ортига отилди. Эри билдики, хотини тўнғичига атаб қатлама қовурапти. «Шунча юкни қандай ортмоқлаб юраркан, шаҳар узоқ, йўли оғир, – ўйлади ичида. – Аёл – заифа деймиз. – Йўқ, булар заифа эмас, булар – тош. Ҳа, тошодам! Бўлмаса, манов майда тирикчиликка одамнинг танаси дош берадими?!. Ҳар қандай жони бор ҳам чарчайди, кучдан қолади, силласи кетади ва ўлади. Ишқилиб, мен оёққа тургунимча шу бечора оёқда ўлиб қолмаса!» Аёл қора қо-

зоннинг бошида туриб тўрт қатлама, саккизта қуймоқни қотириб олди. Ортган икки мушт зувалани қайта ийлаб, эри билан қизига чўзма қилди.

Ўғлини ёнига имлади. Бола суюниб, чопқиллаб келди. «Секин бор-да, Ҳурмат янгангдан плашини олиб кел, – ўғлининг қулоғига билинар-биланмас шивирлади. – Ойимга бериб тураман деган экансиз де». Бола ҳовли этагидаги ғовдан ошиб ўқдай учди. Ўзи жанда чопонни кийиб, молларининг эрталабки ем-емишини саранжомлагани оғилга бурилди.

Осмон пушти ранг чойшабга бурканган. Далаларда муздай, лекин ёқимли шабада кезарди. Тонг билан бирга уйғониб келаётган қишлоқ, кўкка бўй чўзган тераклар, яйдоқ узумзорлар субҳидамнинг намхуш ҳавосида ял-ял товланиб ўзларини кўз-кўз этаётгандек. Ғўбдинтоғнинг лалми адирларидан бошланган асфальтда инқиллаб келаётган трактор қишлоқ ўртасида тўхтади. Миқти йигит эшикдан танасининг ярмини чиқарди:

– Бугун соат ўнга Ғўбдинтовнинг Шувоқлисидаги Эр-мамат ҳожиникига савоби жанозага!!!

Хитоб бир неча бор такрорланди. Йўл четидаги ҳовлидан чиққан мўйсафид айтувчига юзланди:

– Ҳожи қазо қилдими?

– Йўғ-э, бобо бардам.

– Унда кими қайтиш қилди?

– Россиядами, қозоқдами ишлаб юргич ўғли бор эди. Кеча кечаси тобутда келибди бечора.

– Бола-бақраси бормиди?

– Билмадим! – елка қисди айтувчи.

– Икки қиз, бир ўғил кўрган эди, – чамбаракни ушлаб турган ҳайдовчи қўшилди. – Болалари сағир қолди-да...

– Эҳ, чархи бевафо! – мўйсафид юзига фотиҳа тортди. Узоқ Ғўбдинтоғнинг қорайиб турган қояларига кўз тикиб қўшиб қўйди. – Ҳожи билан кампирини юк босибди-да.

Трактор қўзғалди.

Тонгни хунук хабар билан қаршилаётганларнинг баъзилари мана бундай дейди: «Овозинг ўчсин, ола ҳакка!»

– Э-э, сен Тангирбойнинг ўғлимисан? – мўйсафид йўловчиларни пайқамаган эди. – Қани, йўл бўлсин, тўйболанинг тойчоғидай дикирлаб турибсан.

– Шаҳарга, – деди бола ўзида йўқ хурсанд бўлиб. – Акамни кўргани кетяпмиз.

– Ассалому алайкум, – онаси ийманибгина сўрашди. – Холамлар яхши юрибдими?

– Яхшимисан, келин, Тангирбой юриб қолдими? – астойдил ҳол сўради қария. Орада бир сиқим пулни боланинг қўлига тутқазди. – Ол, ўғлим! Шаҳарга борсанг бирор нима ейсан.

Она, ҳарчанд қаршилиқ қилмасин, пулни боланинг чўнтагига тиқиб қўйди.

Дунёнинг турли хил юк-анжомини ортмоқлаган эски автобус бекатга гидириб ўтди-ю, улар бир амаллаб илинди.

## II

Улов бамисоли тошбақадай судралиб келди.

Аёл амаллаб тўнғичининг ўқишига борадиган бекатни топди. Икков қирқоёқдай буралиб юргич троллейбусда чайқала-чайқала кўркам манзараларга суқланиб кетаверишди...

– Акангни кўргани келувдинг-ку, – таъкидлади ойсиси. – Нега кирмайсан, қўрқасанми ё?

Онаси ҳарчанд ундамасин, ичкарига кирмади. Эгнини қисиб, темир панжаранинг орқасига, овлоқроққа тисланди. У одамлардан – панжарали дарвозадан кириб-чиқаётганлардан ўзини олиб қочди. Хушбичим либосдаги йўловчиларнинг етовдаги болалари бежирим ва оҳорли кийим-бошда енгил қадам ташлайди. Ҳар бир одими жусасига мос тушади. Назарида, барча унга тикилаётгандек, айниқса, шалвираб турган чопонию яширишга уринаётган оёқларига эътибор бераётгандек.

Бола янаям нарироққа, бекат ёнидаги қийшиқ ўриндиққа, ўтириб, тўнининг бари билан оёқларини ёпиб олди. Бироз индамай турди. Сўнг қовоқлари учиб, юзини



бошқа томонга бурди... Аёл шўрхоқ кўз ёшларга беланган юзидан ўпди. Оёғидаги ямалавериб супрадек рангсизланган, товонининг ярми синиқ ботинкасига кўзи тушди. Чориғи учидаги ямоқ увада бўлиб, яшилтоб пайпоғи кўриниб турарди. Она-бола бир зум жим қолди.

Бола номус қилди. Учи тешиқ чориғу беқасам тўн билан акасининг даврасига – посон кийинган йигитлар орасига кириб борса, кўрганлар қуладигандек эди. Уни бир марта, оғасини юз бор мазах қиладигандек эди. Ана шу хаёл бекатнинг қийшиқ ўриндиғига михлаб қўйди...

– Майли, – онаси кенжатоийни юпатди. – Сен шу ерда ўтира тур, мен акангни олиб чиқаман.

Ичи улкан хирмонжойни эслатадиган мажлислар зали. Турли-туман: оқ-қора, калта-узун, соқолдору кўса, пасту баланд кишилар минбарга чиққич нотиқ ва интернет раҳбарларини кутишади. Бўйинбоғлилар салобат билан кечикиброқ кириб келди. Шу билан интернатнинг сарҳисоби бошланади... Зал минбарга тикилиб ўтирганида орқадаги баҳайбат эшиқ гийқ этди. Ўтирганлар бара-варига товуш келган томонга юзланди. Юзлаб нигоҳлар бирваракайига қадалганлигидан қизарган аёл қимтинибгина бурчакдаги ўриндиққа жойлашди. Мажлис давом этди. Қориндору новча, калтабақаю дароз – турли хил оталар бирма-бир туриб, ё таъна-дашном, ё мақтовлардан ўз-ўзича хулосага киришдилар.

– Худоёр Тангирбой ўғли, 8-синфдан! – мажлисбошилар қаторидаги биргина аёл гулдурак овозда хитоб қилди. Товушидан залнинг бурчаклари садо бергандай бўлди. – Борми шу ўқувчимизнинг ота-онаси?!

Аёл бир кўтарилиб тушди. Таъкид иккинчи бор янгради.

– Мен... – деди-ю, гапининг давоми бўғзида қолди.

– Сизмисиз?! Нега бунча қунишасиз, бошингизни кўтариб келмайсизми? – таъкидлади мажлисбоши аёл. – Мана шундай бола ўстирганингиз учун сиздай онага таъзим қилиш керак-ку! Бу ёққа чиқинг!

Ўқитувчилар таъкидладилар:

– Худоёр Тангирбой ўғли интернатимизнинг олди!  
– У шахмат бўйича биринчиликни олди. Лицейимизнинг донғини чиқарди!

– Олимпиадада тарих бўйича мутлақ ғолиб бўлиб, келаси йилги саралаш имтиёзини қўлга киритди!

Йиғин тугади. Она нима учун кўз ёш қилаётганлигини тушуниб ололмасди.

– Раҳмат сенга, болам! – деди тўнғичи билан учрашганида ёлғиз қолар экан. – Умринг узоқ, манглайинг оқ бўлсин. Тортган азобларимга, меҳнатларимга розиман...

Ўғлининг ортидан ётоқжойига юрди. Гуруҳ раҳбари ва тарбиячилар бошлиғи нималаргадир пул йиғилаётганлигини маълум қилди. Она тугунчаги орасидаги қўлрўмол – ҳамёнини олиб ҳисоб-китоб қилди. Қишлоқдан елкалаб келган бисотини ўғлига топширди. Кун пешинга оғанида:

– Э-э, эсим қурсин. Дарвозада уканг бор эди! – деди.

– Нега олиб кирмадингиз? – таажжубланди каттакони.

Она индамади, зўраки кулимсиради. Гап ўзанини бошқа томонга буришга тушди. Икков қадамларини тезлатиб дарвоза томонга юрдилар.

Ака-ука йиғлаб кўришди. Соғинчу айрилиқдан эзилиб йиғлади. Ука ундан-да баттар аҳволда... Бир-бирини кўксига босиб турди. Онаси яна йиғлади. Қўлрўмолининг ранги чиқиб, бармоқларининг ораси кўкиш бўлиб қолди...

Она ва бола йўлига равона бўлди.

Бу сафар ҳам тиқилинч автобусда ҳар турли, жонлиқ жонсиз йўловчилар бор эди. Ана шундай одам тирбанд уловда патгачи ишга киришди.

– Қани сизники? – сибжирилиб она ва боланинг пешонасига келди.

– Қишлоққа етиб олайлик, уйда бераман, – деди аёл уялиб. – Харажатимиз кўпайиб кетди-да, ука.

– Сарфга яраша олиб чиқмайсизми? – йигит зарда қилди. – Кутиб ўтираманми?

– Манг! – бола бир сиқим пул чиқарди. – Ойимга ўдағайламанг!

Патгачи шитирлатиб санади. Мўлжалдан ортигини билиб, саноқни тўхтатди-да, чўнтакка урди.

– Ўзингга етарини олмайсанми, ноинсоф?! – аёл чидаб тура олмади.

Агрофдагилар патгачига итялоқдан жиркангандек ижирганиб қаради.

Она бепоён адирларни кузатиб беихтиёр саҳарда учратган Мелибой қассобни эслади. Сўнг уйи, қизчаси, тўшакда ётган чўлоқ эри ва сувсиз қолиб мўнграётган моллари кўз олдидан бир-бир ўта бошлади.

### III

– Човгумни узат, – бемор аёлига имлади. Болалари те-варагини қуршаб олди. – Танглайим қақраб кетди...

Хотини тўшанчисини тузатар экан, шаҳарни, айниқса, тўнғичининг таърифун тавсифини келтирди. Эри кулим-сираб қўярди...

Кенжаси тўрвадан синглисига иккита ширага ботирилган олма, дадасига бир сиқим қовурилган ерёнғоқ чиқариб берди. Оппоқ шаҳари нонни дастурхонга ўради. Отаси нам тортган ерёнғоқни кафтларига олиб битта-битта чақа бошлади. Уч-тўрт донасини қизига улашди. Кейин ўғлига ҳам. Улар ерёнғоқлар тугагунча чуғурлашиб тамадди қилдилар. Кичкинаси негадир бошқачадай, улгайиб қолгандек. Илгарилари тажангроқ, эркатоёроқ эди.

Кун шомдан ўтиб, тун кирар паллада Музбел устига қоп-қора булутлар уюри ўрмалаб кела бошлади. Қаерлардадир ерни гурсиллатиб, самони қарсиллатиб чақмоқ чақди. Бутун қишлоқ, далалар, боғлар, ҳайбатли Туятортар бўйлари, чанг кўчалар бир лаҳзага ёришди. Шитирлатиб ёмғир қуя бошлади. Тобора зўрайиб, том устидаги шиферларни, дарахтларнинг яланғоч баданини, қизғиш-қора заранг тупроқни тапирлатиб уришга киришди.

Бу баҳорнинг биринчи ёмғири, одамлар узоқ кутган ҳут ёғини эди.

Бола ҳовли ўртасидаги қизғишбадан ўрикни савалаётган ёмғирни кузатиб, томчилар товушини тинглаб турди. Сўнг Эшбой қизилнинг ўғли Ашир гушига нималар дейишини ўйлади... Чувалган хаёлларининг ниҳоясига етолмади. «Ўтирик айтмайман! – деди ўзига ўзи қатъийлашиб. – Аширнинг меникидай акаси йўқ. У, барибир, ака кўргани шаҳарга бора олмайди!» Охирги қароридан нашъа қилди. Негадир енгиллашгандай бўлди.

Ёмғир табиатни ғалвирдек элаб, хамирдек ийлаб ёғар, замин қаъридан ажиб бўй кўтарилиб, жамики тириклик баҳордек очилиб борар эди.

## ҚҰШБУРУН

### I

Пастқам қирлар орасидаги дўшпидай қишлоқни кесиб ўтган заранг кўча бирчизиқдай қуйи ангарларга эниб кетган. Тиззабўй арпапоялар орасида билинар-билинемас кўриниб туради. Савр адоқлаб, далалар нимяшил-нимсариқ тус олган бўлса-да, йўл лабидаги бошоқ тортиб турган майсаларга чанг ўтириб униқиб-рангсизланган. Чағир тошлар сийраклашиб, тупроғи кўпчиган жойларда бўтакўзларнинг напармон гулини англаб бўлмайди. Саватдек келадиган итсийгак ва бел баравар сигирқуйруқлар хира тортиб, аллақандай қувроқ ўсимликни эслатади. Йўл бамисоли кўлвар илондай буралиб аввал поезд изларини, сўнг катта асфальтни қийиб, бепоён дашт қўйнига сингиб кетади. Олис-олислардан йўловчилар қораси нуқтадай кўзга ташланади.

Қақраб ётган кўчага жилов бурган икки сафардошнинг гурунги қизийди. Уларнинг бири бўз байтал миниб олган. Иккинчиси йилқи билан қадамма-қадам илдамлаётган ҳанги устида. Кун юқорилагани сари қишлоқдан узилиб, арпазор орасида тобора кичрайиб боради. Эгатда донлаётган чуғурчуқ ва муллатўрғайлар ҳамроҳлар яқин келганида дув кўтарилади-да, сал нарида салт ташлаб арпапоя ичига уради. Ошналарнинг гангир-гунгири ўн беш-йигирма қадамга етади.

Бўлиқ майсазор ичида лўкиллаб келаётган тулки ға-ла-говурдан сесканиб, бирпас тумшук чўзиб тош қотиб турди. Сўнг шарт бурилиб, изини йўқотди. Тулки қадам босган ерларда қушлар галаси гуррос-гуррос кўтарилди.

Йўловчилар дув-дув учаётган паррандаларга ҳам, чап бериб кетган жондорга ҳам бепарво суҳбатнинг қизғин жойидан олади:

– Тавбангдан кетай, буям Худонинг бир иши-да! – от-лиқ бир ёнга босиброқ жойлашиб, соқолини тутамлади. – Қулбойнинг ули кўринишидан тўрт мучаси тугал одамга ўхшайди! Ё ичида бирор дарди бормикан?

– «Араққа ўтириб қолган» деган гап юрибди, – саллали чол ҳалачўпини эгарнинг қолмоқисига тираб давом этди. – Икки боласи турмаган экан...

– Олдин ҳам шундай бўлганмикан-а?

– Ҳа-да! Каттаси чилласи чиқмай, кейингиси икки кунлигида нобуд бўлганмиш.

– Ё мунийчақан дард суяк сурармикан?!

– Менимча, ундай бўлмасов...

– Духтирлар ним депти, эшитмадингизми?

– Хотинларнинг гапича, ичкиликнинг оқибатимиш.

Яна: «Русиёдан дард орттириб келгансан!» – деб ўдағайланган экан эмчиларнинг каттаси.

– Бу-у, Русиёси элни бузди-да, исқот кетсин пуллариям.

– Сўраманг, Эргаш полвоннинг қизиям... қайтиб келибди, эри ўша ёқдан телепонда талоқ айтибди.

– Ўтган ой бизнинг болалар Қўшоқ сандиқчининг тўнғичи хотинини қўйибди деган мишмиш топиб келувди.

– Нима бало бўляпти-я замонага?

– Замонга ҳеч нарса бўлган йў-ўқ. Пул булғаяпти ҳам-мани...

– Кўпнинг уйи бузилиб кетяпти-да...

Ҳамроҳи индамади. Чигал бир масаланинг ечимини топа олмаётгандек уртини тишлаб, баҳорнинг сўнгги лаҳзаларини яшаётган экинзорларга тикилиб, эгар устида чайқалиб кетаверди...

## II

Пастқам қирлар орасидаги дўшпидай қишлоқнинг юқорисида баайни қатқалоқ тошлар қўйнидаги кўримсизгина ҳовли. Уч-тўрт момой ва бир-икки серсоқол чол ниманингдир ташвишида ғимирланади. Улар онда-сонда эҳтиёж юзасидан калта-калта гап қотади. Офтоб пешиндан оғган бўлса-да, ҳали суғорилмаган бўйдоқ таналар

кетини узмай пешма-пеш бўкиради. Ўқириги ҳовли саҳ-  
нини тутиб кетади. Яккамихдаги жийрон ҳам куннинг  
зўридан зада: қўйруғини селшиб ғуж-ғуж чиркайларни  
ҳайдайди, бир зайл айланади. Қўтондаги қўйлар уймала-  
шиб, чортоқ остидаги чекиниб бораётган сояга тиқилади.  
Оёғи чаққон икки ўспирин этакдаги қудуқдан сув ташиб  
ғужум атрофига қўллатиб севади. Теваракка чанқаган  
тупроқнинг намхуш ҳиди анқийди. Киприк қоққунча ер  
бети оқариб, нам қочади.

Ташвишлар гирдобидаги уй эгаси – Қулбой азончи  
гоҳида сийрак соқолини сийпаб, уй ичига тез-тез кириб  
чиқади.

Ғужум соясидаги бобойларнинг улуғи босиқлик билан  
суҳбатга тортди:

– Буниси учинчи неварангмиди, Қулбо-ой?

Сўри гирдига омонатгина қўнган азончи алағда қиё-  
фада йўл қараб «ҳа» дегандай бош ирғади.

– Духтирлар нима деди, кўрсатдиларингми? – қўшил-  
ди иккинчиси.

– Нима дерди, ичкиликники деяпти-да!

– Анча бўлдими бошлаганига? – бўш пиёлани кафтида  
ўйнаб турган яна бири савол ташлади.

– Русиёдан қайтгандан бери шу! Уч йилдан ошдиёв...

– Ҳар куни оладими? – қизиқсинди биринчи бўлиб са-  
волга тутгани.

– Э-э, би-илмасам, Нуржов ака! Келиннинг айтиви-  
ча, ҳар куни тонготардан бошлармиш, – Қулбой азончи  
қўлларини қисиб, ғовдан кўз узмай гапиринди. – Шу  
исқотидан ажрасин деган умидда қишлоқнинг подаси-  
ниям оббердим. Ўзим бошида юрдим бировнинг молини  
йўқотиб-нетмасин деб. Ичгич, барибир, эпларқан: далаи  
даштда қайтиб арақ топади, кеч тушганида такадай сасиб  
қайтади...

Гап орасида алланима туйқус эсига тушгандай ҳалиги  
болаларга буйруқ берди:

– Менга қара, Довурбой! Тана-тўлпилар билан отни  
ҳам суғоринглар, югур-югур билан хаёлга келмабди.

Шу пайт ғов ортида парпарлаб қизил «Жигули» кўринди. Ўтирганлар улловга пешвоз чиқишди. Тўладан келган, икки юзи қип-қизил Персиён мулла барча билан қўл олиб кўришди. Қотма ҳайдовчи орқа эшикни очиб, мулланинг тугунчагини қўлтиқлаб олди. Йиғилганлар турнақатор бўлиб айвон томонга йўл солди.

Шувоқли шу номни олибдики, ҳеч ким Персиён мулланинг отини билмайди. Аммо юраги тойган ҳам, иши юришмаган ҳам, хотини ой сурган ҳам, қўйингки, қай бир мардумга бало-қазо ёпирилса, ана шу муллага чопади. Биров Персиён бобо дейди, биров мулла ака дейди, яна бири тўрам дейди... Бундан икки кун бурун келинининг кўзи ёриб, одамман деганнинг тушига ҳам кирмаган ҳодиса содир бўлганида, тун яримдан ўтиб, ит тинчиганида Қулбой азончи камширига маслаҳат солди:

– Персиён муллага ўқитсамми?..

Болалари сафга қўшилиб: «Энди елкам кун кўрдиёв...» – деб турган Боғлон кампир бир оқшомда шайтонлаб, лабига учуқ тошиб, қовжираган ўтиндай бўлиб чиқди. Бобойидан бу гапни эшитиб: «Шу пайтгача қаерда эдингиз?!» – демилда қия қаради ва «хўп» маъносида бошини лиқиллатди.

Дастурхон тўрида салобат тўкиб турган Персиён мулла аччиқ кўк чойдан симириб, ул-бул тановул қилганидан кейин томоқ қирди:

– Хў-ўш! Кимни нима сабабдан ўқитмоқчисиз?

Қулбой азончи гапиришга чоғланиб лаб жуфтлади-ю, томоғига бир нарса тиқилгандай, тили курмовга келмади.

Нуржов оқсоқол ҳамқишлоғини сўровдан фориф этиб орага кирди:

– Қулбой укамизникида уч йилдан бери неvara турма-япти. Кейин улининг ҳам тоби қочгандай, ичкиликка сал яқинроқ. Шуларни би-ир қайтарма-пайтарма қилсамми деган-да!

– Бола чала туғиляптими? – мулла қошларини керди.

Оқсоқол бир муддат индамай, сўнг нафас ютиб сўзланди:



– Шунга яқинроқ, шундай деса ҳам бўлади.  
– Очиғини айтинг, билиб ўқишим керак, – мулла синчковлик қилди. – Чақалоқ ой-кунини тўлдирганмиди?

– Ҳа.

– Куёв бола қанчадан бери олади?

Сал олдин аниғини билган оқсоқол такрорлади:

– Уч йиллар бўлди...

– Гўдакни духтир кўрдими?

– Ҳа, буниси райондан қайтди.

– Энди гапимни эшитинг! – мулла Қулбой азончига эмас, Нуржов оқсоқолга қаради. – Бола турмаётганлиги – духтирлик, бизнинг касал эмас! Инимизни шаҳарда яхшилаб даволатасиз. Уларнинг ароққа қарши укол-дориси ҳам бор, шулардан эмлатасиз. Мен ҳозир қут-баракага деб ўқийман, дамсув қилиб бераман. Уч кун тонгда, саҳарлаб бир пиёладан ичади. Худо хоҳласа, яхши бўп кетади.

Мулла тугунидан қалин китоб олиб, қиблага юз буриб аллақандай сураларни пичирлаб ўқиди. Сўнг дастурхонни қайириб, жулбароқ устига бир боғ исириқ, ярим пиёла туз ва бир коса сув қўйди. Сураларни ўқиш баробарида уч мартадан суфсуфлаб дам солди. Таомил ярим соатча давом этди, тугатаётиб Қулбой азончига тушунтирди:

– Исириқни уч чоршанби тутатасиз, тузни куёв боланинг овқатига соласиз. Ҳа-я, эсингиздан чиқмасин! Шу туз солинган ошни фақат ўзи есин. Сувни эса, боя айтганимдай, уч кун эрталаблари ичирасиз. Иншооллоҳ, шифосини беради.

Икки болакай майда ишларни саранжомлаб, пода ва қўйларни қимирлатганида айвон эшигида мулла Персиён ва чоллар тўдаси кўринди. Ҳайдовчи бу сафар қўш тугунни чапдастлик билан машинанинг орқа ўриндиғига жойлаб келди. Бобойлар гужум остида оёқ илиб, мулланинг йўл-йўлакайги маърузасини тинглади. Жуфтгарчи машинасини фирфирлатганида Қулбой азончи сурув ортидаги болаларга товушлади:

– Ҳей Довурбой! Қилчиқ совлиқнинг қўзиси – симоби қўчқорни ушланглар.

Қирнинг ярим белигача тартарлаб чиққан қизил «Жи-гули» юкхонасига кетмонқуйруқ қўчқорни кулклаб, эниш тарафга силтаниб-силтаниб тушиб кетди.

Муюлишга бориб кўздан йўқолди.

### III

– Менга қара, болам! Бизни ҳам сенга боғлаб бермаган, – пастқам қирлар орасидаги дўшпидай қишлоқнинг кўримсизгина ҳовлисида Қулбой азончининг овозидан бўлак товуш эшитилмайди. – Ёшим бир қорага борди, ҳалига довур кетингдан юраман. Ютоқиб кетсанг ҳам айтганимни қил: ташла шу ислиқини!

Йигирма беш ёшлардаги, қораширғай, тараша ўғли ердан бош узмай сўзсиз ўтиради. Ора-сира гилам попугини ўйнаб, дераза ортидаги савр манзараларига маъносиз қараб қўяди. Руҳан толиққан азончи бир нафас жимиб, ўйчан ҳолатда чой симирди. Шундагина чанқаганини сезди. Қип-қизил «95»ни босиб-босиб ҳўплади. Мияси тинчлангандай бўлди. Терчилаётган пешонасини артиб, яна ўғли томонга бурилди:

– Арақ ҳеч кимга дўстлик қилмаган. Ана қара: Бўта қоранинг кенжаси мугадак – ўрмалаб юрармиш. Тавба қилдим! Абдир жиян-чи, унинг ҳам оёғини тўғри боса олмайдиган шалтоғи бор. Астафзурилло! Билмасанг, билиб қўй, икковиям шишанинг орқасидан қувгич эди ёшлигида. Сеникиям шундай: ичкилик медангни бузган! Ҳеч бўлмаса, келинни, бировнинг боласини, ўйла!!!

Жаҳли чиққани сайин мияси қизиётганини сезиб тинчиб қолди. Чуқур «уф» тортиб қўзғалди. Ковушини илаёттиб ортига қарамай сўзланди:

– Боя Персиён муллага ўқитдим. Қирқ кун чилла сақлайсан, бир томчиям олмайсан!

Аср намозига таҳорат олгани уй орқасига етганида келинининг ёзғираётгани қулоғига чалинди:

– Нимасини айтайин, эна, қип-қизил махлуқнинг ўзи эди.

– Шунчалик қўрқинчлимиди, қўйсанг-чи, уям Худонинг бергани-да! – онаси юпатмоқчи бўлди.

– Сиз кўрмадингиз-да, бўлмасам, мени бир кун ҳам қолдирмасдингиз.

– Ундай дема, Хуррам! Фаришталар ҳар гапга омин дейди.

– Отамга айтинг, лаш-лушларимни йиғиштириб кетаман. Қачонгача тўққиз ой майиб бола кўтариб юраман!

– Шунчаликмиди, бунча куюнасан?

– Ҳа, эна! Қалласи тарвуздай, кўзлари пиёланинг кетидай, қўшбурун бир нарса эди...

Онаси кўкрагига туфлаб, ёқасини тишлади. Эти жи-мирлаб, рангининг суви қочиб қайта сўради:

– Нима бало, қўшбурун дейсанми?!

– Ҳа, бурни иккита, тешиги тўртта эди! Тўртови ҳам битиқ экан, туғилганидан кейин бир соат ҳам яшамади.

– Сабр қил, болам, Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади. Бунинг ҳам ортда қолиб кетади.

– Мениям тушунингизлар, учинчиси бу, аввалгилари-ям туғма майиб эди. Қачонгача шундай юраман ё мени ўлдирмоқчимисизлар?

Аёл қизининг бошини тиззасига олиб, сочларини силади. Ичида калима қайтарди.

Она ва боланинг ҳасратини қўшни хонада тўшакка михланиб қолган Боғлон кампир мижжаларида ёш қалқиб эшитиб ётар эди.

Гап суяк-суягидан ўтган Қулбой азончи офтобани дарча ёнига қўйиб, яшиллиги ўча бошлаган қирга ўрлайверди. Қўлларини орқасига қовуштириб, букчайиб баландлади. Қуёш тоғлар бошида жиға тортиб, қирмизи шафақ тушганида тепага кўтарилди. Чап қўлини соябон қилиб ҳадсиз кенгликларга тикилиб ўтирди. У қанча вақт ва нима учун ўтирганини билмайди. Билгани, қош қорайганлигидан кўзи ўтмай қолди. Шунда ҳам алламаҳалгача ўй сурди.

– Иснод! – деди ўзига ўзи. – Уруғ-аймоғингга, етти пуштингга етадиган иснод! Бир замонлар одамлар: «Қулбой азончининг келини уч йил пайдар-пай махлуқ туғиб бериб эди», – деса, авлод-аждодинг ер ёрилмайдию кириб кетмайди!

Юлдузлар милт-милт қилгунича қирлар орасида тен-тираб юрди. Қудасининг олдида мистар бўлганиданми ёки бошқа сабабданми, аллапайтгача уйига кира олмади. Танасини чарчоқ босиб, оёғидан дармон узилганида пастга энди.

Сузиболдидан бир-икки ошам чўқилаб, қисқагина омин айтди.

Ҳар сафаргидай қўшболишга ёнбошлаб, икки чойнак «95» симирмади...

Чолини ўй босганлигини сезган Боғлон кампир ҳеч сўз демади. Мижжаларини ярим юмиб ётаверди. Бир маҳал тунги сукунатни бузиб аллакимларнинг гўнғир-гўнғири ғувиллади. Олам сув сепгандек тинчиганида овозлар тиниқлашиб, шивир-шивир авжига минди:

– Нима бўлса чет элда бўлган, эна. У ёқларда ичкилик сувтекин эмиш, борганлар алкаш бўлиб қайтяпти дейди. Куювингизга ҳам ўша ёқдан юққан бу дард. Духтирлар ҳам уч йилдан у ёғига: «Ташла!» – деб келяпти...

Боғлон кампир ўнг тарафга ўнгарилди-да: «Жавобини бериш керак, бу бечорада нима гуноҳ?!» – деб кўкайдан ўтказди.

Уйқу элтиб, чуқур-чуқур ҳомуза тортди...

#### IV

Пастқам қирлар орасидаги дўшпидай қишлоқ сари ўр-лаётган бўз отли шеригига гап қотди:

– Давлинадан кетди дедими айтувчи?

– Илгаритдан мазаси йўқ эмиш.

– Нечи боласи бор эди раҳматлининг?

– Беш қиз, икки ўғил эди, менимча, – маҳрами халачўпни маҳсисининг қўнжига шап-шап урди. – Кенжалари ўғил, шекилли-да, кейингиси бўйдоқ экан, Русиёда деди неваралар.

– Э-э, уруғига қурт тушсин мол-дунёсининг! – отлиқ жаҳл билан тизгинни силтаб олди, йилқи бир-икки қадамга йўрғалади. – Биттаси алкаш бўп қайтганидан кейин унисига пишириб қўйибдимикан?!

– Ҳозирги болаларга ақл бўп бўлармиди, оқсоқол!

Отлиқ бир зумда ҳовуридан тушди. Жилонни салқи қўйиб, ярим бурилди:

– Жойинг жаннатда бўлгур Қулбой азончи мулла-майин одам эди. Кў-ўп йиллар ифторда азончилик қилди, эслайсизми?

– Ҳа, боладай бегидир эди бечора!

Кун чошгоҳдан ўтиб, жамики тирикликни қиздира бошлаганида икки биродар йўл тортиб қишлоққа яқин бораверди.

Йиғичиларнинг мунгли видолари яққол эшитила бошлади.

## ОҚТИРНОҚ



Уни илк бор Гўбдинтоғ этагида учратдим.

Қуёш нурлари нимжўш рутубатни кесиб, тийрамоҳнинг иссиғи забтига олганида яйдоқ далада лўкиллаб кетиб борарди. Аҳён-аҳёнда бийдай ялангликда ис олиб чопар, гоҳида бўйнини чўзиб шувоқлар орасига ҳезланиб тикилиб қоларди...

Ови бароридан келмаса, яна сомонпояси йиғиб олинган майдонга чиқиб оларди.

Одам оёғи узилган адоқсиз дашт саҳнида ундан бўлак қора кўринмайди. Пастқам тепаликларга яқинлашавергач йўлини ўнгга бурди. Сел йўлида ҳосил бўлган жарликлар оралаб, шох-шабба ва қуш патлари уюлиб қолган қўқимларни ҳидлаб кўрди. Сўнг кунгай тарафдаги қия-

лама сари йўртиб кетди. Этақдаги тўқайга ўхшаш бодом-зорда санғиб юрди: муллатўрғай қувди, ковулнинг қотган меваларини териб еди, эски қўшхонада<sup>2</sup> алланиманинг қолдиқларини титкилади. Ичида овқат юқи қотиб қолган целлофан идиш кузнинг енгил шабадасида пириллаб, итнинг оғзида осилиб борарди. Дарахт шохларидаги дашт қушлари елим халтанинг шитирлаши ва итнинг бир маромда йўртишини қизиқсиниб кузатиб туради. У ёввойи бодомлар орасидаги акас тагида оёқ илди. Тандирнинг оғзидек ковак ичига ер бағирлаб ўрмалай бошлади...

Сангзор ва Зарафшон орасидаги кимсасиз Ғўбдин даштига бу ит қаердан келиб қолган? Қандай аянч қисмат одамлардан олис, овлоқ манзилга улоқтириб ташлаган? Қайси қилмиши бундай тақдирга рўбарў қилган? Ҳеч ким бу каби саволарга жавоб бера олмас, очиғи, унинг дарбадар ҳаёт тарзи ҳеч кимни қизиқтирмас эди. Ҳа-я, назардан батамом тушган, ташландиқ эмасди: болалаган кезлари кузатувда бўларди, ишқибозлар зимдан пойлашарди, изма-из юриб инини топишарди. Ҳали кўзи очилмаган кучукчасини хуржунга солиб дунё топган калдек суюниб қайтишарди. Чўпонлар: «Болалари бўрибосар бўлади», – дейишарди. «Биттаси икки қашқирга тенг!» – деган гаплар ҳам улардан чиққан. Қизиқ, лақабиям турлича эди.

– Ғубурсойнинг кучуги, – деди бир куни опам гап орасида.

– Саройлининг саёқ ити! – жаҳл қилувди мешини гажиб кетганида Зубайда қўшнимиз.

– Ола ҳўкки! – деб эди раҳматли Исмат чўпон бир маъракада.

Исмат чўпоннинг нега Ола ҳўкки деганига ҳалигача тушунмайман. Чунки унинг оласи йўқ, қизғиш малла, туғма чўнтоқ эди. Шалпанг қулоқлари, калта тумшуги эт олган пайтлари ўзига ярашиб турарди...

Ўшанда олтинчими, еттинчими синфда, ишқилиб, кичкина мактабда ўқирдим. Болалар тўққизни битиргач кат-

---

<sup>2</sup> Қўшхона – сурувнинг ёздаги кўчма тураржойи.

та мактабга ўтарди. Шуниси эсимда. Кўпқарилаб кетган дадам бир ой деганда намозшом маҳали қайтди. Фарамдан пичан суғураётувдим, отнинг узун-узун пишқириғи эшитилди. Дарвоза ёнидаги оққа бурканган отлиққа кўзим тушди: дадамни ҳам, Чамбил лақабли отимизни ҳам чарчоқ босиб турарди. Жониворнинг тарам-тарам ёлида, дадамнинг қайрилма мўйловида томчинусха сумалаклар бор эди.

– Қоронғи томда катта қилсанг, – Чамбилни отайвонга олаётувдим, отам кеча-бугун кўзи очилган кучукчани узатди. – Қопқир бўлади!

Гидикнинг<sup>3</sup> мижози яхши экан, сал кунда қора овқатга ўрганди. Қиш охирида тозидек ингичка, лекин бўйдор итга айланди. Икки қор босганида<sup>4</sup> қишлоғимизнинг олди ити бўлди. Мен уни олти ой қоронғи томда сақладим. Шу боисмикан, дадам айтганидек, қопқир ва баджаҳл бўлди. Каттаравергани сайин қўни-қўшнилар сескана бошлагач, ҳовлимиз этагидан гуваладан ин қурдик. Бел баравар қоziқ қоқиб, бойлаб қўйдик. Аввалига оти йўқ эди, укам иккимиз дуч келган ном билан чақирардик. Ҳайит арафаси меҳмонга келган аммам бир-икки ҳайиқиб: «Ол анов Оқтирноғингни!» – дегач, лақабни Оқтирноқ бўлиб қолди.

Бир сафар занжирини узиб Қўзибой бобони босганида дадам қаттиқ бақирди.

– Миянги суюлиб кетганми? Ҳеч замонда итнинг занжирини чилвир билан илдирадими қоziққа?! – отам жаҳл билан катаги томон судраб борарди. – Симбуров солсанг, қилт этмайди-ку! Бўрига илакишган Ола ҳўккидан бўлса бу...

Ногаҳон Ола ҳўккининг зурриёди эканлигини билдим. Қўзибой бобони қошган бўлсаям, меҳрим ошиб кетди. Чунки унинг болаларини ҳамма орзу қилар, айниқса, чўпонларнинг қизиқиши зўр эди. Ич-ичимдан суюндим. Дадам кейинчалик нега сир сақлаганини айтиб берди. Айтиши-

<sup>3</sup> Гидик – ит боласи, кучук, кучукча (шевада).

<sup>4</sup> Итларнинг ёшига нисбатан ўлчов. Булунгурда итни бирга ёки учга кирди дейишмайди. Икки қор босди ёки учинчи қор босиши дейишади.



ча, Ола хўкки йилда бир марта битта болалармиш. Бирагай<sup>5</sup> кучук ниҳоятда олғир бўлармиш. Кучга тўлганида ҳар қандай қашқирнинг додини берармиш.

Яна бўрини оладиган итни сиртлон ҳам дейишади. Сиртлонларнинг орқа оёғида олтинчи тирноғи бўлади. Тирноғи етгита, яъни қўшсиртлон итлар ҳам бор. Бунақалари жуда кам учрайди. Қишлоғимиз кексалари: «Улар бўри билан олишганида сиртлон тирноқлари иш беради», – деб кўп гапиришарди. Оқтирноғимизнинг олд панжасида ҳам қўшсиртлони бор эди. Дадам: «Бунинг томирида қашқир қони оқаётир!» – дегич эди пийпалаб эркалаганида.

Оқтирноқ уч қор босганида танатўш олди. Ўмровлари кенгайиб, бўйни ва панжалари йўғонлашди. Калласи хумдек келадиган, овози дўрилдоқ – қандайдир ваҳимали эди. Уйимизга бегона келса ёки ҳамсояларнинг моли дарвоза ҳатласа, чунонам ташланардики, гоҳида занжирини узмасайди деб қўрқардим. Тенгқурларим ҳам ҳавас, ҳам ҳасад билан қарашарди. Баҳайбат гавдаси, бўри келбати одамни ҳайиқтирарди. Айниқса, туғма чўнтоқ думи, тагидан кесилган қулоқлари янаям ҳайбатли кўрсатарди. Қизғиш кўзлари қўрқувга соларди кишини. Унинг яна бир ғайриоддий қилиғи бор эди: узун қиш кечалари ушлаб чиқарди. Ҳар гал ушлашдан олдин қисқа-қисқа ҳуриб оларди. Унинг бу ҳуриши кўпроқ чийиллаб-гингшиётганга ўхшарди.

Ўлимидан кейин кўп ўйлаб юрдим: нега бундай қиларди? Қандайдир сири бормиди?.. Ҳалигача тагига етганим йўқ. Лекин отамнинг: «Ота томонига тортди-да!» – деган гапи хотирамда.

Чамбилимиз энг катта солим – туяга ташлаган куни Оқтирноғимиз яна занжирини узди. Аввалига катагида жимгина ётган эди. Мен қўтондан қий чиқараётувдим. Дафъатан инидан отилиб чиқиб, қибла томонга силтаниб ҳураверди. Ҳовлимизни унинг мағрур ва дўриллоқ овози

---

<sup>5</sup> Бирагай – эгиз тугилмаган, битта тугилган жонлик.

тутиб кетди. Ҳар силтанганида катаги барабар сакраб занжирини узгудек отиларди.

– Қара ановга! Нон-пон ташладингми? – деди опам ош-хонадан чиққан пўчоқларни сигиримиз охурига тўкаётиб. – Оғилнинг сиртида дайди итлар юрибдими дейман.

Куракни олиб сиртга чиқдим. Шунда... ёнимдан бир кўланка ўқдай учиб, кўкрак бўйи девордан ҳатладию кўздан йўқолди. Сўнг итларнинг ғала-ғовури, айримларининг уввос солиб чийиллаши эшитилди. Ҳамза подачининг беткайлигида Оқтирноқ ўнга яқин ит билан олишиб ётарди. Йўқ, Оқтирноқ эмас, ўнга яқин арлони ит бир-бири билан уришарди. Қулоғи кесилмаган қанжиқ беткайликда лўкиллаб кетиб борарди. Бирпасда болалар жам бўлиб итларни олқишладик. Мен қўнғир итни тагига босиб олган Оқтирноғимизга кишт бериб турдим. Қўнғир Оқтирноқнинг тагидан сибжирилиб чиқар, у эса зилдай гавдаси билан босиб оларди. Гоҳида тик туриб савашар, Оқтирноқ бир зарб билан қулатиб яна тагига оларди.

– Итинг ҳадисини билмаскан!

Кутилмаган хитобдан ортимга бурилдим. Исмат чўпон олишувни бамайлихотир, лекин синчков кузатиб турарди.

– Эшакдай гавдаси, туядай кучи бор! – чўпон ўзига ўзи гапираётганмиди ёки менга айтаётибмиди, англаб бўлмасди. – Икки марта қўнғирнинг бўғизи тўғри келди. Эпложмади. Бир ҳамлада жулунини қайриб, майиб қиладиган савлати бор-а...

Лекин чўпоннинг айтгани бўлмади. Оқтирноқ рақибини босиб тураверди-тураверди. Бир маҳал жарнинг нишаблиги ўнгай келганида қўнғир сибжирилиб чиқди-да, тура қочди. Оқтирноқ жаҳд билан қувсаям ета олмади. Қўнғир думини чоти орасига олиб, қишлоқ оралаб кўздан ғойиб бўлди. Уни судраб келиб қозигига қалин сим билан бойлаб қўйдим. Шу пайт бўйнининг остидаги жароҳатга кўзим тушди. Териси бир қарич кесилган эди. Силқиллаб қон томчиларди. Тасмасини авайлаб олиб, елкаси ва тўшидан арқон ўтказиб боғладим. Дадам келгунча катта

энам иккимиз кепак қиздириб босдик. Эски рўмол билан бўйнини ўраб қўйдик.

– Нима бўлди бунга? – қош қорайганида узангидошлари билан қайтган дадам кўздан кечираётғиб сўради. – Пичоқ билан тилгандек-ку!

Хуллас, дадам алламбало, ҳиди ўткир дорилар билан анча вақт муолажа қилди. Ҳар сафар малҳам сураётганида эски чопон билан тумшуғидан ушлаб турардим. Қиш адоқлаб, кўклам оёқлагунгача зўр бериб қарадик. Билмадим, аммамнинг катта ўғли келиб, Оқтирноқни олишувга олиб чиқмаганида ёки уни уриштиришга қарши турганида бошқача бўлармиди...

Заман ака аммамнинг катта ўғли, дадамнинг тўнғич жияни эди. Шу боисмикан, эркатойлиги бизникида ҳам ўтарди: уйга келса истаган ишини қилар, хоҳласа от минарди ёки «Жигули»мизни учуриб келарди. Негадир отам кўп қаттиқ гапирмасди унга. Айниқса, Чамбилимизни терга пишириб келган кезлари «Айтинг, минмасин!» – деб жиғибийроним чиқарди.

– У – меҳмон, сен – уй эгаси! – деб вазмин гап қотарди дадам. – Бир терлагани билан отинг ўлмайди. Қайтанга пишади.

Заман ака эса билганидан қолмасди. Худди тоғбеги-дек кўнглига келганини қиларди. Шаҳарда дўхтирликка ўқирди. Шунинг учунми, ўрисча аралаштириб гапирарди. Ҳа-я, унинг оти, аслида, Заман эмас, Абдузамон! Негадир «абду»си тушгач, хунуккина «заман»га айланиб қолган.

– Ҳей Боташ! – деди ўша куни кулчатойни еб бўлгач. – Давай, кучугингни обчиқ. Ҳозир чўботлар<sup>6</sup> келади, уриштирамиз: бир қўй тикиб гаров ўйнаганман.

Дадам эшитмадими ёки пайқамадими, ишқилиб, ҳеч нарса демади. Нима қилай деган маънода қараган эдим, парвойига ҳам келмади. Дастурхонга омин айтилгач, ноилож қўзғалдим. Истар-истамас Заман аканинг орти-

---

<sup>6</sup> Чўбот – туёқли уруғининг бир аймоғи.

дан тушдим. Оқтирноқ анчадан бери қозиқда турганлиги учун чопқиллаб борар, узоқдаги итларни кўрса ваҳима солиб ҳуриб қўярди. Ҳаш-паш дегунча атрофимизда тенг-тўшларим кўпайиб кетди. Барчаси олишувни муҳокама қилишар, мен эса занжирни маҳкам қисиб олдинда кетардим.

Каллалисойга етганда уларнинг қораси кўринди. Ўн чоғли бола увоққина бир итни ўртага олиб, бўйинини сийпар, елка ва оёқларини уқаларди. Ит шунга ўрганган, шекилли, тумшуғини чўзиб, гавдасини керештириб, ажиб бир ҳолатда маза қилаётгандек эди. Яқинлашаверганимизни кўриб олдинма-кетин сойга тушишди. Текисроқ жойни танлаб, майда тошлардан улкан айлана қилдик. Заман ака уларнинг Тенгбой дегич каттаси билан музокара қилди. Иккови ўртага бир қўйнинг пулидан тикиб, холис одам – ўнгатлик Қуролбой жўрамга бериб қўйди. Ашур ака ҳакам бўлди. Дарвоқе, Оқтирноқ уларнинг итини кўргач шовқин солиб, силтаниб ташланса ҳам, у парво қилмас, эгасининг ортидан майда қадамлар билан йўрғалаб кетаверарди. Ҳайиққан-ҳайиқмаганини билиб бўлмасди. Доира ичига солиб, жангга ташлаганимизда ҳам ҳурмади. Фақатгина ириллаб, тишининг оқини кўрсатиб илкис Оқтирноққа ташланди.

Биринчи бўлиб ҳужумни у бошлади. Итимнинг чап болдиридан олиб, пийпалаб ғажигашга ўтди. Оқтирноқ улкан гавдаси билан суриб бориб ётқизди. Қарчиғайига оғиз солиб пастга босди. Унинг бели майишиб, бир амаллаб Оқтирноқнинг чап томонига ўтиб биқинидан олди. Ўша кез баҳайбат Оқтирноғимнинг қоядек ағдарилганини ва чўботлар ити илдамлик билан бўғзига чанг солганини кўрдим. Ичим идраб кетди. Оқтирноқ хириллар, менинг эса қоним қайнаб-тошарди. Даврадан қисилиб чиқиб ажратмоқчи бўлдим. Кимдир тирсагимдан тортди.

– Нима дейсан, итинг олдирганини тан оласанми? – деди Тенгбой Заман акага.

– Ҳе, нима деяпсан?! Ўлигини олиб кетасан лайчангнинг!

Заман аканинг шу гапидан кейин доира тарафга бурилдим. Оқтирноқ чўботлар итининг устига чиқиб, тўғрироғи, дустанман ётқизиб, қулоғини чайнаб-пийпаларди. Елкамдан тоғ ағдарилгандек, шу топда ўзим ғалаба қозонаётгандек эдим. Афсуски, рақибимиз ўта чайир, чайир ҳам эмас, қайиш экан. Чапдастлик билан буралиб, зилдай босиб турган кўланкадан халос бўлди. Иккиси ажрашиб, яна уришмоққа тушди.

– Ҳей, қаранглар! Кўктой дум ташлади, – деди қўшнимиз Ҳамроқул қичқариб.

Ҳақиқатан ҳам чўботларнинг кўк ити шалвираб, гажак думи осилиб қолган эди.

Орада анча баҳс бўлди. Биров ундай, биров бундай деди. Тортишувга ҳакам – Ашур ака нуқта қўйди:

– Яна бир марта қўямиз, қайси бири босса, шуниси ғолиб!

Итлар майдонга тушиши билан аввалги шижоатга минди. Аввалбошда тик туриб савашди. Бунда Оқтирноқнинг қўли баланд келди. Ўнг панжаси билан жаҳд билан уриб кўкни ағдарди-да, сағрисидан босди. Оқтирноқнинг тик туриб савашидда ғалаба қилиши аниқ эди. Чунки унинг танаси кўкникидан анча йирик эди. Кўк жуда чаққон ва уришишнинг ҳадисини олган экан. Чапдастлик билан ўнгланиб олди-да, Оқтирноқнинг хотига тиш ботирди. Ётган жойида бир ағдарилиб, Оқтирноқнинг орқа томонига ўтиб олди. Шунда итимнинг орқа ўнг оёғи чўзилиб, ноқулай туриб қолди. Кўк шунини пойлаб турган эканми, орқага тисарилиб Оқтирноқни резинадек чўза бошлади. Боёқиш ҳеч нарса қила олмас, фақат ортига қараб ирилларди. Тагин ичимга ваҳима тушди. «Бор-э!» – деб ажратиб олиш учун доира томон юрдим. Кўк энишда эди. Тисарилиб тортавергач, тобора пастлайверди. Кутилмаганда, шунини пойлаб турганми, Оқтирноқ илкис ортига буралиб силтанди. Кўк яна унинг тагига тушди. Оқтирноқ кўкнинг чаккасига оғиз солиб пийпалайверди...

– Бўлди! – деди чўботлар орасида биров йиғламсираган овозда. – Итимни ўлдириб қўяди.

Ашур ака қўлидаги халачўпни Оқтирноқнинг оғзига солиб буради. Кўк озод бўлди ва қимир этмай тилини осилтириб тураверди. Оқтирноқ чўлоқланиб четга чиқди.

– Ҳо-ов болалар! – кўзи қисиқ бола туйқус гап бошлади. – Манов кучук четлади – ютқизди!

Тағин баҳс бошланди.

– Келинлар, охирги марта майдонга туширамыз! – Ашур ҳакам жанжалнинг олдини олиш учун мурсага келтирмоқчи бўлди. – Қайси бири енгаркан.

Мен норози бўлдим. Қонга беланган Оқтирноққа ичим ачиди. Айниқса, тинган кўзлари, осилиб турган тили, чо-тидаги кесик жароҳати раҳмимни келтирди. Заман ака зўрлик билан даврага тортди. Оқтирноқ судралиб борди. Лекин... Кўк ириллаб у ер-бу ерига чанг солганида ҳам айиқдек бепарво турди. Сўнг оғир қадамлар билан айлана четига чиқди.

Чўботликлар калака қилиб кулишди. Заман аканинг жаҳли чиқди. Муштдек тошни олиб Оқтирноққа улоқтирди. Тош унинг биқинига текканида бир силтаниб тушди.

– Тфу, бунинг дальтоник<sup>7</sup>, ҳа, қип-қизил дальтоник! – деди Заман ака жаҳлини жиловлай олмай. – Бунинг фақат уйингга келган бегонани, қўшнининг молини кўради. Манов лайчани кўрмайди. Уни кўриш учун юрак керак!

Мен Оқтирноқни етаклаб қияга ўрладим. Болалар тарқалишди. Зиён асабига урган Заман ака сой ўртасида ҳамон шунга ўхшаш гапларини такрорларди:

– Бўрини олади десам, чиниминан кўппак-ку бу! На олишишни билади, на чап беришни. Фирт дальтоник: уйга бегона келса, босиши керак, мол-ҳол остона ҳатласа ўтакасани ёриш керак. Ўргилдим сенга ўхшаган ола ҳўк-кининг боласидан...

Кечқурун мол-ҳолни тинчитиб уйга кирганимда дадам қоракисалик чавандозлар билан гурунглашиб ўтирган экан.

---

<sup>7</sup> Дальтонизм – баъзи ранглارни ажрата билмаслик ёки айрим рангларни кўра олмаслик касаллиги.

– Заман жиян кўринмайди, – деди чой кўтариб кирганимда.

Чидаб туrolмадим. Оқтирноқнинг аянчли ҳолидан ичим эзилиб кетганди. Назаримда, ўлар ҳолга келганди у. Ҳиқичоғимни базўр босиб:

– Заман кетди, Оқтирноқни ўлдириб тинчиди! – дедим йиғламсираб.

Полвонлар бири олиб, бири қўйиб мени тинчлантирди. Дадамга ҳаммасини айтиб бердим.

– Парво қилма! – маслаҳат берди тўрдаги шопмўйлов меҳмон. – Бундан бу ёғига кечқурунлари бўшатиб, эрта-лаб бойлаб қўй. Шунда пишади, уқтингми!

– Тўғри айтасиз, Оқбўта ака! – дадам маъқуллаб гап қўшди. – Бунинг кучуги занжирини узиб бўшалмаса, бўш қўймаймиз-да. Шунга ўнглаб уруша олмаган. Узуқун бир қозиқда турганидан кейин қайдан билсин?

Шу билан гап ўзани бошқа томонга бурилди.

– Ҳайвондир, одамдир, нимаики бўлмасин, сал эркинлик керак, кўпга араллашиб туриш керак, – пиёлани кафтида ўйнаб ўтирган Абдул чапақай дегич қўшилди орага. – Бу ит экан. Ўнгатлик Шуқур ҳосилотнинг гап-сўзидан умуман ҳафсалам пир бўлди. У шаҳардаги Толли жиян билан томир бўламан деб ҳўп кўрди. Болалари бўшанг, шекилли, муроди ҳосил бўлмагач: «Боланг ўнгли бўлмасаям қийин экан», – деб нолиб юрибди. «Минг қистасам ҳам шаҳарга бормади шўринг қурғур», – деди у кунни тегирмонбошида. Нима эмиш, куёв бўлмиш шаҳарлик қизлардан ҳайиқармиш.

– Э-э, Абдул ака. Ҳосилотнинг болалари уйдан кўчага чиқмаган, бешиқдан тушганидан бери сурувнинг кетидан эргашиб юрган бўлса, – шопмўйлов полвон гапни илиб кетди. – Уларда нима гуноҳ, асли, Шуқур зиқнани уриб кетган. Битта-яримини ўқитганида ёки мундай бир элга аралаштирганида боланинг ўзи қизни етаклаб келарди.

Мусоҳаба анча чўзилди. Пешма-пеш чой дамлаб, қайнатманинг косаларини йиғиб олдим. Ойим хамир ийлаб, кулчатой тадоригига киришаётган эди...

Эрталаб Чамбилни яккамихга олиб, қўйларга арпа бераётганимда қўноқлар турнақатор бўлиб уйдан чиқишди. Аввал дадам билан, сўнг катта энам ва ойим билан хайрлашди. Ғовга етганида Абдул чавандоз жиловни тортиб менга юзланди:

– Бўрибосарингни ҳар оқшом бўш қўй, улим. Ўтган-кетган итлар билан талашаверса, ўйини кўпаяди. Ҳадемай қашқир билан довлашадиган бўлади.

Дафъатан Оқтирноқнинг катаги тарафга қарадим...

У кўринмасди. Молларнинг охурига емиш ташлаб, теваракни кўздан кечирдим. Қозигига илдирилган занжирга кўзим тушди: бир учи катакнинг ичига кириб кетган эди. Уясининг тўри чуқур ва зах экан. Аввалига маҳмаҳлаб чақирдим. Қийё ҳам боқмади. Занжиридан тортиб чиқармоқчи бўлдим...

Катагининг тўрида ғужанак бўлиб, тош қотиб қолган эди.

Дадам иккимиз Каллалисойга судраб кетаётганимизда Қўтирқоянинг устида нимадир чўнқайиб ўтирарди. Белдан<sup>8</sup> ошаётганимизда бир-бир қадам ташлаб пастга энди. Оқтирноқни кўмиб, устидан тупроқ тортганимизча қияда ўтирди.

Сўнг бир маромда лўкиллаб дашт томонга йўл солди. Белга кўтарилганимизда қора-қўнғир тус олган майдонда йўртиб кетарди. Узоқлашгани сари бепоён дашт саҳнида нуқтага айланиб, тунд табиат қўйнига сингиб бораётгандек эди.

---

<sup>8</sup> Бел – икки чўкки орасидаги ошув.



## РЎЗАНИНГ БИРИНЧИ КУНИ

*Акадай қадрдоним  
Алишер Исҳоқовга бағишлайман*



### I

Бир кунда Эрганаклининг устидан қанча самолёт учиб ўтади?!

Эҳ-ҳе, ўтгани қайси, қайтгани қайси...

Баъзилари шундоқ пастлайдики, қулаб тушаман дейди гўё. Баъзилари, ҳе-е, осмоннинг тубидан юради, фақат оқиш изи кўринади. Кўм-кўк майдонда билинар-билимас бўлиб, ниначи мисол ер шарининг у бурчига энади. Булунғур ёқада сигир боқиб юрган болакайлар кўзини қисиб, бармоқларини пешонасига тираб томоша қилади.

Самолёт улар учун хаёл. Ҳа, орзу эмас, хаёл! Хаёл бўлгандаям чексиз, аломат хаёл. У ширали, кечиб бўлмайдиган ва ўша иштончан болакайлар билан доимо бирга юрадиган умидбахш туйғу.

Шунинг учун Эрганақлининг тепасидан самолёт ўтиб қолса, хаёллари ҳам кетади. Кетгандаям учирим лабидаги қораола, қизилола говмишларини эсидан чиқариб, етти қат фалакка чиқиб кетади.

Устара пиёзнинг пўстидек арчиган тақир бошларидан саратоннинг аччиқ иссиғи ўтиб, ҳилдиратиб ташлайдики, кўкка боқшдан чарчамайди. Айримлари пастлаган учоқларни олдига солиб қувлайди. Қуваверади, қуваверади...

Би-ир маҳал овдан қуруқ қайтган тозидай ичини уриб келади.

Мабодо юқорида темирқанотлар борди-келдиси узилса, уч-тўрттаси бир бўлиб лойқа Булунгурга ўзини отади: сув чалпитади, молтийди, уватдаги қумда аллапайтгача узала тушиб ётади; лабларидан, иякларидан лойшанг томчилар селгийди. Бир-бирига тишининг оқини кўрсатиб кулишади.

Улар ташвиш нима, ғам нима билмайди...

## II

Саратоннинг ҳовури босилган, ой тўлишган тун. Аллақерда қора чигиртка чириллайди. Бўйдор тераклар ортидан қурбақанинг қуриллагани эшитилади. Симёғоч белидаги чироқнинг хира нурида турли-туман ҳашаротлар винғиллайди. Атрофда шундан бўлак шовир йўқ, ит ухлаган. Ҳовли саҳнида ёз оқшомининг сокин таровати кезади. Молхона томондан аҳён-аҳёнда қорамолнинг пишиллагани, сўнг пишқириб кавш қайтаргани эшитилади. Енгил шабада оғил тарафдан арпасомоннинг какра аралаш ачимсиқ ҳидини олиб келади. Кейин яна тиниб қолади.

Ичкаридан ўн ёшлардаги иштончан болакай чиқди, ошхона орқасига бурилди...

Олма тагидаги сўрида ётган эркак чапга ўнгарилди. Кўрпани очиб, ўпкасини тўлдириб «уф» тортди. Ёстиқ бошидаги човгумни олди.

Ўзини ухлаганга солиб ётган хотини уни зимдан кузатди.

Эри чумакка лаб босди: қулт-қулт-қулт. Томоғидаги бағбақаси ўйнаб-ўйнаб кетди. «Худого шукр!» – деди иягидан думалаб тушган томчиларни арта туриб. Яна оёқ узатди: икки қўлини бошининг остига олиб, юлдузларга термилиб ётди.

Бола иштонбоғини тортиб ўтди. Ўн бир балорлик ўйнинг ўртасида ғужанак бўлиб тўшакка ташлади. Ёстиқнинг бирини бошига ёпди. Алаҳсираб: «Эртага мениям оббор, дадангнинг самолётида учай» – деди ғудраниб.

Момоси сергак тортди:

– Ўринбой, ма, болам, дустаман ётма.

Қоронғида пайпаслаб бошига келди, бир амаллаб ёнбош ётқизди. Бола тамшаниб хуриллади. Сўнг бурчакдаги офтобани олиб қўзғалди.

Эркак эшикнинг оҳиста ғижирлагани ва кампирнинг алланималар деганини тусмоллади. Бошини кўтариб қараб қўйди.

«Ухлолмаяпти, – ўйлади хотини. – Сўрасаммикан? – Чапга ағдарилиб юзига қаради. Қўзлари киртайиб, қовоқлари осилган. Чуқур-чуқур нафас олади. Лунжини тишлаб, бармоқларини қисирлатади. – Сочи сийраклашибди, йўғ-э, тепаси тўкилибди ҳам. Барибир, ёрилмайди. Энамга айтсаммикан, йў-ўқ, менга тиш ёрмаган, энам билан ҳасратлашармиди. Юраги ўйнаб кетмасин дейди, барибир, айтмайди. Ювошнинг юмшаши қийин, нима қилсам экан?!»

Узоқ-узоқларда ит ҳурди, ҳургандаям жаҳд билан вовиллади. Ёнига яна бир-иккитаси қўшилди. Лаҳзалар ўтган сайин итлар товуши узоқлашиб, зим-зиё тун қаърига сингиб кетди. Қибла томонда бозорга борадиган машина гургурлади. Чироқларидан таралган нур том бўғотини ялаб ўтди. Деворлар ёришди. Сўри остидаги мушукнинг

кўзлари яшил тусда товланиб, қорачиғи бирчизиқ бўлди, лабини ялаб эснади.

Хотини ҳамтўшагининг бўртиқ даҳанида, ниманидир пичирлаётган лабларида тушқунликни, мунгли бир тақдирни кўргандай бўлди. Рангининг суви қочган, юзини чанг босганга ўхшайди. Сесканди. «Астоғфурилло! – деди, сиртига чиқармади. – Тавба, тавба, тавба... Бўтанининг бетини тескари қилсин».

Қора чигиртка чўзиб-чўзиб чириллади.

– Ишингиз нима бўлди? – сўради аёл. – Терговингиз тугай деб қолдимиз?

Эркак индамади. Хотинига қия қаради.

– Бирор нима десангиз-чи одамнинг ичини пиширмай.

Эри ўрнидан қўзғалди, кўрпани оёғига ёпиб ўтирди.

– Бировдан бир тийин олмаганман, Худо кўриб турибди-ку!

– Ҳа, Худога аён кимлигингиз, лекин терговчи билан анов бетингни тескари қилгур билмайди-ку!

– Майли, унгаям боққан бало бордир...

– Шундай дейсиз-да, сиз, шундай дейсиз! – аёл жаврашга тушди. – Худодан бошқани билмайсиз.

– Куфр кетма... овозингни ўчир, энам уйғониб кетади.

Хотини тинчиди, ёнбош чўзилди.

Ой тераклар тепасидан эниб, том устига тушди. Эри кўрпани бўйнига қадар тортди. Ой шуъласига боқиб уч кун бурунги суҳбатни ёдга олди.

– Пўлатов Бакир Темирович, айбингизга иқрормисиз? Талмовсираманг!

Терговчи қаламнинг кетини столга тўқ-тўқ уриб, салмоқлаб давом этди. Шу қадар босим билан тикилдими, Бакир Пўлатовни тер босди, кафтларини эзгилаб, кўзини олиб қочди.

– Ҳеч кимдан пул олмадим, ака. Ҳали бугунгача бировдан бир сўм сўрашга тилим бормади.

– Тайсалламанг! Шикоятчи туяқумурсқадай ҳарф билан лўнда қилиб ёзган, – сўроқчи хашаки дўқ қилди, бир даста қоғозни боши баравар намойишкорона

кўтарди. Важоҳатидан Бакир Пўлатовнинг ичида титроқ турди.

– Айтдим-ку... – тутила-тутила оғиз жуфтлади, кўз олдидан болалари ўтди. – Келди. Ишим нима бўлди деди. Бошлиққа учрашинг дедим.

– Кейин «бешюмалоқ» бўлади деб шипшитгансиз, тўғрими? – терговчи танасининг ярмини столдан ошириб, бостириб келди. – Гапиринг! Тилингизга курмов тушдими?

– Кейин...

– Нима бало, мум чайнаяпсизми, ҳадеб бир гапни эзғилайсиз.

– Хонамда эдим, кириб ўтирди, ака, менга шу жойни олиб беринг, рози қиламан деди, – Бакир Пўлатов ўша кунги хотираларни титкилаб, воқеаларни жонлантиришга киришди. – Очиғи, столга мук тушиб ишлаётувдим, эътибор бермабман. Икки кун ўтиб яна сўроқлади.

– Бу сафар қаерда эдингизлар? – сўроқчи суҳбатдошининг гапини бўлиб, алланималарни ёзишга киришди.

– Ишхона ҳовлисида, тут тагида.

– Нимага?

– Чекишга чиқувдим.

– Хў-ўш, гапни нимадан бошлади!?

– Тўшпа-тўсиндан ўринбосарликка номзодимни киритинг, – деди.

– Иннанкейин-чи!?

– Бошлиқ биледи дедим.

– Аввал нимани айтувди?

– Ҳеч нимани.

– Боя: «Ишим нима бўлди деб келди», – дедингиз-ку!

– Менам шунга ҳайронман.

– Нимага ҳайронсиз, нимагадир келишгансизлар-да, шунинг учун бостириб келган.

– Бир куни қоғозга кўмилиб ўтирувдим. Бошлиқ келиб, шапалоқдек варақ узатди. Унда бўлим бошлиқлигига номзодлар бор экан. «Ҳужжатларини тахланг!» – деди чиқиб кетишди.

– Орасида шикоятчи бормиди?

– Ҳа.

– Нега бу лавозимга ўтирмади?

Девор ортидан хўрознинг патпатлаб қанот қоққани, сўнгра зўр бериб қичқиргани эшитилди. Мушук алланимани мўлжалга олиб, бўйинини чўзиб ҳовлидаги бедазорга урди. Йўнғичқапоя ораси илонизи бўлиб тебранди. Ой тобора пастлади, юлдузларнинг туси ўча бошлади. Қибладан яна шабада қимирлади. Эркак хира туман янглиғ оқимтир сомониўлига ўйсиз боқди. Туман орасида ғира-шира юлдузлар милтирайди. Айримларини илғаш қийин. Бирпас ўтиб миясини осмон чироқларининг сирли жилоси маҳв этди. «Юлдуз баланд! – дафъатан боши-кети йўқ фикрлар уйғона бошлади. – Ҳа, улар юксак, чексиз коинот болалари. Уларнинг ғам-ғалваси йўқ. Бола-чақа демайди, рўзғор кемтиги демайди. Улар озод! Ким билсин, умри ҳам абадийдир. Шунинг учун биз... юлдуз экан деймиз-да...» Шу кез симёғоч остидан бегона кучук ўчоқ-бошига қараб лўкиллаб юрди.

– Тур, кет!

Сўкчакдаги калишни отди. Ит ортига қайрилди, думини қисиб ғов томонга йўрғалади. Аёли уйқусираб бошини кўтарди. Човгумни олиб тандирхонага юрди...

Симёғоч чироғининг хира нурлари тушиб турган айвонда қайнона-келин нималарнидир пичирлаб чой ҳўп-лашади. Баъзан коса қилиб сўйилган тарвузнинг сувига нон ботириб ейишади.

Тағин ўй босди.

– Бўлимнинг янги раҳбари билан бошлиқларингиз орасида бирор нима сезганмисиз?

– Умуман ошқатиқлиги йўғийди.

– У номзодлигини билармиди, айтганмидингиз?

– Йўқ, ҳеч кимга оғиз очмаганман.

– Нега унда шикоятчига «бешюмалоқ бўлади» дегансиз? Дангалини гапиринг, ўзингизга яхши бўлади.

– Иккинчи мартасида хўжайиннинг олдига кирдим.

– Нима дедингиз?

– Тўра Қайтмасович, шу одам ўринбосарликни сўрапти, хатингизда ҳам борийди, нима қиламиз дедим. Телевизордан кўзини узмай: «Беш юмалоқ» бўлади, тай-ёрланаверсин», – деди.

– Чиқа солиб хабаркашлик қилгансиз, – терговчи қоғоз қоралаб давом этди. – Пайтида порахўр раҳбарни фош қилмайсизми?

– Йўғ-э, Тўра аканинг ундай қилиғи йўқ.

– Ичига кириб чиқмагансиз-ку.

Бакир Пўлатов жим қолди. Сўров эгасига маъносиз кўз ташлади.

Дераза пардаси оша сизиб кирган хира нур юзини янада қорайтирган. Аъзои бадани терчилаётган эди. Шинам хона, бурчакда компьютер столи, чапда бир туп қуманжир, ундан берида ҳужжатлар тахлами, компьютер экранида қизил-сариқ балиқлар у ёқдан бу ёққа бориб келади. Терговчи тебранма курсида бир ёнга босиброқ ўтирди-да, бошини лиқиллатди. Қоғозлар тахламидан хатжилд суғуриб олди. Бакир Пўлатов қунишиб, илҳақ тикилади. Боғични секин-секин, салмоқлаб ечди. Ичидан аллақандай варақни олиб, зўраки қовоқ уйиб, пичирлай бошлади:

– Қамалиб кетасиз, ака! – овози билинар-билинемас, пашша гўнғиллагандай хона бўйлаб сузади. – Етти йил беришади, балким, ундан ҳам кўпроқдир. Содда бўлманг, ака. Содда бўлманг!

Бакир Пўлатовни залвор босди, оёқ-қўллари қалт-қалт қилиб, бошига ари уя қургандай бўлди. Ҳеч нимани эслолмайди, тили калимага келмайди.

Аъзои баданидан тер қуйилаверди. «Нега бундай бўляпти? – дафъатан миясига шу фикр урди. – Қаерда хато қилдим?!» Сўроқчи бармоқларини лабига босиб, саҳифаларни бирма-бир ўтказди.

– Сизни бошқа тергамайман, – алланималарни ўқиш баробарида сўрай бошлади. – Тўра Қайтмасович билан янги ўринбосарнинг таниш-билишчилигидан хабарингиз борми?

– Улар яқин эмас эдиёв.  
– Шикоятчи Мисиров билан-чи?  
– У Тўра ака бизга келмасидан аввал ишларди.  
– Нима иш қилгансиз, ўзи?  
– Бўлимда бош мутахассисман.  
– Ҳей, бунчалик анқов бўлмасангиз! – сўров эгаси ил-  
кис овозини баландлатди, қўлини пахса қилди. – Бош му-  
тахассислигингиз маълум, улар орасида қандайдир алоқа  
бўлганми деб сўраяпман!

Гумондор елка қисди, ўйга чўмди.

Теварақда аелидан бўлак қора йўқлигини билиб ёта-  
верди.

– Ўринбой, ма, сув ич, – ичкаридан кампирнинг синиқ  
овози эшитилди. – Бослиқдингми? Йиғлама, берман ке,  
ўзимнинг қулунтойим.

Яна бирпас ётди. Оғил томонда оппоқ сут ипақдек эши-  
либ, челақка тизтизлаб урилди. Ҳаял ўтмай челақ ичи  
шўршўрлай бошлади. Тағин хаёл тортди.

– Ҳеч бало сезмаганман.

– Одам сал синчковроқ бўлиш керак, ака, – терговчи  
белгисиз томонга қараб сўзланди. – Худобехабар, лаллай-  
иб юрасизлар-да...

– Ростини гапиринг, кесилиб кетаманми?

– Бўлмасам-чи, ишни ёпишим керак.

– Жон ака! – Бакир Пўлатов ҳеч нарсани тушунмади,  
лекин қаршисидаги одамдан умид қилди. Умид қилган-  
даям қисматим шу кишининг илкида деб ишонди. – Их-  
тиёрим сизда экан, ёрдам беринг, учта қовурчини қотма-  
ган болам, пишиб турган энам бор...

– Менга қаранг, – терговчи паст оҳангда, дона-дона  
қилиб давом этди. – Сиз эътибор бермагансиз, жамики  
қилғилиқ атрофингизда бўлиб ўтган. Сиз эса... – бир-икки  
дақиқа сўзсиз туриб қолди. – Ҳаммани бирдай билгансиз,  
жиноятни ўзингизга қилдираётгандаям, буйруқни бажа-  
равергансиз, ўргилдим! Сиз, сизнинг жойингизни кўз-  
лашган, тушундингизми? Энди мен қандай ёрдам бера  
оламан?



Бакир Пўлатов анграйиб, лаб жуфтлагани мадори етмади. Тинкаси қуриб, оёғидан қувват тортилди. Тиззалари қалтираб, ичидан иссиқ ҳовур кўтарилди. Тили танглайига ёпишиб қолгандай эди. Базўр куч тўплаб сўради:

– Акажон, шу топда ҳақиқат нонданам азизроқ, тозалигимни исботлаб бера оласизми?

– Қўлимдан келмайди.

Кун пешинга оғди. Офтоб чийпарда оралаб, девор бўйлаб олақуроқ соя ҳосил қилди. Терговчи стол тагига энгашиб сувидишни олди. Қултқултлатиб пиёлани тўлатиб шеригига узатди. Шақирлатиб компьютерда аллақандай хат битди. Хатжилдни ёпа туриб Бакир Пўлатовга бир даста қоғоз берди-да, «ўқинг» дея имлади...

– Суд ҳал қилади! – деди хонадан чиқиш олдидан.

– Турмайсизми? – хотини тандирхона томонга ўтаётиб гап ташлади. – Тўшақларни йиғиб олай, энам турган.

Тонготар қирмизи тус олиб, баҳайбат тоғлар, бепоён далалар, муаззам боғлар ошиб Эрганаклига етиб келди. Улкан қари олманинг пушти ранг мевалари, гиж-гиж барглари шафақдан ялтиради. Йўнғичқапоя узра жимирлаб, шудринглар кумуш тусга кирди. Ўчоқбошидан ҳўл ўтиннинг ачимсиқ оқиш тутуни кўтарилди. Хотини сизир бошвоғини ўраб подага ҳайдади. Сўри теварагига сув сешиб, дастурхон ёзди. Онаси неварасининг сутига нон тўғради.

– Рўза кирмасдан отамга ош беришимиз керак, – оминдан аввал онасига юзланди. – Маъракасини эртароқ ўтказасаммикин...

– Бугун рўзанинг биринчи куни, ҳайит билан бирга бўлади-да энди, – онаси юзига фотиҳа тортди. – Йўл бўлсин, отланиб тургандайсан.

– Шаҳарга тушиб келай.

– Тинчликми, ишқилиб?

– Ҳа, бир-икки ташвишим борийди.

– Майли, – пичирлаб дуо ўқиди ичида. – Қасд қилганлар паст бўлсин, – овозини баландлатди. – Ҳамиша Худойим паноҳида сақласин.

Уй ичи қўзғалди: онаси бузоқни судраклаб бедазор гир-дига арқонлади. Ўғли оғил бурчагидаги эшагини етовга олди...

– Менга қара, эгнимга қалинроқ нарса бер, – уй биқинидаги дарчадан чиқа туриб тўхтади.

– Чиллада қалин кийимни нима қиласиз?

– Айтганимни қилсанг-чи! Мабодо бир-икки кунда қайтмасам, – узоқ-узоқларга қараб сўзланди. – Қорақишлоқдаги Бутунбой тоғамни айтиб отамнинг йилини ўтказинглар...

Хотини эсанкиради, бўғинлари бўшашди, ичида нимадир чирт узилгандай бўлди. Қовоғига ёш қалқди. Гапира олмади...

– Жўрттага айтдим, – кулимсираб аёлининг сочини сийпади. – Ҳамма гапимга ишонаверасанми?

Йўлга тушди.

Хотини шу кўйи сўзсиз туриб қолди.

Тупроғи билқиллаб ётган кўчада бир-бир қадам босади. Товонидан кўпчиган чанг селгиб туриб қолади. Елкасига ташлаб олган костюми онда-сонда оҳиста тебранади. Бошини эгиб, аёлининг хаёлида кичрайиб, етмиш яшар чолдай букчайиб олислайверди. Буримга етаверган сайин бамисоли қорага айланиб, саратоннинг ҳил-ҳил ҳовурига сингишиб кетди.

## II

Бир кунда Эрганақлининг осмонида ўнга яқин, балким, ундан ҳам кўпроқ самолёт кекса қарчиғай мисол пастлаб, бошга тегай-тегай деб парвоз қилади. Қўнаётиб ҳам, кўтарилаётиб ҳам шундай – ерга яқин, Эрганақли болаларига ёндош учади. Ҳали қисматнинг талху тақирини билмаган гўдак подачилар учоқ бўйлаб чопишади.

Чопаверишади.

Гоҳида говмишларини йўқотиб катталардан дакки эшитишади. Аммо темирлочинларни қувишдан чарчашмайди.

Чарчаш билишмайди.

Ёвшану янтоқзорлар оралаб, тиканак босган ковулзорлар оралаб югуришади.

– Ўринбой, чоп, анов самолёт сеники! – кунда куйиб, елка териси арчилиб кетган камшик болакай қичқиради.  
– Отам айтди, даданг самолётда келаркан. Югур!!!

Чилла жамики тирикликни товага солиб қовургандай қиздиради. Адирлар адоғидаги қишлоқ ўлик чиққан ҳовлидай тинчиб қолган. Фақатгина сервахм жарлар аро лойқа Булунғур эшилиб-буралиб оқади. Иштончан подабоқарлар император пингвинлари каби баҳайбат қоялардан қийқириб сувга ташлашади.

Ҳе-е узоқларга дам кўриниб, дам кўринмай сузиб бордилар...

## ТОМОША

### I

Ҳамалнинг беқарор илимлиқ куниди, ер уйғониб, бўшанг тупроқ ҳиди сузиб юрган паллада, шаҳар четидаги лағмонхоналардан бирининг олдида икки киши бир-бирига узоқ мулозамат қилади. Кун чошгоҳдан ўтган бўлса-да, бу ерда хўранда зоти кўринмайди, ҳалиги сермулозамат мижозларни ҳисобга олмаганда.

Бичими эски ҳовлини эслатадиган емакхона ўзига яраша: ўртада учта сўри, гирдо-гирдида кирланган беш-олтита стол. Ўнг томонда етти-саккизта хона тушган. Уларнинг ҳам турқи-таровати умумий манзарага мос, эшикларининг ранги униққан, девори олақуроқ; сувоғи кўчган. Бурчақда қоракуя қозон булжиллаб қайнайди. Чарсиллаётган намхуш ўтиндан ачимсиқ тутун кўтарилади. Семиз ва тепакал ошпаз ҳафсала билан шўрва шопиради. Манглайдаги тер томчилари шудрингдек ялтирайди. Орқа туйнукдан кирган шабада қайнатманинг иштаҳаочар ҳидини дарвоза томон олиб кетади. Қайновда эзилган қуйруқ таъми лутфни пешкаш қилаётган биродарларнинг димоғини ялаб ўтади.

– Шошма, Аҳад! Кўнгил куюкни кўтара олмай турганида учраб зап иш қилдинг. Мана бу Чувалачининг тилдан тушмайдиган лағмонхонаси бўлади, – сочиға оқ оралаган, қотма йигит ҳамроҳининг билагидан олди. – Анов тоға ярим қулоч хамир эшиб бўлгунича ичимни тўкиб олай. Чиқ, чапдаги сўри бизбопга ўхшайди. Тўхта, ҳалигининг тозасидан...

Оқ-сарик бўлали ҳамроҳи эргашиди. Улар енгил тин олиб жойлашдилар, қўл учиди фотиҳа тортилди.

– Ҳей ука! Бизга икки коса лағмон, бир чойнак чой, битта газак... – бир йўла остонадан мўралаган хизматчи-

га тайинлади. – Нимасини айтасан, ўша ишни бошламаганимда...

«Қанақа иш?» дегандай қош қоқади иккинчиси.

Гапни узоқдан бошлаётган шериги силтаб олади:

– Сабр қил, бир бошидан айтиб бераман!

## II

Дастурхон устига чойнак-пиёла билан битта шиша ва тузлама келди. Ҳафсала билан дастлабки қадаҳни бўшатишди. Ичи қизиб, бир қадар дадиллашган мезбон ҳикоясида давом этди:

– Хуллас, қишнинг қотқалоқли кунлари кетиб, омонатгина ижара уйимнинг лойшанг ҳовлиси пучмоқларида қурбақа қуриллади.

Тўрт йилдан бери ҳаловатга ташна одам қўклам кунлари оёқ узатиб, улфати чор билан юракнинг черини ёзгим келди. Шуларни хаёл қилиб бошлиққа ариза кўтариб кирдим.

– Нима гап? – хўжайин кўзойнагининг балдоғини тишлаб, кўзини лўқ қилди.

– Дам олсам девдим, – ердан кўз олмай гапиравердим. – Бир-иккита муаммоларим ҳам бор эди.

Шефнинг – идорамизда уни шундай аташ расм бўлган – кайфияти расо эдими, ишқилиб, бошқа тергамади. Қоғознинг чап бурчагига ўрисчалаб нималардир битди-да, жимжимадор имзо қўйди. Ҳадаҳалаб юристимизга кўтариб бордим.

Ҳа-я, ишхонамизнинг энг ичидаги ишлари унинг гарданига юкланган. Оғир юмушларни бўйнига олаверганига, тўғриси, ақлим етмайди.

– Сизга юборишди! – дедим азборойи енгиллашганимдан.

– Хорошо, – варақни олаётиб эшитилар-эшитилмас пичирлади. – Там сидите!

Изн теккан жойга чўкдим. Хатимга тушунмади, чоғи, ижикилаб қаради. Қаламдондан перонусха ручкани олиб ботириброқ тикилди. Сўнг билинар-билинемас, чумолизи мисол русча жумла битди.

Ҳисобхонага етгунимча иш вақти тугади.

Эртаси куни таътил пулини олишда хазиначи тихирлик қилди. Муросаи мадора қилиб кўнглини топдим: тенги бир ўрам сақич, битта шоколад ва қизил «Italiano» экан.

### III

– Тўхта, аввал ановидан қуй! – гап ичакдек чўзилишини сезган меҳмон тортиниброқ буйруқ берди. – Кейин сал қисқароқ қил.

Шиша бўғзи «қулт-қулт» қилиб товушлади, бармоқ учигаги пиёлалар чўқишди: тирингг-тиринггг!!!

Мезбон хийла эркинсиниб ёнбошлади:

– Шу десанг, сабзи сиғмаган жойга шолғомни зўрлама деганидай, меникиям мужмал иш-да...

Маҳрами кейин-чи дегандай бақрайиб тураверди.

– Хуллас, бир оқшом «Мен – режиссёр!» деган қўлбола сценарий ёзиб эдим. Эртаси куни бисотимни кўксимга босиб ишхонамиздаги яқинроқ акахоннинг олдига ўтдим.

– Қойил, тасанно! – шеригим ярим соатлар қоғозга кўз югуртирди. – Даҳшат талантинг бор экан, билдирмай юрган экансан. Писмиқ!

Қўлёзма бирпасда столма-стол бошлиқнинг қабулига етиб борди.

– Майли, – шеф маъқуллабди, мишмишларга қараганда. – «Проба»га бир-икки сюжетни экранлаштириб кўринглар-чи!

Ишонасанми, ўшанда чумчуқ мендан оғирроқ эди. Шаҳдим осмоннинг еттинчи қаватига кўтарилишга етарди. Баҳайбат идорамиз кўзимга деворларида офтоб акси ўйнайдиган Тож-Маҳалдай кўриниб кетди. Тўрт қаватли бино, кенг саҳли йўлаклар, фойедаги кашандаларнинг чекиш жойи, мрамар пиллапоялар, турли-туман асбобу аслаҳа билан таъминланган хонамиз мен биринчи куни ишга келганимдагидек сирли ва тароватли эди. Айниқса, иш столим қаршисидаги бўйим баравар кўзгу атрофига илиб қўйилган қора, қизил, сариқ, жигарранг... тусда-

ги ясама сочлар, ҳар хил идишдаги упу-эликлар, одамнинг турли-туман, тап-тақир қўлбола бошлари ичимдаги алағда севинчни пайқаб тургандек эди.

Икки кун ўтиб, юқоридан тасдиқ ишораси бўлдиёв, режиссёр етовидаги кино арконлари ҳаракатни бошлади.

Бир куни тасодифан:

– Муаллиф ким? – ўдағайлай бошлади хонага сузағон буқадек ҳезланиб кирган қориндор киши бир қўлини чўнтагидан олмай.

– Мен... – дедим, ҳамма менга бирваракайига кўз тиккач, нафасим бўғзимда қолиб.

– Ҳў-ўв бола! – шифтдан келди. – Сан нима... йўғ-э, қайси замонда яшавоссан!?

Анчайин ҳавосоти бор экан хомсемизнинг, тилим курмовга келмай қолди. Ўшандай важоҳатда устимга бостириб келди:

– Би-ир ўйлаб кўр, режиссёрни кино қилиб бўладими!?

Кўришиб турибди қанақа хаёл сураётганинг. Мен ҳам шуни ўйлаб ўтирувдим.

Аммо...

– Ўзгартир! Бошидан-охиригача... Маъқули, ўзинг ҳақингда ёз. Тўхта, сан, кимсан ўзи?

– Бу бола гримёримиз... – недир фалоқат юз беришини чамалаган муҳаррир тортинибгина ўрнимга жавоб берди. Титроқ босганиданми, жумла якуни танглайида қолди.

– Ҳа-а, ана! Сан, укам, гримчилар ҳақида ёз, тузукми!?

– у беписанд гапира туриб чап қўлини эгнимдан оширди.

Биласанми, ўшанда нималар ўтди кўкайимдан?

Ростдан ҳам, кимдир оталарча кўкрак тутиб турса, ийиб кетар экансан. Қизиг-эй, шу пайти сценарийимни қайта ишлаш йўсини бир лаҳзада ипга тизилган маржондай миямга урса бўладими.

Нима десанг дегину айтганидай қилдим, ҳатто ошириб ҳам ташладим. Куни бўйи турли-туман бетамиз қиёфалардан бинойидай чеҳра ясаётган одамга уни қоғозга тушириш чикора!

#### IV

– Қара! Сени ҳам унутаёзибман, – сўзловчи ҳафсала-си пир бўлгандай манглайини ишқалаб гапни бурмоқчи бўлади. – Қани, нонни синдир, чойнакни бер. Э-э, кети ўйиқ қопни тўлдириб бўлармиди, бошқа мавзудан ҳанго-малашайлик.

– Давом эт! – сархушлиги ошган ҳамсуҳбати қатъий турди. – Кейини қизиқтиряпти мени.

– Ҳа-ай, майли... – қорини шилдираб бораётганидан ошхона томонга овоз берди. – Ҳо-ой дўстим! Бизнинг ютум нима бўлди!?

Мезбон яна лаб жуфтлади:

– Кўкламнинг офтобёр кунлари ашқол-дашқоллари-мизни ортмоқлаб Учқора тоғларига жўнадик.

Бирам зўр саҳналарни олдикки, кўрганнинг ҳайра-ти ошади. Эшит, сенга ўша сюжетлардан бирини таъ-рифлаб бераман: бир томон баланд тоғ, қирлари ям-яшил майдонларга эниб кетган. Этакда гугуртқутидай шинам ҳовлилар. Тераклар парбулутларга бўй чўзиб, шовуллаб турибди. Оқтўш чўққилардан югуруклаб келаётган ариқ-нинг йилтир-йилтир мавжлари кумушдай товланади. Қо-рамтир жар лабларига тирмашган ажриқлар шокиласи сув юзига тегаман-тегаман дейди. Қияликдаги қўнғир-бошлар шабадада бел букиб тебранади. Ҳў-ўв пастдаги далалар алвон тусда, қирмизи туркман гиламини эсла-тади. Ҳа-я, ўша қип-қизил қизғалдоқзорнинг қуймичидан бир норғул йигит ўйноқлаган тўриқ отини қамчилаб ўтса бўладими.

– Ол! – деди режиссёр тасвирчиларга хашаки дўқ қи-либ. – Ҳар хил ракурсдан олинглар, «перебивка»га керак бўлади!

Тўда шошиб қолди: камера оёғини кўтариб чопган ким, кранга чиққан ким, рельсни жойлаштирган ким, хуллас, отлиқ барчамизни саросимага солди. Ҳаво бирам зўр-э, тўлқинланиб кетасан. Осмоннинг қайсидир бур-чида уйғонган эпкин чарчоқни ялаб ўтади, елкадан на-фас олгандай бўласан. Ора-сира тоғ чечакларининг ди-



моғёраар ифори уфуради. Кўпчиган тупроқнинг намиққан ҳидини айтмайсанми, ҳадсиз кенгликларга сингиб, шамоллар билан рақс тушгинг, баланд қоядан қорақушдай салт ташлаб учгинг келади... Ўпкани тўлдириб келаётган ҳаво қизилўнгачни тарс ёргудай отилиб чиқади. Бор-э дея пичанзорда шаталоқ отиб чопишни, ўмбалоқ ошиб думалашни ўйлаб қоласан...

Ҳар ким ўзи билан бўлиб турганида режиссёримиз зўраки сиёсат қилди:

– Сизлар анов муюлишда иккинчи линияни олинглар, – у асосий қаҳрамон ижрочиси – Сурайёнинг эгнидан олиб, беллашиб, этак томонга юрди. – Биз Сурайёхоним билан кейинги номерга репетиция қиламиз.

Улар кетдилар.

Олис-олисларга, ангарнинг қуймичига, овлоқ жойларга...

Бирам алам қилди.

Сўзловчи жимиб қолди.

## V

– Оббо сен-э! – меҳмон гап ўрони келганлигини фаҳмлаб қочирим қилди. – Кўнгил кетганми дейман?

Униси илкис ўнгланиб олгандай, бир туюр нонни чаккига белаб лунжига солди:

– Э-ҳа, шу жойига ҳам қуйилсин: ол, соғлик-омонлик бўлсин!

Тириг-тиригггг!

Қулт-қулт-қулт...

## VI

Кун пешинга қиялаб, қўналғада келиб-кетарлар сийраклашди.

Баъзи қўноқлар икки биродар суҳбатидан айрим парчаларни олиб қайтмоқда эди. Бақалоқ ошпаз гоҳида уларга қия қараб қўяди. Хизматчи пайдар-пай газак ташиш асносида ҳикоянинг қизгин сюжетларини миясига қуйиб олади. Бир-бирига ботириброқ гап қотса, бошқалар кўз

қирини ташлайди. Сузилиб, ғилжайган мезбон тўқис ёзғирди. Учинчи шиша яримлаганида ичидагини тўқди:

– Тўғри айтасан, жўра! Ким қўйибди менга кино ёзишни... лекин упа-элик суриш билан эртага ишониб бўлмайди-ку! Айтганингдай, ёзишга нўноқдирман... аммо устимдан таҳрир этиб обод қилдим... Майли... ақалли қаламғақи бермади-я номардлар! Муаллифликдан олиб ташлаганида тилимни тишлаб турибман мен – аҳмоқ! Индамасам, дадилроқ ёзишар деб... Сен барибир чин гапирдинг!

Чоғир бўшаштирганиданми, меҳмон кўнгилсўрарга ўтди:

– Қўй, ошна! Ҳаммаси вақтинчалик, соч битганидан бери нималар ўтмаган бу бошдан. Яхшиси, анов хонимча – акт-рисангдан гапир. У ёқ-бу ёқларга айлантирдингми, ўзи?

– Э-э, тилга олма шуни, кўчаникидан бўлак нарсамас...

Жумла якуни оғзида қолди. Айвонда тамадди қилаётган симён<sup>9</sup> йигитларнинг бири қовоқ солиб суҳбатисозлар қаршисида пайдо бўлди:

– Кечирасиз, ака, шундоқ, ташқарида гаплашиб олсак бўладими?

– Нима эди? – қотма йигит майнинг зўрида дадил туриб монелик қилди. – Мен шу ерда ўтириб гаплашаман. Муаммо борми?

Тундлашаётган шериги хилватроққа уннаб кўрди. Бўлмади... Арақ ақлидан олган ошнолар томирларида қон гупуриб, очиқ ташланишди. Теваракдагилар орага кирди. Анчагина қий-чув бўлиб, қўналганинг тинчи бузилди. Ошхона хўжаси минг хил мулозамат қилиб муро-сага уринди. Бир гуруҳ холироқда жанжалнинг охири-ни кута бошладилар. Сархуш маҳрамлар тобора ғазабга миниб, жиззакиликка ўтди. Бу пайтда шериги кимгадир сим қоқиб, тилларанг телефони қулоғи атрофида ўйнаб, тушунуксиз қулгу аралаш кимгадир тушунтирмоқда эди:

---

<sup>9</sup> Симён – ўта жиддий, очилиб гаплашмайдиган, ичидаги сиртига чиқмайдиган киши.

– Билмасам, режиссёрми, гримёрми, дирижёрми, шунақа, бир киночиман дейди қачондан бери. Оғзидан боди кириб, шоди чиқади. Тағин қалам ҳақи бермади деб ёзғирадими-ей! Яна бировларнинг тупша-тузук хотини, кўзга кўринган артисткани бўҳтон қилади...

Лағмонхона саҳни ари уясидек ғўнғир-ғўнғирга тўлиб кетди...

– Сен эркакмассан! – жаҳд билан ўқирди бири қўллари қайриб ҳайдаб кетаётганида. – Ўғил бола бўлсанг бирга бир чиқ эди, хотинчалиш!

– Манжалақи Сурайёнг кимларнинг тўшагидан чиққанлигини биламан, ҳезалак! – иккинчиси дарвозада ғазабини сочди.

Олатасирда гарангсиб қолган хизматчи: «Ҳой, пулини тўлаб кетинглар!» – дейишга чоғланди. Бироқ...

Четланиб олган лағмонхона хўжаси билагидан тутиб кўзини қисди.

## VII

Ҳамалнинг этни жимирлатадиган муздай ва сокин тунида митти юлдузлар милт-милт қилаётган паллада хўрандалар бамайлихотир қадаҳ тўқиштираётган биродарларга зимдан қараб қўядилар. Юзи табассумга ўрнаиб қолган иш бошқарувчи тиржайиб, латифанамо қиссалар айтиб, оёғи чаққон меҳтардай хизматга шай туради:

– Ўтибор қилманг, акалар! Бунақа томошачилар кўп, индаманг, томошаси бошига етади буларнинг.

Эҳтимол, ортиқча лутф меҳмонлардан бирига ўтирмади, илкис ўқрайди. Латифачи тишининг оқини кўрсатиб, чойнакни олди-да, пусиб кетди.

Кеч қайтган сотармонлар ҳеч нарсадан беҳабар чақчақлашиб, кунлик даромадни бўлишмоққа киришадилар.

Ҳали ҳовуридан тушмаган ошналарни ортмоқлаган улов шаҳарнинг неон чироқлари чарақлаб ётган кенг кўчасида ўқдай учиб боради.

## МАЖЛИСБОШИ

*Овлоқ жойда тўнгиз тепага чиқади.*

Халқ мақоли

### I

Қиш. Кечагина қиличини қайраб турган аёз негадир ортга чекиниб, қайларгадир ғойиб бўлди-ю, анчадан буён қирчиллаган совуқда ҳурпайиб юрган одамларга илиқ ва намхуш ҳаво хуш келди. Чанғи етаклаган болакайлар ва қорбўрон ўйнаётган ёшу қари учун бир лаҳзалик тухфага ўхшарди бу. Осмонда ўрқач-ўрқач бўлиб жануб томон оқаётган булутлар ва уларнинг ўйноқи рақси ақлни олади. Киши шошқалоқ қишдан завқ туяди. Энг пастлаб учаётган паға-паға булутларнинг муздай тафти бизнинг улкан ва ҳашамдор деразамизни ҳам ялаб ўтар, ойналарда юпқа нам изи қолар эди.

Аммо ичкаридагилар бунга асло эътибор беришмайди. Илло, қизиғи ҳам йўқ...

Бинонинг учинчи қаватидаги муҳташам мажлислар зали. Сариқ тусли ҳарир пардалар ортидан эринибгина мўралаётган офтоб кўринади. Сўлғин ва безовта одамлар кимнидир кутади. Чилланинг ўртаси бўлса-да, ҳавонинг тасодифан исиши, мунтазам ёғаётган қорнинг тўхташи ҳам йиғилганларнинг кайфиятини кўтара олмади. Ташқаридаги нимжўш ва сокин рутубат уларнинг ҳам руҳиятига синггандек эди.

Бироқ олд қатордаги бўлим бошлиқлари бир-бирлари билан бош тўқиштириб пичирлашади, баъзилари чуқур «уф» тартади, лунжлари шишиб, ранглари бўғриқади. Чамаси, гуруҳ шоир Ботир Баҳодирнинг тақдирини муҳокама қилмоқда. Голиб Жобировичга жамоа номидан илтимоснома киритиш юзасида баҳслашмоқда.

Дарвоқе, булар таниқли, тажрибали ва муғомбир раҳбарлар. Масалан, олдинги ўриндиқдаги Абдураҳмон Абдиберди. Устоз мақоми бор. Узоқ йиллар амалда бўлганлиги учун шундай рутба олган. Қора костюм-шим, қизил бўйинбоғли Тоҳир Толмас. Кўркам савлати ва жамғарган мол-дунёсини ҳурмат белгиси деб ўйлайди. Калтабўй, миқти ва говбош Каттабой Қултош. Бемисл лаганбардорлиги боисми ёки кўринганга «-ич», «-вич» қўшиб мурожаат қилаверганиданми, Катта Улканович номини олган. Хўрмуз Қарнобий барчага аён: безовталанишига қараганда, катта раҳбардан олисроқ бўлишни мўлжаллапти. Нимагадир у кўздан йироқ юришга уринади. Балким, бу унинг қувлигидир!?

Ўша кунги воқеа ҳамманинг оғзида.

Ҳар ҳолда, шоир унча-мунчанинг қаҳрига учрамади. Кимсан Фолиб Жобировичга тик қаради-я! Ким билади, ўша пайт қаери билан ўйлади экан? Балонинг ўқиға кўндаланг чиқиб бўладими? Бир ҳамлада йўқ қилади, ахир!

Мана, унинг касрига яна бир дилсиёҳлик бўладигандек. Афтидан, кўпчилик ана шундай хаёлда.

## II

Воқеа бундай бўлган эди.

Кейинги пайтларда идорада тез-тез мажлис ўтказиладиган бўлди. Мажлисбоши Фолиб Жобирович соатлаб маъруза ўқишни касб қилди. Чошгоҳдаги одатий машваратлар пешингача чўзилиб, ҳатто иш куни шу билан яқунланар эди. Бора-бора бундай йиғинлар мафкуравий эҳтиёж деб баҳоланди-ю, Фолиб Жобирович маънавият, маърифат, касб одобидан дарс бера бошлади. Ўша сабоқларнинг сўнггисиде тиксўзлиги билан тилга тушган Ботир Баҳодир Фолиб Жобировичга:

– Майлими савол берсам? – деди.

Даврадагилар ҳайратланди. Ҳамма унинг оғзини пойлади. Икки йиллик фаолиятида оти ҳуркмаган Фолиб Жобирович сўроқ эгасига «кутиб турунг» ишорасини қилиб, жамоатга юзланди:

– Адабиётимизда маънавият сўзини ким биринчи марта ишлатган?

Залнинг турли жойларида қўллар ҳаволади. Бошлиқ интиқларга эътибор қилмай, тирноқ кавлаб ўтирган Шойимқул Шодиевни турғазди. Каловланган ходим иккила-ниброқ гап бошлади:

– Ҳм, маънавият, асли, арабча... Ҳа-ҳа, шундай! Бу арабий ибора. Бизда ишлатилиши бадавийлар истилосидан кейинги манбалар билан боғлиқ. Яъни VII – IX асрларда яратилган тарихий асарларни ўқиб бунга амин бўламиз. Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китобида кўплаб арабча каломни кўрганман...

Ғолиб Жобирович сўзини узди:

– Нега гапни айлантисиз, менга аниқ жавоб керак, қисқа ва лўнда қилинг!

Шойимқул Шодиевнинг жумласи бўғзида қолди.

Жобирович тагин бир-иккитани тинглади. Важоҳатидан залга жимлик чўкди. Сукунатни ғалаба билди, чоғи, ияк кериб ваъзга киришди:

– Аттанг-аттанг, ўқимай қўйгансизлар! Агар китоб кўрганларингизда тўғри жавоб айтган бўлардингиз. Очиғини ўзим айтиб қўя қолай. Ўзбек адабиётида илк бор маънавият сўзини Жалолоддин Румий қўллаган. Бу далил ҳазратнинг «Ичимдаги ичимда» китобида бор!

– Ий-ий, – Нортожи Ҳамроқул кулгудан базўр тийлиб, кафти билан оғзини бекитди ва атрофга ола қараб олди. – Румий ҳазратлари куллиёти форсийда эмасми?!

Таъкидини биров эшитмади ҳисоб. Бурчакда парда по-пугини ўйнаб ўтирган Садриддин Соли нимтабассум билан Нортожи Ҳамроқулга қош учирди.

– Ҳурматли ходимлар! – воизнинг нутқи иродга кишти келдиёв, ҳеч бир истиҳоласиз давом этди. – Шу китобни ўқиб чиқишингизни тавсия қиламан, ичи ғиж-ғиж маъно. Умуман олганда, сизлар адабиётдан узоқ! Бу асарга тишингиз ботмайди. Демак, замонавий асарларни, дейлик, Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтган кунлар» романини мутоалаа қилинг. Мен!.. Яқиндаям икки марта ўқидим!

Нортожи Ҳамроқулнинг кўзлари бақрайиб, дами ичига тушди. Садриддин Соли ҳайрат эгасига билинар-билимас қўл силкиди. Қошларини кериб, бош чайқади.

Ғолиб Жобирович жамики билимларини намойиш қилди. Қатнашчилар тобора ҳорғинлашиб, ҳашаматли иморат ичида аллақандай ланжлик пайдо бўлди. Хонани безаб турган нақшинкор қандиллар йиғилганлар кўзига шифтга ёпишган улкан мўр-малаҳдек кўринарди. Тик туриб чарчаган Ботир Баҳодир мажлис бошқарувчининг сўзини кесди:

– Ғолиб ака, шу топда қайсидир адибнинг ажойиб ҳикояси эсимга тушди. Рухсат берсангиз, мазмунини айтиб берсам!

Аҳли мажлис бир қалқди. Негаки бу вақтни чўзиб юбориши аниқ-да. Шундоғам эрталаб нонушта қилмаганларнинг чеҳрасидан суви қочиб бораётир. Зал Ботир Баҳодирни кузатаётганлигини, сўз бермаса, обрўсига доғ чапланишини англаб изн берди.

– Ҳикоя мазмуни мана бундай.

Эмишки, бундан юз йилларча бурун, курраи заминда қирғинбарот авж олиб, бировлар самолёт ясаб, фан сирларини инкишоф этаётганида тошкентлик сернуфуз қори-домлалар тарёк уриб, масжидга қайси оёқ билан кирмоқ тўғрилиги хусусида узун қиш кечалари баҳслашиб чиққанмиш.

Шоир нуқтадон ровийлардек оҳиста ва равон сўзлар эдики, ҳар жумласи майин тарона мисол сузарди.

Қизиқ, кўпчиликнинг қиёфасида саросима зоҳир бўла бошлади. Кончилик техникумини битириб, бир амаллаб котиблиқдан иш бошлаган, кейинги йилларда мансаб пиллапояларидан жадал кўтарилиб, пичоғи мой устига чиққан Нурлибой Ўрлибоев бошини беркитгани жой топа олмасди. Назарида, уни юзлаб одамлар таъқиб қилаётган эди. Ботир Баҳодирнинг алмисоқи ҳикоясидан фижинар, оҳори тўкилмаган италянча туфлисининг ҳеч кимникига ўхшамайдиган тугмачаларидан кўз узмас, шу аснода

Ғолиб Жобирович билан нигоҳлари тўқнашиб кетишидан чўчиб, бир нуқтага тикилиш учун дераза тирқишини топганидан мамнун кўринарди. Дафъатан тизгинсиз хаёллари «саволни савол билан даф этиш» тўхтамига келди-ю, ҳеч кимда йўқ тилларанг тугмачаларга маҳлиё бўлиб қолди.

Шоир сўзи тугади. Кўпчилик сесканди. Тор доирадаги мажлисни ўйлайвериб қон босими ўйноқлаётганлар анчагина эди. Салқиган қобоқлардан бемалол сезса бўларди буни.

Зал сув қуйгандек жимжит. Фақатгина ҳаво пуркагичнинг парда тутқичини ўйнатаётгандаги пириллаган товуши эшитилади. Ғолиб Жобирович пишиб етилаётган анор туси янглиғ юзини бир муддат микрофонга бурди. Қисилиб бораётган кўзларини Ботир Баҳодирга қадади.

– Сизда ноёб таклифлар бор экан, барчасини ёзма тарзда қабулимга олиб кириңг! – қатъий гапирди. – Келаси мажлисларда ёнимда ўтирасиз, ходимлар билан биргаликда муҳокама қиламиз.

Ботир Баҳодир миқ этмади.

Мажлисбоши ҳикояни обдан мақтади. Аҳли машварат замонга муносиб бўлишини, шунда ташкилотимиз юксак мавқега кўтарилишини, бунинг учун кўп ўқиш зарурлигини таъкидлади. Ҳа-я, шоирнинг жўмардлиги, дангалчи ва довюраклигини оғринмасдан кўкка кўтарди. Кетар чоғи бир-икки мулоҳазасини ўртага ташлаб, келгусида шулар ҳақида сўз боришини эълон қилди.

Табийки, тайёргарлик кўрилиши шарт.

### III

Бу гал ҳавонинг исиши ҳам, ҳаво пуркагичнинг илиқ эпкини ҳам қатнашчиларнинг, айниқса, майда бошлиқларнинг кўнглига ҳарорат олиб кирмади. Бойси, ҳеч қандай ҳодиса содир бўлмади-да. Нохуш жимжитлик!

Бир чеккада кушхонага келган қўчқордай Ботир Баҳодир ҳадиксираб ўтиради. Тақдири хусусида баҳслашаёт-



ган тўда бир тўхтамга келгани йўқ. Чорак соатдан сўнг алоҳида эшиклар очилиб, Ғолиб Жобировичнинг музлаган айронтўрвага ўхшаш қиёфаси кўринди. Қобоқларига қиров қўнган, гапларида хотиржамлик бор эди.

Ажабланарлиси, бу сафар ҳеч қандай воқеани хотирламади. Маънавият ва касб одобини эсламади ҳам. Гапни ташкилотнинг эртанги режаларидан бошлади. Тахлам-тахлам қоғоздан бир-икки сатр ўқиди-да, иштирокчиларга юзланди:

– Келгусида муассасамиз олдида турган улкан режаларни амалга ошириш учун нималар қилишимиз керак?

Ҳаял ўтмасдан назарга илиниш истагидаги ташаббуслар оқими вужудга келиб, йиғилганларнинг савол-жавобидан майдон ари уясига ўхшаб қолди. Бунда ким ялов олади-ю, ким назарга тушади? Англаш қийин эди.

Мен эса тизгинсиз ўйлар гирдобида эдим. Дераза ортидаги қорамтил увада булутлар вужудимни босаётганга ўхшарди. Қиш ҳовуридан сесканиб ёпиб қўйилган ойналар хонадаги бўғиқ ва қўланса ҳиднинг ташқарига чиқишига йўл қўймасди. Нафасимни қисаётган ҳаводан халос бўлишни ўйлайвериб мажлис тугаганини англамабман.

Пастга энган пиллапоялар димиққан ва сабрсиз ходимлар билан тўлиб кетди. Кутилмаганда бино фойесидаги пештахта атрофи гавжумлашди. Одамлар туртиниб-суртиниб ошиқарди унга. Қирқ дақиқалардан кейин навбат менга келди. Битиктахтадаги ёзувларга назар солдим. Шапалоқдек қоғозга мана бу сўзлар ёзилган эди:

БУЙРУҚ: №105

*Хизмат вазифасига маъсулиятсизлиги учун ташкилотнинг етакчи мутахассиси Бўриев Ботир Баҳодирович эгаллаб турган лавозимидан четлатилсин.*

АСОС:

*Компаниянинг ходимлар бўлиmidан тушган шикоятлар.*

Анча вақт ўтирганимдан, шекилли, суякларим увушиб ташқарига чиқдим. Қуёш чарақлаётганлигига қарамай, сузиб юрган муздай эпкин этимни жунжиқтириб юборди.

Узоқда, кўп қаватли уйлар биқинидаги кенг кўчада бир киши хаёлчан кетиб борарди. Онда-сонда орқасига бурилиб қўяр, сўнг яна жадал юрарди.

У шу кетишда ҳайбатли қояларни эслатадиган осмонўпар иморатлар орасида ғойиб бўлди.

Менимча, у Ботир Баҳодир эди...

## КАЛТАБАҚАЙ

Эрталаб.

– Ассалому айлайкум!!! Қизил галстуги тўшалиб тургич акам отдайми?.. Сўрамаса сўрамайсизлар-эй, майдароқ бўлсаям эслаб юргич укам бор деб...

Қиш адоғидаги намхуш ва рутубатли манзараларга разм солаётган Қайнарбой Шайдуллаевич овозига зўраки кўтаринкилик берди. Йўл-йўлакай ойна билан сирланган столдаги қаҳвани чайқатиб олди. Жигарранг тебранма курсига чўкиб, компьютер тугмасини босди. Иш столидаги хат-хужжатларни бир қўлда тартибга келтирган бўлиб кўз югуртирди. Кийиккўкрак актрисанинг сурати акс этган мониторга суқланиб қараб қўйди. Ора-сира: «Бўлди-бўлди... Буюринг-буюринг!» – дея хитоб қилиб қаҳва хўплади. Шу орада котиба қия очиқ эшикдан мўралайди. Кейин қизнинг ноз ва таҳдид аралаш овози эшитилди:

– Эттим-у, Қайнар акамла бандла. Телефонда гаплаш-воттила!

Қабулхонадан ингичка ва таннозона дўқ сузиб кирганида товушини баландлатди:

– Хўп, ака! Бир оғиз буйруғингиз... Албатта, албатта... Сизлар чизиб берингизлар, биздай укаларингиз бир қадамам четга чиқмайди... Шундай-шундай...

Қўл телефонини қулоғи атрофида ўйнаб атай хона этагига юрди.

– Э-э, ака, ундай кунлари хизматни бегона қилманг! Содиқ иниларингизни рўйхатнинг бошига қўйинг. Қа-миш билан бел бувиб борамиз!

Хайр-хўшдан сўнг томоғини қирди:

– Шаҳзода-а!

Қандайдир топшириқномани титкилаётиб оёқ учида турган котибасига тўпиғидан назар солди. Бетма-бет бўл-

гач диркиллаган қиз уялганнамо нигоҳини олиб қочди. Кенг саҳнли момиқ курси ичига чўкиб кетган хўжайин ёш боладай кўринди. «Вуй, оёғи полга тегмаскан!» – дея ҳайратланди-ю, қизнинг юзига туйқус табассум югурди.

– Кулгичларингизга борман-да! – идишни узатаётиб эркалатмоқчидай учирма қилди.

Янаям очилган гап эгаси дурдай тишларини намойиш этди:

– Сўраменг, танишларимми ҳамалиги этишади.

– Ким келган экан? – тирсагига суяниб кўкрак керди.

– Жаа обориб-обкелаётувдингиз!

– Қанақадир танишизми, ҳалитдан бери киргизвор деб хиралик қивотти.

– Отини айтдимми?

– Норқозо-оми, Жонқозо-оми, шунақа.

Қайнар Бошбеков қошини уйди: Норқозоқ ёки Жонқозоқ деганини излади. Тополмади.

– Қайнаб турган аччиқ кўк чойга Ургутнинг зирасидан бир чимдим солиб, сал совутиб опкелинг. Боягини ўн яримда киргизворинг.

Ёлғиз қолгач компьютер ўйинига киришди. Аксига олиб, тошларнинг ранги мос келавермади: қизил-оқ, қизил-пушти, қизил-кўк...

– Э-э, онангди...

Янгитдан очди. Яна омадсизлик: сариқ-кўк, сариқ-малла, сариқ-напармон... Жиғибийрон бўлиб лунжини шиширди:

– Абдусамаров деганлари уста бўп кетибди-да! Лаби шалвираб, ҳар кирганимда ютиб ўтирган бўлади.

Тағин уринди: пуштига пушти, келаётгани ҳам шундай, яна пуштилари... Телефон қаттиқ жиринглади. Чўчиб кетди. Илкис узалиб гўшакни олди:

– Оббо, буниси эмас экан!

Унисини кўтарди:

– Қайнар Шайдуллаевич! – мурожаат хириллаб эшитилди. – У кунги лойиҳага номзодлар масаласида...

Зарда қилди:

– Бердим-ку... биттасига Гулмурод Тўқсонбоев, яна бирига Тиркашбой Тешаев!

Ўйин вақти тугаб бораётир. Бир қўли имкон қадар очко тўплайпти, иккинчиси телефон гўшагида:

– Хўп, майли, ёзиб олдингизми?!

Оромкурсининг лабига илиниб, иштиёқ билан соққа йиға бошлади. Эшик оҳиста таққиллади:

– Қайнар око-ов, анув танишийиз...

– Кўрмаяпсизми, иш билан бандман! – астойдил жаҳланди. – Тушдан кейин хабар олсин. Яна нима гап?

– Нашриётдан сингнальный романлар келганкан...

– Ўша жойга қўйиб кетаверинг.

Соққаларнинг уясини алмаштирди. Бўлмади:

– Э-э, башарангга... палакат-мегажин!

Ўйинни буткул ёпди. Кўнглига яқин ашула қўйиб, оромкурси суянчиғига эркин ташлади. Оёқларини чалиштириб чайқалди. Хонани таронанинг авжи тутди:

*Умримиз!*

*Умримиз алдоқ жаҳонда,*

*Алданиб ўтгай, валеқ*

*Сўнги қийналгон ёмондур.*

*Сўнги қийналгон ёмон!*

*Сўнги қийналгон ёмондур.*

*Сўнги қийналгон ёмон!*

Оҳанг тебранмасига монанд курси гардишини чертиб, бошини селкилатди. Кўзларини юмиб хиргойи қилди. Азбаройи тўлқинланганидан қайта-қайта тинглади. Енгил тортиб, мажлислар столидаги яшил китобни олди:

– Ёмонмас! – қошларини керди кишибилмас писанда билан. – Ширғай муқова, қоғозиям зўр.

Қўл телефони паст овозда чўзиб-чўзиб садо берди. Кисасини ковлди, атрофни қаради:

– Хаёлни қара, торгмада эди-я. Э-э-э, Ҳошим Ҳобилович! Кунботардан қуёш чиқяпти, чоғи, – суҳбат баробарида луғатнинг қийматини чамалади. – Калла-почага дейсизми? – ўсмоқчилади. – Шуям овқат бўлдимми?! Мундай бир одам ейдиган нарсани айтсангиз-чи.

– ...

– Бўлди-бўлди. Буримда тулинг, олиб ўтаман.

Уч юз қирқ еттинчи бетга синчков зеҳн солди: *Бақай – одам ва жонлиқларнинг билак суяги. Мисол: Бақайи калта одам кичкина бўлади.*

– Ўҳ-ҳў! Қаттиқ тимирскиланади булар! – ботинан тан берди. – Топганини қаранг! Қойил лекин...

Даҳлизда котибаси учради:

– Қайнар оков, ҳалиги, мукофотка кимлани ёзий?

– Гулмурад акангиз билан Тиркашбой Тешаевни.

– Ҳа-я, ипотечный кредит масаласида банкдан хат келувди.

Остонадан бурилди. Бурчакдаги кўзгуда бўйинбоғини тўғрилаган бўлиб сўзланди:

– Олинг-чи менга.

Шалдираган қоғозни бир сидра ўқиб чиқди.

– Ёш келин-куёвларга етти фоиз, ўн беш йилгача экан. Ажойиб! – сўровномани бераётиб ўйлади ичида. – Бир йилга битта одам сўрабди-да муғомбирлар.

Кетиш олдидан амирона буйруқ берди:

– Бунга Гулмурад Тўқсонбоевни чақириб ариза ёздинг! Сўраганларга мажлисга кетди денг!

Пешин пайти.

– Энди-и, иниларим, гап бундай! – зирали кўкчайдан ҳўплар экан, салобат билан ияк керди. – Бу ер катта ташкилот, сал нотўғри оёқ боссак «учиб» кетамиз. Эҳтиёт-шарт, тилга маҳкам бўлинг. Ҳар кимни яқин олманг. Аёллардан битта-яrimi қош қоқса, эргашиб кетаверманг. Амалга соя тушади...

Чумчуқнинг полапонларидек термилган маҳрамлари ёндафтарига нимларнидир илдириб боради.

Ичкари эшигига «Директор Қ.Ш.Хурсандбоев» ёзуви битилган даҳлизда қотмадан келган, қиррабурун киши жиққа ҳўл қуёнтери телпагини сийпалаб ўтиради. Қўлтиғидаги зичлаб китоб-қоғоз тиқилган эски папкаси мешни эслатади. Димиқ ҳароратдан аввалига кафтлари, сўнг елкаси терлаб, ёмғирдан намиққан кийими беҳузур қил-

ди. Костюмининг тугмаларини ечиб терчилаётган бўйнини артди. «Бир офиз суҳбатингни олиш қамоқхонага кириб-чиқишдан ҳам азоб-ку, – ўйлайди у. – Худо пешонангга муяссар кўрган экан, омадингни берсин, Қайнар жўра!»

Икки соатдирки эшик тамбаланган. Чақирув қўнғироғи жириглаганида котибаси пардоз-андоздан узилиб хабар олади.

– Эсингизда бўлсин! – қўлларини қорнига қўйди. – Ишонимли одамлар керак, команда бўлишимиз шарт. Ким қандай фикрдалигини етказинг. Ҳушёрлик зарур! Ҳа-я, сиз, Гулмуроджон, қўл остингиздаги Валишер Андақулов, Жамилбой Йўлдошев, Нурбек Холлиевни кузатинг. Ишида қусур сезсангиз дарҳол менга рапорт киритинг. Тиркашбой, сизда Назирбек Эшонбоев, Рўзимат Гулимматов дегичлари бор, – тобора товушини пасайтирди. – Буларни авлиё кадр бўлсаям қуритиш керак. Эртага жойларингга рахна солади. Одамзодга ишонманг, ҳар бир қадамни ҳужжатлаштириб ўрганинг.

Зулфак оҳиста шиқирлади. Учовлон бирваракай қаради.

– Кечири-инг, Қайнар оков, апят анув танишийиз, – котибаси лабларини чўччайтириб эркаланди. – Қўйми-ёптила.

– Жа-а галчами дейман, мажлис қиляпти демадингизми?! – бурнини жийирди. – Ўн минутда йигитлар чиқади.

Амалкурсидан тушиб, шкаф тортмасидаги сақичдан тилининг тагига ташлади:

– Мукофотга фамилияларингни бердим, билишимча, бир лойиҳа бўйича келаси ой чет элга ҳам кетасизлар. Зўрми!?

Бўлим бошлиқлари қўлини кўксига босиб, тик туриб ташаккур айтишди.

– Ипотека кредитига ариза ёздингизми? – Гулмурод Тўқсонбоевга юзланди.

– Катта раҳмат, отам қилолмаган ишни қилдингиз! – қисiq кўзли, ўртабўй шогирди суйиб кетди шу топда.

– Тўйларингизда қайтарай, ака. Нима хизмат бўлса, буюринг!

– Келаси йили сизга олиб бераман, – таъкидлади Тиркашбой Тешаевга. – Қани, ишга киришинглар.

Мардумлари эгила-эгила ташқарилади.

– Э-э, келинг-келинг, Жонузоқ дўстим! – чиқувчилар билан изма-из кирган қиррабурун кишига пешвоз чиқди. – Анов тошқанлик ойимтилла Норқозоми, Жонқозоми деса, роса ўйлабман ким экан деб.

Бироз кулишди.

Қишлоқдан, учрашмаган сўнгги ўн йилликдан аҳволлашди.

– Очиғи, жўра, олдингга иш сўраб келдим, – шериги гапнинг индаллосига ўтди.

– Нега кетдингиз у жойдан? – чармкурсига жойлашар экан, тергов оҳангида тубчиклади.

– Бошлиқ билан чиқишмай қолдик.

– Нега?

– Айтгулиги йўқ, бир майда масаланинг устида.

– Кодекс билан олдимми?

– А, йўғ-э!

– Нима учун бўшатади унда?

– Арзимас дедим-ку.

– Нима эди, менам хабардор бўлишим керак! – тенгқури бош эгиб турганлигидан ҳаволанди. – Юқорининг талаби бу!

– Қўйсанг-чи, жўра. Болаликдан биласан-ку мени.

– Бу бошқа масала.

– Терговчи бўп кет-э!

– Менга қаранг! – тасодифан ўшқириб ҳамроҳининг устига келди. – Агар Александр Сергеевич Пушкин тирилик келсам, сўт-сўровдан ўтказиб оламан. Уқтингизми!

– Ўргилдим сенга ўхшаган каттадан! – ўдағайлаши синфдошининг ҳамиятига тегди. – Болалигингда калтабақай нарса эдинг, раҳбар деб ўйлаган мен – аҳмоқ! Ишинг бошингдан қолсин!

Ошнаси шаҳд билан туриб кетди.



– Нима дединг? – ич-ичидан таҳқир туйгач қалтировиқ босди. – Юравер домлалигингни қили-иб, косанг оқарармикан, чувринди! Шаҳзода-а! – ранги оқариб лаблари учди. – Бояги китоблар қани?

Шашт билан «бақай»ни излади. Бармоқлари қалтираб... ярим соат овора бўлди: *Мана ўша қишлоқи сўз!*

Беихтиёр тирсакларини ушлаб кўрди, ўлчади ҳам: калта!

Ҳовури босилмади.

Перонусха ручкада ёза кетди: *«Рисола таҳрирталаб. Айрим атамалар асосланмаган. Масалан, «бақай» сўзи этимологик изоҳга муҳтож. Шуларни ҳисобга олиб, яъни қайта таҳрирдан сўнг чоп этиш мақсадга мувофиқ».*

Қор аралаш ёмғир тиниб, қош қорайганида ҳам аламидан тушмаган эди...

## ТАРСАКИ

Бола ўчоқбошида эди.

Тарёк уриб ўтирган чоллар орасидан отасининг бўғиқ ва заҳил овози эшитилди. Қуюқ тутун қоплаган ўн бир балор тарафга икки бўлак новвот, бир тугунчак парварда олиб жўнади.

– Чой! – деди отаси. – Кўкчой дамла, аччиқ бўлсин!!!

Таъкидни ундан бўлак ҳеч ким эшитмасди. Меҳмонлар турли алпозда: қийшайиб, тебраниб, чайқалиб, мук тушиб, мудраб ўтирарди. Отаси пиёлани бўйнидан баланд кўтариб, боши эгик қотиб қолган эди гўё.

– Ҳозир, – деди парвардани дастурхонга сочаётиб.

– Нима дединг!?

Аччиқ шапалоқ боланинг чап юзини қизартирди. Сўнг қизиди.

Қишнинг суяктешар ва замҳарир аёзи нам тепган қабоқларини симиллатди.

У ҳеч қачон тарсаки еб кўрмаганди.

– Гапнинг фаҳмига етмайдиган бефаросат! – уй эгаси бир бўлак новвотни тилининг тагига ташлаб, чўлпилла-тиб шима бошлади.

– «Хўй»нинг отаси ўлибмиди, аҳ, гўдаккина!? – қотма бобой қўлини пешонасига тираб, кўзлари сузилиб чўкиб кетаверди.

Иссиқ ва димиқ ҳовурнинг зўридан дераза ойналари терчилай бошлади.

## ҲАККАНИНГ ЎЛИГИ

Ҷишнинг бироз юмшаган, қорли куни. Фалак бўм-бўш. Далаи дашт чилланинг осмонидай ҳувиллаган. Ҳаммаёқ опшоқ: қирлар этаги, яйдоқ ангарлар, суви тўхтаган канал...

Олисларга тикилган овчининг кўзи қамашди.

Ит искаланиб санғиб кетди.

Стволни тўғирлаб изидан мўлжал олди ва ўйлади: «Қўйиндининг этагидаги тиқинда, кечаги совуқда пана излаган...»

Кимсасиз ва бепоён майдонда қумоқ қор жимир-жимир товланаётган паллада ёлғиз у пусиб ётади. Зерикканидан чўккалаб олди. Носқовоғини тўқ-тўқ этиб тиззасига урди. Орқадан оёқ товушининг шитир-шитири келди.

– Қандай топдинг мени? – бурилиб, куртик кечиб яқинлаётган йигитни жеркиди. – Нима қиласан ҳакканинги ўлигини?

– Тоға, ҳеч қурса, битта уриб бермасангиз бўлмайди! – ялинганнамо сўради. – Шеф қўймаяпти. Донасига эллик мингдан бераман, иккита керак.

– Очиғини айт, тўртта отиб бераман.

– Гуллаб қўмайсизми? – иккковидан бўлак қора кўринмаса-да, қулоғига шивирлади.

«Синаяпсанми», – дегандай изтехзоли кулди овчи.

– Олашақшақнинг эти қарғишни олармиш! – қияламада бир ёнга ёнбошлаб чўзилди. – Хўжайин ҳар йили қишда учта-тўрттасини қозонга босиб...

Мерган илкис туриб, париллаб кўтарилган қирғовулларни чўглади: Бангг!!! Бангг!!!

Макиёни қаноти шалвираб пастлади. Қора ит ўқдай учиб кетди. Милтиғини қўлтиқлаб йўртий бошлаганида ёнма-ён бораётган йигит илтимосга ўтди:

– Тоға, бир жуфт ҳаккани азиз қилманг энди!

Йўл-йўлакай шеригининг чўнтагига бир даста пул тиқди. Қуш қулаган жойга етди. Ит ис олиб у ёқдан бу ёққа бориб келарди. Бироқ...

– Сен, касофати, билан овим бароридан келмаяпти!

Йигит серрайиб тураверди. Тағин ўқ овози бангиллади.

– Харомтомоқ бошлиғинга айтиб қўй! – қўшоғизини елкалаб тўқайзорга энаётганида қичқирди. – Ҳаккани пишириб егани билан...

Қари тол остидаги кимса парво қилмас, қонга беланган қушларни халтасига тиқиш билан овора эди.

Овчининг овози тобора узоқлаб борарди...

## ТАЗАРУУ

– Гап буйракда эмас! – лабига сигарета қистириб олган шериги долоннинг нариги бошига юрди. – Яхшилаб кўриқдан ўтказиш керак эди.

Тевага кўтарилган қуюқ тутун елвизак таъсирида у томон сузиб кела бошлади. Димоғи ачишиб, тамакининг ўткир ва қўланса ҳидини ҳис қилди. Чап қўлини халатининг чўнтагига тикди. Болғадай бўртиб турган мушти аллақандай нарсани қаттиқ сиқиб олган эди.

Эшик олдидаги навбатчи истеҳзоли қарагандай бўлди.

– Билганга ўхшайди, – ўйлади ичида. – Қулоғи билан юради булар!

Хонага қайтиб кирди. Тўшакдаги йигит базўр нафас олар, ора-сира хирилларди. Қовжираган лаблари, сўниқ кўзлари, суви қочган туси нафас олаётган мурдани эслатди. Сесканди.

– Одам ҳам шунчалик озғин бўладими?! – ўзига ўзи шивирлади. – Ушламга эти йўқ, тавба қилдим!

Назарида, хаста эшитаётгандек эди. Ортига бурилди. Пичирлади:

– Йўқ, уйғонмаган. Ҳалиям наркози тарқамаган.

Деразани қия очиб, раҳига суянди. Анестезиологнинг гапларини эслади:

– Эхинококк билан оғригани аниқ. Билмасдан ёргансан. Нима бўлса бўлди. Сўровчилари сезмасидан миси чиқмайдиган қил!

Чувалган ўйлар гирдобода қолди.

Беморнинг юрак уриши сусайди. Қуруқшаган уртида тупук ҳосил бўлди. Бурун катаклари кенгайди. Ҳамшира босимини ўлчаб, қувватни тикловчи укол қилди. «Орқага кетяпти!» – демоқчидай қаради. У эса юлдузларга термилиб, ич-ичидан айбдорлик ҳиссини туйди. Аммо... Сир

бой бермади. Илкис ўқрайиб: «Нимани ҳам билардинг!» – дегандай тикилди. Қиз чиқиб кетди.

Темир чойнак тугмасини босди: аччиқ қаҳва ичгиси келди. Каравот оҳиста ғижирлади. Бемор ғайришуурий ҳаракат қилди: бошини қимирлатди, қўлларини кўтарди, гавдаси беўхшов чайқалди. Оёқларини эркин ҳаволатиб, туйқус ташлаб юборди.

Ожизлигини сизди.

– Астағфурилло, астағфурилло! Э Худо, Ўзинг мушкулени осон қил, бунақа пул топгандан ахлат еган маъқул! – изтироб аралаш калима қайтарди. – Ла илаҳа иллоллоҳ...

Хонадаги ўкинч ва надомат руҳи бутун шифохонани забт этгандек эди. Ўнлаб жарроҳликда иштирок этган табиб кимгадир тушунтирарди:

– Операция яхши ўтди-ку, яшашига умид йўғов! Худонинг қудрати-да, акажон...

## АКАМГА МАКТУБ

Ишдан кетганимга юз кун кун бўлибди.

Бир ой аввал янги ижара уйга кўчдик. Буниси анча арзон. Ёнимизда сайдамқўлликлар сомса ёпаркан, кечалари хамирини муштлаб беряпман. Ҳарна, бир-икки сўм – қармоққа ёрмоқ деганидай... Сомсачи қўшнилар оққўнгил чиқди, у-бу сўрасак, йўқ демайди. Келинингизниям идишювгич қилиб ишга олди. Кунига томиб турса яхши экан, пича ўнгланиб олдик.

У кунги гапларингизни ўйлаб кўрдим. Тўғри айтибсиз, сабр қилсам, дурустроқ иш чиқадиганга ўхшайди. Айтганингиздай, тушгача идорама-идора айланиб, пешиндан сўнг «Қийқим» бозорида ҳаммоллик қиляпман. Жўраларим бир ташкилотдагилар менга қизиқишаётганлигини айтишди... Худо хоҳласа, ҳал бўлганда хабар бераман (элдан бурун ноғора қоқмай деб батафсил ёзмадим). Ҳа-я, бўзлик пиёзчилардан бўрсиқмой олувдим, белангининг давоси эмиш! Нам тушмаси жўнатвораман, дадам қиздириб белига сурсин. Келинингиз арзон-гаровга ўрис хотинлардан тивит рўмол сотиб олган. Шуниям юбораман, ойимга қиш кунлари керак бўлади. Тўрабой билан янгамга алоҳида совғам бор, ўзим олиб бораман...

Ёзаверса, гап кўп. Шунинг учун қисқароқ қилдим. Наврўзда қишлоққа ўтсам, бафуржа гурунглашамиз. Айтмоқчи, неварангизни сўраган экансиз. Зирахол анча улғайган, кундан-кун ақли тиниқлашяпти. Тили бийрон, мастонлигини айтмайсизми. Кечадан бери ишга отлансам, остонада:

– Дада, оматингизди бейсин! – дегич бўлган.

Менимча, энди ишим юришади.

Ҳар ҳолда, ёш боланинг тиши бутун...

# МАНГУ ҚЎШИҚ

(Очерк)

*Тоғлар –  
нортауялар абадий чўккан,  
қуриган йилларни чайнаб, кавшаниб.*

Шавкат Раҳмон

## I

Этаги қулоч етмас қирлар...

Сал илгарироқда нилий осмонга тўш бериб, асрлар сукунатини шимиб қари тоғ ястаниб ётади.

Айни кез биз таърифини келтирмоқчи бўлган Ғўбдин адирлари баҳорги кўкбахмал чопонини кийиб, шимолдан эсаётган Илонўтди шамолининг ўзанини Қуйи За-рафшонга буриб, кўклам офтобининг илиқ ва нимжўш нурларида тобланиб умр кечиради. Қуруқсой, Ингичкасой, Хожакабудсой, Катта Қорақасмоқсой, Бодбодсой каби сойлар қоялар қўйинини қитиқлаб, шағирлаган чўққиларидаги қор қатламларидан эн олиб, пастдаги ёйилмалар сари қиш уйқусидан уйғонган танбал айиқ сингари чайқалиб-чайқалиб оқиб келади. Пат булутлар қўноқлаган зангори фалакда кўклам билан тийрамоҳда бир-бир кўриниб қоладиган турналар занжири ҳалқа-ҳалқа бўлиб айланади. Тешиктош беткайида қўй ёйиб юрган, қовурчини қотган болакай қадоқ қўлларини соябон қилиб, кўкдаги озод қушларнинг сирли рақсини ҳайратланиб кузатади. Арпалисойнинг куншувоқ қиялигида жунининг увадаси чиқаёзган – қишки пўстинини энди ташлаётган қари тулки лўкиллаб кетиб боради. Унинг устида тулки билан майна ўйнамоқчи бўлган икки қарға пастлаб-пастлаб, гоҳида уни чўқилаб ўтмоқчидай салт ташлаб учади...



Алқисса, пастқам адирлардан бошланадиган Ғўбдинтоғда янги бир кўклам нафаси кезади!

Ғўбдинтоғ – кўп кекса тоғ. Олимларнинг ёзишича, у палеозой даврини кўрган. Мозийнинг сирли ва мавҳум қаъридан унинг минг йиллар ортида мудраб ётган шонли кечмишини инкишоф этувчи турли обидалар, оламшумул топилдиқлар чиқиши мумкин! Тоғ теварагидаги бугун одам оёғи узилган Саройхона, Ғиштлитепа, Хонимқўрғон, Қоровултепа каби сайхонлик ва бўз ерларда учрайдиган уюм-уюм пишган ғишт парчалари, сопол синиқлари, дўшпайиб турган тепаликларда гўё ўтмишнинг сўзга сиғмас суқунати кезади...

## II

Мавриди келганда мозий қатламларида хира тортган, баайни тарихтопар – археологлар заҳмати билан ойдинлаштирилаётган Ғўбдинтоғқа тегишли узук-юлуқ даракларга бир қур қулоқ тутайлик.

Буларнинг энг қадимийси ва, албатта, биз билганимиз қадимшунос А.Сагдуллаев қаламига мансуб Искандар Мақдунийнинг (Александр Македонский) Кирополис шаҳрига юриши тасвиридир. Муаррих ажнабий фотиҳнинг истилолари йўналишини мана бундай ифодалайди: «Искандар Марақанда – Самарқандни эгаллаб, Кирополис шаҳрига қараб йўл олди. Ҳарбий юришлар ҳозирги Сангзор, Жиззах орқали Ўратепагача давом этган».

Демак, Искандар қўшинлари Кирополисга Марақандадан чиқиб, Зарафшон дарёсининг юқори оқими бўйлаб, Бахмал тоғининг гирди билан юради. Гап шундаки, Зарафшон дарёсининг кечуви ўтмишда унинг юқори оқими (ҳозирги Ургут, Тайлоқ туманлари ҳудудлари)да бўлган. Дарёнинг пастки қисмида кечиб ўтадиган кенгликдаги саёз оқим йўқ; Чўпонота тепаликлари, тор сайхонликлар мавжуд.

Аҳамиятлиси, муаррих айтганидек, ҳарбий ҳаракат «ҳозирги Сангзор ва Жиззах орқали» давом этган. Бун-

дан Искандар қўшинлари Ғўбдинтоғ ва Бахмал тоғи оралиғидаги маҳаллий аҳоли билан жанг қилиб, Моргузар ва Нурота тизмалари «учрашадиган» Илонўтди дараси – «Темур дарвозаси»дан ўтиб, Жиззах ва Ўратепага чиқиб кетган деб тахмин қилишимиз мумкин.

Абу Тоҳирхожанинг «Самария» асаридан эса қуйидаги битикларни ўқиймиз: «Бу вилоятнинг (Самарқанд – А.С.) шимол томонидаги тоғ Худдин аталади, (шу муносабат билан ким) ислом дини тарқалаётганда бу тоғ эли ўз майллари билан мусулмон бўлганлар. Тотор кофирлари жанжалида (1220 – 1222 йиллар) ушбу тоғ теварагига қўрғон солиб улар билан урушганлар. Шунинг учун Суғуди калон ва бу тоғ теварагидаги ерлар ушрий бўлган, яъни мусулмон хонлари бу ерларнинг унумидан ўндан бир улуш солиқ олганлар. Бу тоғларда булоқлар, кўнгилочар жойлар ва роҳат орттирадиган ўринлар кўпдир. Иксир деган бир гиёҳ ҳам бу тоғларда бор».

Муаррих маълумотлари араблар босқини ва мўғуллар истилоси даврига доирлиги ўқувчига аён. Демак, VII – VIII асрларда ва ундан илгари ҳам Ғўбдинтоғ теварагида аҳоли муқим яшайдиган қишлоқлар бўлган. Йиллар, баҳорги қушлардек у ёқдан-бу ёққа учиб ўтавергани сингари, силкиниб-силкиниб ўтиб кетгану Ғўбдинтоғ теварагидаги сарой ва работлар ўрни Саройхона, Фиштлитепа, Хонимқўрғон номи билан вақт шамолининг беаёв исканжасида нурайверган.

Болалигимда бу жойларга беш-олти магизак бола қўй ҳайдаб келардигу дўшпайган тепаликлар ичра «Яшинмачоқ», «Тақ-тақ» деган ўйинларимизга шўнғиб кетардик. «Тақ-тақ» учун дўнгликларни тешиб чуқурча ковлардик. Ўшанда от узангиси, сувлиғи, яна бир-иккита чириган ханжарми ёки қилич синиғиними топганмиз. Хуллас, ўша кезлари бу жойлар бизга ўтмиш тилсими яширин афсонавий макон бўлиб кўринарди. Кейинчалик рўй берган ҳодиса сабабини эса ҳали-ҳамон тушунолмаيمان. Тоғ этагидаги қишлоқлар газлаштирилаётганида маҳаллий аҳоли Саройхона ва Фиштлитепанинг кўҳна қатламлари-

ни очиб, (минг йиллик!) гиштларини газпечнинг ичига териб юборганди...

Тоғнинг шимолида ҳам ана шундай осори атиқалар се-роб. Ҳамкасб укам Алишер Равшановнинг ҳикоя қилиши-ча, уч-тўрт йил бурун Ғаллаоролнинг Хитоюзи қишлоғи-даги эски мозорлардан бирида IX асрга тегишли иккита қабртош топилган. Оромий алифбода дарж этилган би-тикларни ўқиган олимлар қабртошларнинг биринчиси 810 йили, иккинчиси 812 йили маҳаллий аслзодалар сағанасига қўйилган деб маълумот берган.

### III

Шу ўринда бу азамат тоғнинг жуғрофий ўрнини ҳам таърифлаб ўтсак.

Тошкент – Самарқанд катта автоўлининг Самарқанд вилояти ҳудудига (Жиззахнинг Ғаллаорол тумани че-гараси) кираверишда, ўнг қўлда даштга туташ пастқам адирлар бошланади. Улов Самарқандга яқинлашаверга-ни сайин қора-қура қирлар катталашиб, тоғ тусини ола-ди. Жомбой туманига етгач, йўловчининг кўз ўнгида (ўнг томонда) кунчиқарга тумшуқ тираб чўккалаётган улкан нортауя янглиғ қорамтил тоғ пайдо бўлади.

Бу минг йиллар шамолини шимиб келаётган Ғўб-динтоғ!

Гирдо-гирдини Самарқанднинг Булунғур, Жомбой, Пойариқ, Жиззахнинг Ғаллаорол туманлари ўраб тура-ди. Табиати ва иқлими турфа хил.

Шарқи бошқа томонларига нисбатан қуруқ ва серша-мол. Бу Илоўтдидан эсадиган елвагезакнинг таъсири бўлса керак. Бу ерда қишин-ёзин муттасил шамол эсиб ту-ришига ҳам сабаб шу. Шарқий кенгликларидан Жомбой тумани сарҳадларига қадар Тумшуқ, Эшмонтўб, Шувоқ-ли, Мирзабулоқ, Қўнғирот, Ингичка, Бодбод, Бешқўтон каби бир нечта қишлоқ тизилиб кетган.

Элимизнинг иқтисодий қувватига эн бўлиб келаётган баракали Маржонбулоқ олтин кони ҳам тоғнинг шарқий тумшуғида.

Яна кунчиқар томони денгиз сатҳидан 856 метр баландликда. Оқарсув танқислиги шундан. Ангарлари лалмикор. Боғдорчилик ва бошқа экин-тикин қудуқ суви билан суғорилади. Тоғ ариқлари дашт бўғзига тўлалигича етиб келмайди.

Ғарбининг об-ҳавоси бироз ўзгача. Иқлими юмшоқ, шамоли сийрак. Қуймичидаги адирларнинг асосий қисми сувли. Тоғ ёнбағри бўйлаб Булунғур канали, Мирзаариқ анҳори, сал пастроқдан Зарафшон дарёсидан сув оладиган майда ариқлар оқиб ўтади. Жануби-ғарбида муҳаддислар султони Имом Бухорийнинг хоки ётибди. Кўп минг йиллик Кўктепа ёдгорлиги ҳам тоғнинг ғарб ёнбағрига яқин.

Шимоли шарқий қисмига ўхшайди. Иқлими нисбатан қуруқ ва сершамол. Тоғ зиги билан Кешкобуд, Оболим, Чақа, Ғўбдин, Хитоюзи, Солин, Туёқли, Дувл, Нақрач қишлоқлари тизмаси жойлашган. Ундан сал шимолроқда – Зармитан тилла кони йўлига чиқишда Гулчамбар, Шўрча, Жума, Чўмичли каби қишлоқларни кесиб Қорасув сойи оқади. Сой Пойариққача боради.

Ғўбдиннинг жануби ҳам сувот. Зарафшондан сув оладиган Туятортар каналининг бир нечта тармоғи тоғнинг жанубий қияликлари теграсини обод қилиб ўтади. Ҳарорати шарқига қараганда хийла юмшоқ. Ери файзли. Деҳқончилик ва боғдорчиликка қулай.

Гоҳи-гоҳида Ғўбдинтоғнинг кунчиқарида ғалати тен-так шамол туриб қолади. Бунини Бекобод ёки афғон шамолига қиёслаб бўлмайди. Аввали шуки, бу тўполон ҳар тўрт фаслда, киши хаёлига келмаган пайтда уйғониб кетаверади. Шунинг дастидан Тошкент – Самарқанд катта автойўлидаги «юқори нуқта»да қиш кезлари кўзни очирмайдиган изғирин ва отни кўмгудай ургунлар ҳосил бўлади. Бунақа бўронларни умри йўлда ўтгувчи ҳайдовчилар жуда яхши билишади. У Қашқадарёдан бўладими, Хоразмданми ёки сўлим Фарғонанинг хушҳаво гўшалариданми, бу йўлларда кўп юрган бўлса, албатта, бетийиқ табиатнинг зарбаларидан татиб кўрган... Шунинг учун-

ми, тоғнинг ҳайвонот дунёси, ўсимликлари анча сербардош турлардан. Масалан, ёввойи жониворлардан бўри, силовсин, чиябўри, тулки, жайра, бўрсиқларга кўзингиз тушса, йиртқич қушлардан бургут, қирғий, лочин, укки, қарчиғай, нозиктаъб хилларидан каклик, тувалоқ, қорабовурдоқ, беданаларни учратиб қоласиз. Баҳор кезлари дашт осмонида ҳар қаноти икки қулоч келадиган тасқаралар ҳам сузиб қолади. Уларнинг асосий емаги адирлардаги чакалакзорларни ўйиб яшайдиган тўқишоёқ товушқонлардир.

Ғўбдинтоғ пичанзорларида қўнғирбош, қўзиқулоқ, қизилмия, бўзтикан, ширач, туяқорин, елкасар, янтоқ, тактак, ёввойи беда, оқуврай, сигирқуйруқ, шувоқ ва ковракка ўхшаш сувсизликка чидамли ўт-ўлан бисёр. Қўклам кезлари уларнинг сирли жилоси, ўткинчи лаҳзаларни безаб турувчи гулу ғунчалари ҳар қандай метин кишини-да антиктириб юборади.

Тоғ ичкараси бўйлаб кийикўт, андиз, равоч, бодом, писта, тоғолча, тоғжийда, ёввойи олма, дўлана, қатрон, ёнғоқ, жингил сингари халқ қадрлайдиган, қадим табобатнинг томири ва минг дарднинг давоси деб биладиган ноёб ўсимликлар бор.

#### IV

Ҳар жойнинг ўз ажойиботлари бўлганидек, Ғўбдинтоғда ҳам бошқа ҳудудларда учрамайдиган ғаройиб манзилу маконлар бисёр. Шулардан бири Жийдалисой чўққисидаги Тошқозондир. Унинг мўъжизаси шуки, чўққи тик қоялардан иборат бўлиб, энг юқори қисми бамисоли бульдозер билан сурилгандек, ҳудуди кичикроқ футбол майдони каби келади. Ери теп-текис. Ноқолиб турган тошни учратмайсиз. Ўртада сув устида чайқалаётган нилуфаргул сингари Тошқозон (қозон шаклидаги, ичи ўйиқ ёмби тош ичида жойлашган чашма) омонатгина турганга ўхшайди. Баландлиги ўртача одам бўйининг ярмича. Умумий саҳни 3 метр квадрат атрофида. Қозон тубидаги учта булоғи қишин-ёзин биқирлаб қайнаб ётади. Бу ер ёввойи

йилқиларнинг сувлайдиган манзили. Бошқа жониворларнинг сув ичишга бўйи етмайди (албатта, сигир, ҳўкиз каби уй ҳайвонларининг тик қояга чиқиши амри маҳол). Ҳайратланарлиси, отлар қанча сув ичмасин, чашма қуриб қолмайди. Шунингдек, суви тошиб, қозон лабидан оқиб тушмайди; доимо бир зайлда – қозон саҳни бўйлаб килкиллаб туради.

Яна бир мўъжизакор осори атиқа Қуруқсой дарасидаги Каттасув ариғи лабида жойлашган қиялама тошларда акс этган от изларидир. Даранинг шимоли-шарқидан оқиб тушган, баайни ердан «ўсиб чиққан» улкан тош қоянинг Каттасув гирдига ёндош қисмида бешта от туёғи изи «муҳрланган». Ҳар бир туёқ ўрни алоҳида-алоҳида ва аниқ, шунингдек, ҳаракатланаётган йилқининг изларига ўхшаш – жуфт-жуфт ҳолатда бир-бирига ёндош жойлашган. Фақат охиргисининг (сувга яқинроғи) жуфти йўқ. Излар япасқи тош устида яққол кўринади; дастлабки жуфтлик бошқаларига нисбатан ботиқ ва чуқурроқ. Кейингисининг ўрни саёзроқ ва туёқларнинг думалоқлиги ҳам «бузилган». Охиргиси, яъни жуфтсиз туёқ изи хийла хира тортиб қолган. Кимдир буни бир пайтлар чўпон-чўлиқ зерикканидан чеккан деса, кимдир халифа Алининг афсонавий тулпориники дейди.

Айтишларича, XX асрнинг бошларига қадар тоғнинг серқоя сойларидан бирида ичига 20 – 30 отлиқ сиғадиган ғор бўлган. Раҳматли амаким Усан бобонинг гапига кўра, ўтган аср бошидаги ур-йиқитлар пайти қишлоқ одамлари хотин-халажини шу ерда яширган. Лекин кейинги замонлардаги табиий ўпирилишлар натижасидами ғор оғзи бекилиб (ҳозир ўрнини аниқлаб бўлмай) қолган.

Шу ерликларнинг наздида, бу ажиб ўлка ва унинг кўкайи бўлмиш Ғўбдинтоғ асрлар силсиласи, мангулик изи, боқийлик қўшиғи бўлиб келаётир...

## V

Олисдан – қуёш нури илк бор нишаблайдиган Ойқорнинг серваҳм чўққиларидан яна бобо қуёш бош кўтариб

келади. Зум ўтмай унинг нурлари Бахмал тоғига юзма-юз турган Ғўбдинтоғ адирларининг кўпчиб ётган баҳорги шудгорларига сингиб, саҳро сароби янглиғ тўлқин-тўлқин буғ кўтаради. Илонўтдидан эсаётган шабада қияламаларда шиғил бўлиб ўсаётган шувоқларнинг тебранишларини қиблага буриб, денгиз тўлқинлари каби мавж ҳосил қилиб ўтади. Тулки билан қарғаларнинг томошасини кузатиб турган болакайнинг димоғига тобланаётган ланж тупроқ билан шувоқнинг димоқёра омихта ҳиди урилади. Болакай еру кўкка сиғмаётган қулун сингари шаталоқ отиб Арпалисойнинг Қоратош чўққисига қараб югуради. У нима учун чопаётганини билмайди.

Айни лаҳзада у қалбининг туб-тубини қитиқлаб ўтаётган сирли ҳислардан маст. Бу ҳар кимнинг кўнгили қатида ҳар баҳор такрорланиб турадиган ва киши идрок этиши, кўнгили очиб бировга айта олиши мушкул бўлган туйғу!

У ҳансираб чўққининг ярмигача кўтарилади. Шаҳдига териси торлик қилаётган ўспирин бундан-да баланд манзилларни забт этишни хоҳлайди. Бироқ унинг шу тобдаги қудрати чўққининг белигача етади, холос! У қўтир қоянинг улкан харсангига чиқиб қалбини жунбишга келтирган сирли туйғуларни қўшиқча кўчиради. Олисдаги қишлоқларга, бепоён кенгликларга, рўпарасидаги тоғ ўрқачларига қараб ўзи идрок этмаган ҳолда куйлай бошлайди:

Сен агар буғдойбошоқ бўлсанг, сомонингман, ВАТАН,  
То абад бошинг омон бўлсин, товонингман, ВАТАН!

## БИР КУН ҲАМ УМР, МИНГ КУН ҲАМ...

(Очерк)

Агар Тошкент – Самарқанд катта автойўли билан қўҳна шаҳар сари юрсангиз, вилоятнинг «дарвозаси» – «Юқори нуқта» постидан ўтишингиз аниқ. Ушбу қўналга жойлашган ернинг баъзиларга маълум, кўпчиликка ноаён ўзига яраша сиру синоати бор. Бу маскан денгиз сатҳидан 856 метр баландликда жойлашган. Табиати ҳам бошқа манзилларникидан фарқ қилади. Қишин-ёзин тинмайдиган шамолга шу жойда дуч келасиз. Чўлга ўхшамайдиган, лекин сувни соғинтирадиган дашт дегани ҳам шу юрт. Бу тупроқда деҳқончилик қилаётган одамни учратсангиз не ўйларга борардингиз? Ваз устига, у олис-олислардан сув тортиб келиб, боғ-роғ яратаётган бўлса...

Булунғурлик уста деҳқон, бир этак боланинг отаси Илҳом ака Султонқулов ана шундайлардан. Бу одам даштни кўкаламзорга, лалми тўқайзорларни сувот дала-ларга айлантирган десам, ишонмасиз. Рост, қуруқ гапнинг ҳазми қийин. «Сўзнинг ози, амалнинг сози маъқул» деганларидек, деҳқон бобонинг номаи аъмоли, ўтмишию бугуни ҳақида ёзсак.

### Гириди йўқ одам

Икки мингинчи йил, кузак боши эди. Дадам қишлоғимиздан етти-саккиз чақирим этакдаги янги томорқамизга жўхори эккан. Оиламизнинг қўли калталиқ қилиб, экиндан хабар оладиган валламат топилмайди. Айни шу кезлар ўқишдан йиқилиб борган мен – ғирт бекорчихўжани уйдагилар жўхори қоровуллигига жўнатишди. Илҳом акани дастлаб ўшанда учратганман.



Сумбула. Сувлар тиниб, далалардан одам оёғи узилиб қолган; бийдай кенгликда онда-сонда бир-икки чўпон-чўлиқ билан ҳосили кечиккан деҳқондан бўлак инсон қораси кўринмайди. Шахмат тахтаси каби қора-қура ангарларда кузга қолган жўхориюя, картошкаюя, ловияюялар кўзга ташланади. Қимдир кўзини ишқалаганча чайласи биқинидаги қўрага ўтин қалаб, чўғ пуфлаш билан овора. Қимдир чакмониға ўралиб, тийрамоҳнинг тонгги эпкинидан жунжикиб, худди яширган ёнғоғини ер титкилаб ахтараётган ҳаққадай жўяклар оралаб нималарнидир тепкилайди.

Қўриқнинг у томонидаги олмазорлар нимяшилу нимсариқ баргларини шамол тортқилаётганидан хафадек, тўқсонни бўйлаган момо каби тебраниб кетади. Зовур бўйларидаги қирмизи тусда донга кирган сувот янтоқларида майда ҳашаротлар ўрмалайди. Сал тепароқда майдонлар оралаб бир чизиқда экилган бўйдор тераклар илқис туриб қолган шамолдан қарсак уради. Теракзор бошида бир-иккита деҳқон боласи кетмон кўтариб экинзорларга сув ҳайдайди...

Менинг даладаги биринчи куним ана шундай: одамлардан овлоқда, табиат қўйнида, муҳими, имтиҳондан йиқилиб издиҳомни жиним суймай турган кезлари айни муддаога эришган – ўзим билан ўзим қолган лаҳзадан бошланди. Ўша куни жўхорини пойлашдан кўра атрофни кузатиш маъқул тушди-да, дала кездим. Кеч киргач дадам қурган қапада аллапайтгача шоқолларнинг чийиллашини, қари толларга уя қуриб олган қарғаларнинг потир-потирини эшитиб ётдим. Тонгласига юз-қўлимни ювиб, нонуштага уриндим. Манқалга човғум қўйиб турганимда ортимда бировнинг оёқ товуши ва томоқ қиргани эшитилди.

– Ҳорманг, қўшни! – бурилиб улгурмасимдан янграган ушбу хитобдан чўчиб тушдим. – Оқшом қўрқмадингизми?

Ўгирилсам, рўпарамда кунда куйган, келбати отни сескантирадиган, қўллари қавариб, чимчилоқларининг бўғинлари ёрилган, кўринишидан содда ва самимий бир

киши кулимсираб турарди. Икки ўртада нари-беридан танишув қабилидаги ҳангома бошланди. У томорқамизнинг кунботаридаги ўн гектарли чорбоғнинг соҳиби, ўзининг таъбири билан айтганда, «кўча кўрмаган ўзбек боласи» – Илҳом ака экан. Яхши одамнинг нуқси қаеридадир кўришиб туради, гарчи яқин танимасангиз ҳам, ана шу ундовга беихтиёр бўйсунасиз. Янги қўшнимнинг (шундай аташ ўринли бўлар) кўзларидаги ўта содда нигоҳ ва феълидаги самимият ичини ошкор этарди.

Гурунгимиз анчагача чўзилди. Мен қишлоқдан лати-фабоп кечмишлар сўзлайман. У ўзининг болалиги, экин-у чорваси тўғрисида даврабоп гаплар қилади. Гоҳида қизиқсиниб Тошкентдан сўрайди. Бир неча йил Тошкент тиббиёт институтига имтиҳон топшириб ўта олмаганини эслайди... Шу алпозда орамиздаги биринчи суҳбат ниҳоясига етиб, у ўз юмушига, мен ўз ташвишимга киришиб кетдик. Кузнинг куни эмасми, ҳаш-паш дегунча қоронғи тушиб, яна қапамдаги ўрнимга кирдим. Сал ўтмай кўзим илинди...

– Ҳой ука! Турсангиз-чи, қуёш тиккага келди! – яқин-атрофда янграган чорловдан кўзимни очдим. Эшик олдида ўша нимтабассуми билан Илҳом ака турарди. – Қани, юринг, бизникида чой ичамиз.

Илҳом ака жўхориюя оралаб эргаштирди. Шатир-шутир қилиб қомати нарвонни бўйлайдиган маккапоялар ичида кетиб боряпмиз. Бир пайт жўяклар орасидаги уюм-уюм бўлиб тизилиб ётган кўсақлар олдида тўхтадик.

– Кўрдингизми, ука! – дея гап бошлади шеригим. – Чайлада ётаверганингиз билан қоровуллик битмайди. Кечаси ҳеч бўлмаса товуш бериб туриш керак.

Сўнг кўсақларни бизнинг чайлага ташидик. Мен бир қопни базўр пайкалдан олиб чиққунимча Илҳом ака икки халтани қўлтиқлаб қапага ташлаб қайтади. Ишимиз адоғига етгунча терга пишиб қолдик.

Илҳом ака чой устидаги ҳангомада туни билан ўғри қувганию баъзиларини таниб қолганини айтиб берди. «Ён қўшни – жон қўшни, – чой узата туриб гап ташлайди

ҳамроҳим. – Ҳамсоячилик шундайда билинади. Агар сизга айтмасам, одамгарчиликка тўғри келмас эди».

Сухбати соз қўшнимизнинг феълидаги жўмардлик мени ҳайратга солди. Уйга келиб шу ҳақда айтганимда отам мийиғида кулиб: «Илҳом фермерми, у ичида гидири йўқ одам», – деб қўйди.

Аммо вақт ўзани турли ташвишлар гирдобига солиб, анча вақт учрашмадик.

### **Кўбай отанинг кўкайи тоғ боласи**

Уч йил бурун қиш адоғи билан қандайдир ташвиш чиқдию Булунғурга йўл олдим. Туман марказидаги емакхоналардан бирида шеригимни кутиб ўтирибман. Онда-сонда чуғурлашиб бўй етган йигит-қизлар, тирикчилик важида илдам-илдам қадам отаётган турли ёшдаги йўловчилар ўтиб қолади. Қишнинг заҳри ҳали кетмаган бўлса-да, ҳавода ҳузурбахш майинлик бор. Пиёлага шўриллатиб чой қуяётган эдим, дераза ортида қўл телефонида зарда билан гаплашаётган таниш чехрага кўзим тушди.

Ҳа, бу мен бир пайтлар танишган, бегидир гапларию қилиқлари билан ҳайратлантирган Илҳом фермер эди.

– Салом алайкум, ичкарига кириг! – дедим деразанинг бир кўзини очиб, қўлим билан эшикка ишора қилганча. – Икки оғиз ҳангома-да!

Илҳом акани гапга солиш ҳеч қийин кечмади. Сухбатимиз аввалига ундан-бундан бошланиб, кейин ташвишларимиз ўзанига кўчди.

– Э-э, нимасини сўрайсиз, – деб куюнади ҳамсухбатим. – «Хотинни эр тўйдиради, деҳқонни ер» деганидай, бизнинг ҳам ташвишимиз ер билан-да! Бир кун солиққа чопасиз, бошқа кун уюшмага. Ҳозир кўкламги шудгор пайти-ю, менинг район марказида пўрим кийиниб юришимни қаранг! Аслида, шу паллада тракторнинг белида ўтириб ер ағдаришим, уруғ сочишим керак.

– Бўлади-да бари, иш кимдан қолмаган, – дейман ўсмоқчилаб.

– Чорваники минг йилда, деҳқонники бир йилда, ука, – фикрида давом этади фермер. – Экин-тикин учун бир кун ҳам ғанимат. Давлат билан шартнома бор. Иннан-кейин, ўзимизга қанча кўп ортса, шунча яхши-да...

Гап гапга қовушса, вақт ўтгани ҳам, бошқа ташвишлар ҳам унут бўлади. Суҳбатимиз дақиқа сайин қизиб, ўрта-миздаги бегонасираш кўтарилди. Бу орада хонтахтага егулик ҳам тортилди.

– Ҳозир кўпчилик фирибгарликни касб қилган, – чой ҳўшлаб гурунг беради ҳамроҳим. – Тавба, ҳатто давлатни ҳам чув туширишга ҳаракат қилади. Бундай хаёл айрим фермерларнинг ҳам ақлини ўғирлаганига нима дейсиз?!

– Қандай қилиб? – деб сўрайман синовчан.

– Кеча қўшни қишлоқдан бир давлатманднинг арзандаси келибди, – саволимдан энсаси қотгандек пешонасини тириштиради суҳбатдошим. – Нима эмиш, у банкдан фалон миллион кредит олармиш, мен кафилга ўтармишман. Бордию қарзини тўлай олмаса, менинг фермерлигим давлат тасарруфига ўтиб кетаркан.

– Кейин-чи?

– Бояги валлават бир-икки ойдан сўнг танишларини ўртага солиб бирор ака-укамга бошқа ном билан қайта очиб берармиш фермерликни. Ундирилган маблағ ўртада «арра» бўлармиш. Кўряпсизми фирибни!

– Нега рози бўлмадингиз? – сўрайман ўсмоқчилаб.

– Сиз феълимни яхши билмайсиз-да, – дадилланади Илҳом ака. – Бир замонлар ер оддий одамларга мулк қилиб тақсимланганида яхши ният билан раҳматли отамнинг шарафига «Кўбай ота» фермерлигини очувдим. Эҳ-ҳе, орадан қанча сувлар оқиб ўтди: давлатдан қарз бўлиб, ҳосил солиқни қопламаган кунларни ҳам бошдан ўтказдим. Мана, қарийб ўн етти йилдирки ана шу ном турибди. Энди келиб-келиб ўткинчи ҳою ҳавас деб бир-икки танганинг илинжида отамнинг шаънини сотаманми!..

Ташқарида баданга хуш ёқувчи шабада кезар, дераза туйнугидан сизиб ичкарига кирар эди. Гурунгни кўнгли тоза улфат берса, танингиз ипақдек эшилиб турган елдан

яйраса, одам бошқача ҳузур қиларкан. Бу орада мен кутаётган киши келдию суҳбатимиз узилди...

Автобус тўлқинлар оша пишқириб сузаётган кема янглиғ шамоллар забтини кесиб боради. Адирлар бағрида дикирлаб ўйнаётган қўзичоқлар кўзга ташланади. Уйғонаётган заминнинг ҳаётбахш нафаси улов ичкарисига сузиб кириб, киши қалбида аллақандай дилбар туйғуларни уйғотиб юборади. Кўклам насимида куртак отаётган дарахтларнинг, нишлаётган майсаларнинг, қизиётган тупроқнинг, борингки, тоғлар бағрини тилиб сизаётган чашмаларнинг бўйи бор. Шу боис одам бундай дамларда олис болалигини, беғубор дамларни, кенгфёъл одамларни қўмсаб қолади.

Негадир оққўнгил деҳқоннинг содда фалсафаси эсимга тушди. Қулоғим тагида куюниб гапиришлари эшитилаётгандай бўлди.

Ўйлаб қолдим: сен одам бўлиб элга қўшилсангу илму амалингни ажодларинг шаънига менгзасанг! Умр бўйи шу эзгу мақсад йўлида яшасанг. Бахт дегани, аслида, шу эмасми!

### **Зоти тоза зот айтади**

Қиш. Қичирлаган аёз жамики тирик жонни сиқувга олган. Ҳатто қушларнинг қанот қоқишга ҳафсаласи йўқ. Бироқ кўҳна Ғўбдинтоғнинг кунчиқарида туёқлар гувиллайди, қийқириғу ҳайқириқлар қайнаб тошади. Зот эмас, ор-номус талашаётганларга қараб эл эмранади.

– Ҳей дасти узун, нияти тоза биродарлар! Бугун солимга тўйхонадан кўп ўликмолдан ташқари беш қўчқор, икки новвос, бир той, бир туя айтилган! – дейди пўстинга ўралиб олган норғул баковул гулдираб. – Кўнгилда бўлса, айтаверинг, бақириб-бақириб юрт олдида айтаман!

Чортоқнинг турли бурчакларидан қур томонга отлиғу пиёда эниб келаверди – жарчи бирма-бир товушлаб кетаверди.

– Оқтошлик Илҳом фермернинг номидан бир қўй, устида эллик минг сўм пулиям бор! – баковулнинг ўктам овози адирлар бўйлаб чилланинг забтини кесиб ўтди. – Ҳо-ов илиги тўқ тақимдорлар! Отинг қушдан ўтса, ўзинг ҳалоллаб ютсанг – оласан. Биринчи такага шу марди майдоннинг атаганини тикдим!

Отлар уюри сайҳонликнинг энишига қараб қўзғалди. Кенглик узра улоқнинг ҳавоси кўтарган қийқириқлар янграйди. Томошатаблар ўзлари ишқибоз бўлган полвоннинг номини айтиб қичқиради. Бу орада кимлардир баҳсга ҳам киришиб кетди:

– Кўрасан, қўчқорни Собир полвон тақимлайди, – деди бири.

– Ундан Сирожиддин пешроқ! – дея эътироз билдирди иккинчиси.

Улар ҳеч мурсага келавермади.

– Агар Сирожиддин қўйга ташласа, қишлоққа текин олиб кетаман, лекин бундай бўлмайди! – дея бурнини кўтариб қаради миқтироғи.

– Қишлоқдошинг қўчқорни айирса, хўроз сўяман! – деди қотмадан келгани.

Суҳбатни эшитиб кулгим келди. Соддадилликни қаранг: солимни биров олади-ю, хўрозга «тушган» бошқа!

Кўпкари қизигандан-қизиди. Қиш чилласининг кўкка ўрлаётган жимир-жимирию гала устидан кўтарилаётган буғ майдонга қайнаб ётган қозон тусини беради. Вақтни ғанимат билиб Илҳом фермерни ахтардим. Нега изладим, нима туртки бўлди, билмайман. Киши барча ташвишу тирикчиликдан узилган кезлари бегидир ҳангома берадиган ҳамсуҳбатни қўмсайди, шекилли.

Биз яна учрашдик. Кўп йиллар кўришмаган дўстлар каби бел олишиб сўрашдик. Зум ўтмай гап гапга уланди.

– Улоқ элники! – дейди Илҳом ака менинг билагимдан тутиб кўпкаридаштнинг қибла томонига бошларкан. – Гашти бошқача-да, қиш бўйи кўпкарилардан қолмайман. Қаерда полвонларни кўрсам қўшилиб оламан. Агар шу ўртада чопиладиган бўлса, албатта солим айтаман

– Нега? – дея ҳайрат аралаш саволга тутаман.

– Э-э, халқда ҳақингиз қолармиди! – қаҳ-қаҳ уриб кулади ака. – Эртага болаларнинг суннатида улоқ берадиган бўлсам, қайтариб қўшади-да!

– Қўшмаса-чи? – пишанг бергим келади унга.

– Унда кўнглига ҳавола. Мен орзу-ҳавас билан атайман, тўй берганимда бизга ўхшаш ҳавасмандлар топилади...

Иккимиз тиззабўйи қор оралаб бориб автоуловга ўтирдик. Улов ичидагиларнинг аксари Илҳом аканинг таниш-билишлари экан, ғала-ғовур авжига минди.

– Ҳей, Келдибек ака, манови мухбир укам бўлади. Солим айттиришимга ишонқирамаяпти. Собир полвонни қўй сўйиб кузатганингизни гапириб беринг.

«Дамас»нинг ўнг бурчагида жуссаси ярим қучоқ келадиган, азбаройи қисилганидан фақат боши кўришиб турган киши кулги аралаш гап бошлади:

– Нимасини сўрайсиз, шармандагарчиликдан бош кўтара олмай қолдик-ку ўша кунлар, раис!

Машина ичида яна ғала-ғовур бошланди. Ҳамма айтувчини қистовга олди.

Келдибек аканинг сўзларига кўра, оқтошлик Собир полвон қайсидир улоқда тойга ташлайди. Издиҳомдан сўнг уйига қайтаётиб кўча бошида Келдибек фермерни учратиб қолади. Фермер ундан нима айирганини сўрайди. Полвон борини айтади. Тойни қишлоққа тан қилганидан суюниб уйига таклиф этади. Дастурхон тўкин бўлади, аммо ҳалиги «қурғур»дан бир-икки пиёла симирилгач, икки биродарнинг жигар егиси келиб қолади. Бу ер шаҳармидики, зип этиб қассобхонадан жигар қўлтиқлаб келсанг! Азаматлар ўйлаб-ўйлаб фермернинг қўтонидан бир совлиқни судраб чиқиб бўғизлашади.

«Камсуқум» меҳмон билан «саховатпеша» мезбон қишнинг қаҳратонида қўйнинг терисини шилиб, қорнини ёрган маҳал ҳалиги «номинг ўчгур» кучини кўрсатганими ёки чироқ ўчиб қолганиданми, жигархўрлар совлиқнинг... ўпкасини қозонга босишади. Шундай қилиб, икки жигар ишқибози тонготаргача ўпкахўрлик қилади.

Эртасигаёқ Собир полвон билан Келдибек фермернинг «жигархўрлиги» оламга дoston бўлиб, тўй-маъракаларда асосий «мавзу»га айланади...

Улов ичида бир ажиб – калакаю мазахдан, таҳқиру камситишдан холи кулги янгради. Ўзим ҳам яйраб-ййраб кулдим. Келдибек фермернинг ҳаракатлари, имоларини эсласам, ҳали ҳам завқим тошади.

Яна ўйлайман: элимизда ана шундай зот айтадиган, айтганини одамгарчилик йўсини деб биладиган фермерлар кўпайсин. Полвонини ҳурмат қиладиганлар, ардоқлайдиганлар сафи кенгайсин.

Майли, минг бир хандалар тўқиб чиқилса ҳам!

### **Меҳнат – бошга тож, умрга безак**

Қуёш савр буржидан ўтиб, жавзони қоралаб қолган кезлари бир тўй ташвиши билан Бахмал томонларга йўлим тушди. Ўзбекнинг маъракаси нимаси билан қизиқ? Аввало, бир-бирига етти ёт бегона одамларнинг танишуви билан.

– Қани, меҳмон, қаерлардан сўраймиз сизни? – деб гап бошлади тўрда ўтирган оқсоқол.

– Биз ҳам шу атрофнинг одами, – жавоб қайтардим оқсоқолнинг гап оҳангида.

Оҳангим мўйсафидга маъқул тушди, чоғи, гурунгимиз қизиб, деҳқону чорвадорнинг каму кўстини, замона зайлини муҳокама қила кетдик. Сўз айланиб Бахмалнинг ноёб олмасига келиб тақалди. Дастурхон атрофидагилар унинг тарихи, ҳосилдорлиги, етиштиришдаги ўзига хос жиҳатлари хусусида қизиқ-қизиқ гапларни айтишди. Сўнг...

– Бунинг бари меҳнатнинг меваси, – вазминлик билан сўз бошлади оқсоқол. – Яна об-ҳавонинг ҳам таъсири бор. Мана, масалан, Булунғурнинг Оқтошидан Илҳом деган фермернинг боғида биздагидан пеш бўлса пеш, кам бўлмаган «голден», «бешбармоқ», «семеренка»ларни кўриб ҳавас қилганман, – мўйсафид ҳар бир жумлани



чертиб-чертиб айтарди. – Жон койитиб ишламаса, Бах-малда бўладими ёки бошқа жойдами, олма тугул, оддий қайрағоч ҳам битмайди. Очиғи, Илҳомнинг ниҳолни парвариш қилишини эшитиб ёқа ушладим. Ҳар бир кўчатни алоҳида тарбия қилган экан азамат!

Даврада «Рост, ҳамма нарса қаров билан-да, тарбияси яхши дарахт мўлжалингиздаги ҳосилни беради-да!» деган маъқулловлар эшитилди.

Менинг хаёлим эса касбига собит, ҳунарининг пирига айланган фермерга оғди. У ҳақда қоғоз қоралагим келди. Зотан, эскилар: «Бир кун ҳам умр, минг кун ҳам!» – деб шунчаки айтмаган. Инсон бу ташвишли дунёга келиб, ҳаётнинг ҳар лаҳзасини чин маънода яшаб ўта олса, кўп асрлик қарашларимизда собит тура олса, саодатли кишилар деб шуларни айтиш мумкин.

Қаҳрамонимнинг у ёнидан-бу ёнидан қарайман: ички дунёсини, тиш ёриб бировга айта олмайдиган сирларини билишга чоғланаман. Аммо... Билиш Яратганга хос. Мен, бир бандаи ожиз, кўрганларимни қоғозга туширишгагина ярайман, холос.

Уста деҳқон, пухта миришкор Илҳом Султонқулов ҳақида билганларим ҳозирча шу.

## ЙЎЛ АХТАРАЁТГАН АВЛОД

Олтмишинчи йиллар авлоди, етмишинчи йиллар авлоди...

Ундан аввалги авлод ҳаммага маълум. Кейинчилари ҳам. Аммо ундан беридагилар-чи? Адабиётшунослар бу ҳақда тортиниброқ сўзлайдилар, журъат этиб мунозара ҳам қилмайдилар. Ёзувчи Н.Эшонқул етмишинчи йиллар авлодини алоҳида тан олиб, уларга ўз принципларини ёқлаб, ҳимоя қилган, оғишмаган авлод дея таъриф берибди. Бутунги кунга келиб кимнинг нимага қодир экани ҳам маълум.

Биз кимлардан яхши асар кутамиз? Э.Аъзам, М. Муҳаммад Дўст, Х.Дўстмуҳаммад... Рўйхатга кимлардир қўшилади, албатта, аммо уни узундан-узоқ давом эттириб бўлмайди. Кейинги авлод деганимиз – Н.Эшонқул, Л.Бўрихон, Қ.Норқобил, А.Йўлдошев, У.Ҳамдам, И.Султон, С.Вафо, Зулфия Қуролбой қизининг романлари чоп этилди. Роман ёзиш ҳазил гап эмас. Аммо бу романлар атрофида баҳс у ёқда турсин, илимлик гапларгина ўралашди, холос, уям узоққа бормади. Қ.Норқобил, У.Рўзиев ва юқорида тилга олган ёзувчиларимиз анча фаол ижод қиляпти. Эътироф қилингани рамзи ўлароқ мукофотларга ҳам муносиб кўрилмоқда. Н.Эшонқул таъкидлаганидек, суст, тарқоқ, ўз сўзига эга бўлмаган шу авлод вакиллари ҳам адабиётда маълум маънода из қолдириб бўлди. Ҳамон «ёшлик»дан қутулмаган бу норғул ёзувчилар камида элликни уриб қўйди, ахир!

Сирасини айтганда, шаклий изланишлар йирик пландаги асарларга ўтди. Ўқимаслик касаллиги эпидемиядек урчиган бир вақтда бу ҳол табиий ё табиий эмаслигини, очиғи, билмайман. Лекин адабиёт бир жойда депсиниб турмагани, қай йўсиндадир олға интилаётгани аниқ. Шу

билан бирга, «шаклбозлар», «ажнабийчилар», «сунъий адабиёт тарафдорлари» деган атамалар ҳам истеъмолга бостириб кирди. Етмишдан ошган оқсоқол адибларнинг буларга ётсираб қараётгани, ишонмаётгани, нари борса, шеригига кўрсаткич бармоғи билан тескари томонини кўрсатиб, «ўшалардан» дея бош сараклаб ижирғанаётгани ҳам бор гап. Ҳар қалай, камина бу ҳодисани ўпирилиш, катта жарлик сифатида қабул қилгим келмайди. Ахир ўша «янги проза» ҳам ҳали атак-чечак қилиб юрибди-ку. Бир турганда тўрт-беш қадам юриб йиқилиб, ўмба-лоқ ошиб тушаётган той бола сингари...

Аслида-ку ёзганда михлаб қўядиган адибларни, муаллифнинг профессионал истеъдоди барқ уриб турадиган асарларни яхши кўраман. Романлари қусурдан холи бўлмаган Ш.Холмирзаевнинг ҳикоя ва эсселари «Профессионал ёзувчининг битиклари шу!» деб кўрсатишга арзийди.

Дарвоқе, эллик ёшнинг қуйисидаги, яъни ўттиз-қирқ ёшнинг теграсидагилар ўйлантиради мени. Улар ичида Б.Абдураззоқ, Н.Чори, Х.Сафаров, А.Суюн, У.Яъқуб, Б.Саидова, Ф.Фарҳод бор. «Ёшлик» журналида ишлаб юрганмида уларнинг асарларидан баҳоли қудрат фойдаланганмиз, эълон қилиб жўяли фикрлар ҳам эшитганмиз адабиётшунос олимлардан. Лекин буларнинг адабий аҳволи биз – элликбойларникидан ҳам ғариброқми деб ўйланиб қоламан. Улардан кичиклар, яъни 25 – 30 ёшлилар эса «5» баҳога арзийдиган иншо ҳам ёзолмаслиги одамни ташвишга солади. Қани энди яна йигирма йилдан сўнг булар эллик ёшга тўлганида: «Адабиёт мана бу бўлади, оғайни!» – деб турса...

Ҳай, келажакдан фол очмайлик, эҳтимол, биз билмай, сезмай юрган даҳо мактаб партасида хаёл суриб ўтирган-дир. Ким билсин. Бугунимизни ўйласак, биздан ёшлар ҳақида гап кетганда катта бир йўналишлар, маълум мавзуларнинг маҳкам бошидан тутиб, тутган жойини қўйиб юбормайдиган қаламкашларни учратиш қийин. Лекини бор: анча чўнг талабни қўйсанг, катталар ҳам эсанкираб қолади.

Мендайин «Муқаддима», «Сўзбоши», «Оқ йўл» ёзиб кўрмай, балки уқувсизлик қилиб юрган одам хизмат тақозосига кўра бир ойдан кўп вақт Анвар билан бир-биримизга мўлтирашиб, аҳён-аҳён адабиёт аҳлларини бир бошдан «чиғириқ»дан ўтказиб, ўйлана-ўйлана, охири шу каби фикрлар ўтди хаёлимдан.

Анвар тарихдан яхши хабардор. Турк этносига роса қизиқади. Айни вақтда, жониворлар ҳаёти ва уларга доир атамаларни бир олимчалик билади. Ҳавас қилса арзигулик. Бу унинг айрим ҳикояларида ҳам акс этган. Ёзмишларига келсак, у ҳикояни профессионаллардай бошлайди. Орада белгисиз томонларга «ўтлаб» кетмайди. Бошланғич ва охириги нуқталарни яхши нишонга олади. Бироқ орада бироз депсинишга ўхшаш қусур сезилади. Бундай пайтлари шеваларнинг «оёғини осмондан» қилиб ташлаши мумкин. Назаримда, шевага доир сўз ва атамаларни истифода этиш алоҳида масала. Асосийси, уларни ўринли қўллаш лозим. Гоҳо у адабий сўз эквиваленти, гоҳида адабий сўзда ифодасини топмайдиган маъно юкини кўтаради. Шу боис ундан ўрни билан фойдаланган маъқул. Акс ҳолда, шевабозлик ўзбошимчиликка ўхшаш нохуш таассурот уйғотади.

Анварнинг юртимиздаги деярли барча адабий нашрларда ҳикоялари чоп этилди. Адабий жамоатчилик уни истеъдодли ёзувчи сифатида қабул қилди. Менимча, ҳали кўнглида айтажак фикрлари кўп. Гап уларни яхши бадийий йўсин ва шаклда ифодалашда, машаққатлардан чекинмасликда. Ўйлайманки, А.Суюн бу борада бировнинг ақл ўргатишига муҳтож эмас.

Ҳа-я, Анвар ва унинг тенгқурларини кузатиб буларнинг ҳам алоҳида бир мактаб ярата олишига ишонгим келади...

**Собир ЎНАР,**  
*ёзувчи*

## МУНДАРИЖА

Сукунат манзаралари. <i>Узоқ Жўрақулов</i> .....	3
Ота ва ўғил .....	8
Икки тонг ораси .....	16
Йўқчи .....	26
Болаликнинг сўнги куни .....	37
Қўшбурун .....	45
Оқтирноқ .....	54
Рўзанинг биринчи куни .....	65
Томоша .....	76
Мажлисбоши .....	84
Қалтабақай .....	91
Тарсаки .....	98
Ҳақканинг ўлиги .....	99
Тазарру .....	101
Акамга мактуб .....	103
Мангу қўшиқ .....	104
Бир кун ҳам умр, минг кун ҳам .....	112
Йўл ахтараётган авлод. <i>Собир Ўнар</i> .....	122

*Изоҳ ва қайдлар учун*

*Адабий-бадий нашр*

**Анвар Суюн**

## **ҒЎБДИНТОҒ ҲИКОЯЛАРИ**

**Муҳаррир:** Элбек ЭРКИН

**Бадий муҳаррир:** Баҳриддин БОЗОРОВ

**Техник муҳаррир:** Алимардон АҶИЛОВ

**Саҳифаловчи:** Иномжон ЎСАРОВ

**Мусаҳҳиҳ:** Дилрабо МИНГБОЕВА

**Рассом:** Оловиддин СОБИР ўғли

*Китоб «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали»  
ҳомийлигида чоп этилди.*

Нашриёт лицензияси: АИ №134, 27.04.2009

Теришга берилди: 05.10.2015 й.

Босишга рухсат этилди: 17.12.2015 й.

Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 84x108  $\frac{1}{32}$ .

Schoolbook гарнитураси. Офсет босма.

Ҳисоб-нашриёт т.: 4,39. Шартли б.т.: 6,72.

Адади: 1000 нусха.

Буюртма №

«AKADEMNASHR» нашриётида тайёрланди.  
100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20<sup>А</sup>-мавзе 42-уй.

Тел.: (+99871) 217-16-77  
e-mail: [info@akademnashr.uz](mailto:info@akademnashr.uz)  
web: [www.akademnashr.uz](http://www.akademnashr.uz)

«PRINT LINE GROUP» ХК босмахонасида чоп этилди.  
100096, Тошкент шаҳри Бунёдкор шоҳрўчаси 44-уй.